

The background of the cover is a warm, golden-yellow and orange-toned illustration. It depicts a cityscape with a prominent church spire and domed buildings. Numerous birds are shown in flight across the sky. In the lower foreground, the dark silhouette of a person with curly hair is seen from behind, looking out over the city. The overall mood is nostalgic and contemplative.

Алима
ШЕНЛИКҮҒЛИ

Дор
остидаги
одам



АМИНА
ШЕНЛИКУҒЛИ

ДОР
ОСТИДАГИ
ОДАМ




ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2021

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Турк)

Ш - 22

Шенликўгли, Амина

Дор остидаги одам: роман / Амина Шенликўгли. Тар-
жимон: Аброр Адҳам ўгли. – Тошкент: Янги аср авлоди,
2021. – 144 б.

ISBN 978-9943-20-802-5

Таржимон:

Аброр АДҲАМ ўгли

***Китоб «Misbah» таржимонлар гуруҳи томонидан
нашрга тайёрланди***

ISBN 978-9943-20-802-5

© Амина Шенликўгли, «Дор остидаги одам». «Янги аср
авлоди», 2021 йил.

Бу воқеа 1949 йилда бошқа бир мамлакатда бўлиб ўтган. Менга уни турмада пайтимда Абузарнинг қизи айтиб берган эди. Менга қаттиқ таъсир қилди ва сизлар билан бўлишим келди. Агар ҳаёти ҳақида китоб ёзилишини билганида эди, ишончим комилки, Вадот сизларга салом айтган бўларди.

А.Ш.

Ушбу воқеани ёзаётганимда аввалига роса кулдим. Бир кун ярим кечаси шунчалик қаттиқ кулибманки, овозим турмуш ўртоғимни чўчитиб юборибди. Қарасам, эшикдан мўралаганча мени кузатяпти. Нима бўлганини сўрадим.

– Нима бўларди, овозингни эшитиб, бу хотин ақлдан оздим, деб ўйладим. Бу китобнинг ёзувчиси шунчалик кулаётган экан, ўқувчиси нима қилади? – деди.

Орадан кунлар ўтиб, айна китобни ёзар эканман, кўз ёшларим шашқатор оқаётган эди. Эрим мени бу сафар йиғлаётган ҳолимда кўрди.

– Аллоҳ, Аллоҳ! Бу қандай китоб ўзи? Жуда қизиқиб кетяпман. Валлоҳи, ёзишни тугатишинг билан ўқиб чиқаман, – деди қизиқсиниб.

Ниҳоят, тугади.

Йиллар давомида ўнлаб марта, қайта-қайта босилди. Юртимизда, Фарбда, айрим мусулмон мамлакатларда бу асар асосида спектакллар саҳналаштирилди.

Энди бир нарсани билгим келяпти: китобни қўлингизга олиб ўқишни бошладингиз. Сиз ҳам мен кулган жойда кулиб, мен йиғлаган жойда йиғлармикинсиз?..

**Амина Шенликўгли,
2005 йил, Истанбул**

Бошқа мавжудотлардан фарқли ўлароқ, инсон бу дунёда доимо юксакликка интилиб, яхши ҳаётга кўз тикиб яшайди. Лекин ҳар ким ҳам «яхши ҳаёт» тушунчасини тўғри англайвермайди. Балки кимлардир юксакликни фақат моддий ҳаётдаги эҳтиёжларини қондириш, деб ўйлаб, унга эришиш учун ҳатто жиноятлардан ҳам тап тортмай ҳаракат қилишса, яна кимдир мутлақо бошқа йўлни танлайди. Моддият, нафснинг хоҳишлари ҳақиқий юксаклик кафолати эмаслигини, асл юксаклик ва яхши ҳаёт руҳан кучли, маънавий жиҳатдан мукамал бўлиш эканлигини жуда яхши англаб, шу йўлда бор-будини беради. Ахлоқий гўзаллик ҳам аслида мана шу маънавий мукамалликдан келиб чиқишини ҳисобга олсак, бу йўлнинг қанчалик тўғри ва муҳим эканини англаб етамиз. Моддият биринчи ўринга чиқиб, жамият моддапараст бўлиб кетаётган бир пайтда, маънавиятни, умуминсоний қадриятларни ва ҳақ йўлни тугиб туриш жуда қийинлашади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон аслиятини соғиниб, унга талпиниб яшайверади. Етарки, уни ўз аслиятига ундовчи, унга кимлигини тушунтириб берувчи фидойилар бўлсин.

Қўлингиздаги ушбу рисолада муаллиф шундай фидойи инсонлардан бирининг ҳаётидан қисқа бир лавҳасини ҳикоя қилган. Бу ҳаётини воқеа гарчи бизнинг диёрларда бўлмаган, бир неча ўн йиллар олдин содир бўлган бўлса-да, унда биз учун ҳам жуда кўп ибратлар, тарбиявий нуқталар мавжуд. «Misbah» таржимонлар гуруҳи сиз азизларга бу кичик рисолани тақдим этаркан, аввало, бу хизматнинг сизга манзур бўлишини Яратгандан сўрайди. Қолаверса, бу рисолани ўқиб, ундан тўғри ва керакли хулосалар ҳамда маънавий ҳордиқ чиқаришингизни умид қилади.

«Misbah» таржимонлар гуруҳи

БЎЛМАДА

Ўн беш йилдирки, қамоқхоналарда ётиб юрган одамман, лекин шунча йилдан бери янги келган манави маҳкумга ўхшаганини кўрмадим.

Бу турмага мени тонготарда олиб келишди. Бўлмада бир ўзим эдим. Бу одам келганида энди ёлғиз қолмайман, деб хурсанд бўлгандим, лекин унинг эс-хуши жойида эмас, шекилли. Келган заҳоти бўлманинг майдонини ҳисобламоқчи бўлди.

– Бўлма неча қадам эканини санадимми? Йў-ўқ, санамадим. Ўн йилдан бери қайси турмага тушсам, бўлмаларини қадамлаб, халожойларини қаричлаб ҳисоблайман. Бу ерни эса бир соатдан бери ҳисоблай олмаяпман.

Кичик жуссали, дағал соқолли, нигоҳлари маънодор йигит эди у. Мен ҳам шу ерда эканлигимга парво қилмас, афтидан ўзига ўзи гапирарди. Мени ҳайрон қолдирган бу одамга савол бермай туролмадим:

– Ҳой, биродар! Ўзингга ўзинг гапиряпсанми ёки менга гапиряпсанми?

– Ҳа, ўзим билан гаплашяпман. Нима фарқи бор? Ахир мен ҳам одам эмасманми? Одамман. Шундай экан, ўзим билан ўзим гаплашишим мумкин.

Ие, жавоби ўзидан-да антиқа бўлди-ку. Шундоқ ҳам қийноқлару уйқусизликдан аҳволим танг бўлиб турибди, унга эътироз билдирдим:

– Ундай бўлса, ўзинг билан овозингни чиқармай гаплаш, ўзингни ўзинг бемалол эшитасан. Мени эрталабгача қийноққа солишган, ухламоқчиман.

У яна ғалати жавоб қайтарди:

– Бўпти, тушундик. Овозингни ўчиргин-да, ухлайвер.

Кейин жаврашга тушди:

– Оббо! Бу қандай мантиқсизлик бўлди? Бу ерда ҳам оғзимизга толқон солиб оламизми?.. Бир қадам, икки қадам, уч, тўрт, беш, олти, етти. Бу бўлма узунасига етти қадам. Ҳам ҳисоблайман, ҳам гапираман. Ҳеч ким аралаша олмайди, тушунарлими?!

Асабийлаша бошладим. Кўпол гапларини эшитмаганга олдим.

– Овозингни чиқармай гаплаш, дедим-ку! Нега тушунмайсан?

– Бўпти-ей! Кўпам бошимни қотирма! Энди эини ҳисоблаб чиқаман. Бир, икки, уч, тўрт. Вой-бў, бунчалар кенг, уч қаватли каравот қўйишибди! Ўн йил деганда биринчи марта бундай кенг бўлмада ётар эканман-да. Бу ерда от чоптиришим ҳам мумкин. Эҳ, одамлар қандай кенг жойларда яшайди-я!

Бирдан мен томонга ўгирилди:

– Қайси жиноят учун қамалгансан?

Неча йиллардан бери шу саволга жавоб беришдан ўзимни олиб қочаман. Айтсам уяламан, айтмасам барибир кимдандир эшитишади. Жимиб қолганимни кўриб, у мени гапиришга ундади:

– Қовоқ уймай, қилмишингни айт. Ит билан ётибманми, бит билан ётибманми, билиб олай-да.

Аранг жавоб қайтардим:

– Номусга тажовуз қилиш. Мени тузоққа туширишган.

– Ҳм!..

Тентакка ўхшаб тентираётган маҳкум кўққисдан тўхтаб, менга нафрат билан қаради. Юзини буриштирганча ярамга туз сепа бошлади:

– Номусга тажовуз, дегин! Ўлай агар, унақа номуссизга ўхшамайсан умуман. Кечаси қийноққа солишди, дединг-а? Тушунарли. Маҳкумлар сени силаб-сийпалаб қўйишибди-да. Бизнинг подшоҳ давлатга қарши жиноят қилганлардан бошқа ҳеч кимнинг қийноққа солганига рухсат бермайди, демоқчийдим, лекин...

– Мен бу ерга кеча келдим. Бундан аввал пойтахтдаги турмада эдим. Маҳкумлар жиноятимдан хабар топишибди, устига-устак, мен зўрлаган қизнинг ёши кичик эди. У қизни ўз қизларидай кўришди, шекилли, эрталабгача азоблаб чиқишди.

– Ажаб бўпти, қўллари дард кўрмасин. Уялмадингми ҳеч? Ёш қизга ачинмадингми? Болаларга сўлагинг оқадиган бўлса, ўзингни дўхтирга кўрсатсанг бўлмасмиди? Энди ўзимни ўйлаб қолдим: сендек бузуқ билан битта бўлмада қандай қоламан?..

Яна бирпас у ёқдан бу ёққа бориб-келгач, рўпарамда тўхтади-да, кутилмаганда юзимга тупуриб юборди. Ўрнимдан туриб уришни истадим, лекин қўлимни кўтаришга ҳам мажолим йўқ. Шунинг учун ялинишга тушдим:

– Менга қара, биродар. Ўша пасткашликка қўл урганимда ўн беш ёшда эдим, ичкиликка алламбалоларни қўшиб ичиришган менга. Қиз эса ўн бир ёки ўн икки ёшда эди. Жудаям калта кўйлак кийиб олган, ич кийими кўриниб турарди. У

мен билан ўйнаша бошлади. Уйнинг олдида эдик, мен билан бирга ичкарига кирди. Ўша ҳаракатларини давом эттирди. Қилиқларини элас-элас эслайман. Менимча, унга шундай қилиқ қилишни ўргатиб қўйишганди. Ўргатилмаган ҳам дейлик, лекин аҳмоқ оналар қизларига ўрил болалар билан қандай муомала қилиш кераклигини айтмайдимиз?.. Ўзимни йўқотиб қўйган эдим. Ёш йигитнинг ҳирси кўзгатиб қўйилса, ундан нима ҳам кутиш мумкин?.. Хуллас, ўша аблаҳликни қилиб қўйдим.

– Шундан дегин. Ўзингни аблаҳ деб атаяпсан. Менга дори ичириб қўйишганди, деяпсан, қолаверса, пушаймонсан, уяляпсан. Одам бўлишинг мумкин. Исминг нима?

– Абдуллоҳ ал-Роғиб. Сеники-чи?

– Ҳароми Вадот.

Анграйиб қолдим. Умрим бино бўлиб, биринчи марта ўзини ҳароми деб атаётган одамни кўриб туришим.

– Нима?! Ҳаромими?

– Ҳа.

– Нега сени ҳароми дейишларини истайсан?

– Гап бундоқ, мен яхши кўрадиган одамлар айтса, парвойимга келмайди. Лекин мен ёқтирмайдиган нусхалар айтса, ўлай агар, деворга михлаб қўяман.

– Тушуниб бўлмас экан сени. Модомики, лақабинг ҳароми, буни ким айтишининг нима фарқи бор?

У тақатақ тўхтади-да, тезгина мен томонга ўтирилди.

– Шуни ҳам тушунмайсанми? Мени яхши кўрадиганлар айтса бўлаверади, чунки уларнинг ёмон нияти йўқ. Мен ёмон кўрадиганлар айтса,

ҳар сафар ҳароми деганида мени масхара қилмоқчи бўлади. Шу йўл билан қасос олишни ўйлайди. Бунга йўл қўёлмайман. Душманам мени жаноб Вадот деб чақиритишга мажбур.

Мен каравотнинг учинчи қаватидаман. Унинг тинмай юришидан бошим айланиб кетяпти. Ухламоқчиман, лекин бу одам ухлагани қўймапти. Бошимга бало бўлди. Энди илтимос оҳангида гапириб кўрдим:

– Шу ерга ўтирсанг, бироз суҳбатлашамиз. Ишон, бошим айланиб кетди. Келақол, биродарим.

– Мен юрмасдан туrolмайман. Шарафим урсин, портлаб кетаман. Кейин бўлақларимни йиғиштириб олишингга тўғри келади.

– Бу қандай қасам бўлди?

– Нима, ёқмадимми?

– Албатта, ёқмади. Шунақа ҳам қасам бўладими?

– Бу қасамни мен ўйлаб топдим.

– Аллоҳ, Аллоҳ! Қасам ўйлаб топиш деган нарса ни эшитмаган эканман. Янги чиққан одатми бу?

– Нега ҳайрон бўляпсан, тушунмадим. Нон урсин, Қуръон урсин, деган одамнинг қасами чиройлироқми? Умуман, қасамми булар? Нон ёки Қуръон урадимми? Номуссизларнинг қасамига нима дейсан? Ўзида ор-номус йўқ, шараф йўқ, қасам ичаётганида «шарафим билан» дейди. Бундай қасамлар менга ёқмайди, шунинг учун янгисини ўйлаб топдим. Шарафим урсин, деган қасамим олдинги турмадагиларга ҳам ёқиб қолди, улар ҳам шундай қасам ичишни бошлашди. Лекин сен хоҳласанг ҳам бундай қасам ичолмайсан.

– Нега энди?

– Нега деганинг нимаси? Сенда урадиган шарафнинг ўзи йўқ-ку. Бир қизалоқнинг номусини булғабсан, энг шарафсиз одамнинг иши бу. Қи-

залоқни қўятур, катта ёшдагиларнинг номусига текканларга ҳатто салом ҳам бермайман.

Хафа бўлдим.

– Менга қара, биродар. Сенга бошимдан ўтганларни гапириб бердим. Мен шарафли бир оиланинг шарафсизлик қилиб қўйган фарзандиман. Қанчалик пушаймонлигимни тасаввур қила олмайсан. Номусли одамлар хато қилмайди, деган гап йўқ. Илтимос қиламан, менга шарафсизсан дема. Буни ҳазм қилолмайман. Сенга айтдим-ку, менга тузоқ қўйишганди, агар эс-ҳушим ўзимда бўлганида...

Гапимни тугатиб улгурмасимдан у важоҳат билан бақирди:

– Нима?! Менга таҳдид қиляпсанми? Шарофим урсин, сени тўқсон бўлакка бўлиб тапшайман! Қайтиб ҳеч қачон менга таҳдид қилма! Шу каравотга осиб қўяман сени.

Чиндан ҳам бошимга битган бало бўлди бу одам. Аллоҳдан ўзимга сабр сўрашдан бошқа чорам йўқ.

Гапирмасликни маъқул кўрдим. Унинг ҳам уни ўчди. Лекин яна ўзига ўзи гапирганча у ёқдан бу ёққа бориб кела бошлади. Бу орада ухлаб қолибман.

Уйғонганимда биров ўзимга келган эдим. У билан анчагача суҳбатлашдим. Аслида тентакдек кўринса-да, яхши одамга ўхшайди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, шикоят қилишга тушди:

– Уф! Зерикиб кетдим! Ҳайҳотдек бўлмада сену мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Бунақада сиқилиб кетаман. Қизиқ, яна кимнидир олиб келишмасмикин?

Вадотнинг гапи тугамасидан назоратчининг овози эшитилди:

– Сизларга шерик олиб келдим. Мана, олинглар.

Ичкарига кирган маҳқум турган жойида қотиб қолган, иккаламизга анграйганча тикилар эди. Антиқа нусха экан: Вадотнинг мутлақо тескариси – камида икки юз кило вазни бор.

Вадот салом-аликни унутиб, томдан тушдан тарашадек гапира бошлади:

– Бу аҳволинг нимаси? Ё Аллоҳ! Умримда сендек семизни кўрмаганман. Сени тортиш мумкин бўлган тарози бормикин бу юртда?

Вадотнинг бу гапларидан уялиб кетдим. Шўрлик йигит турмага киргани учун шундоқ ҳам ҳуши учиб кетган эди, бундай аҳмоқона саволни эшитиб, умуман ҳайрон бўлиб қолди. Бизни турма назоратчиси, деб ўйлаб, йиғлагудек бўлиб сўради:

– Бу ер қандай жой ўзи, жаноб назоратчи? Валлоҳи, бу ерда қололмайман. Илтимос, мени тезроқ чиқариб юборинг.

Калака қилиш учун Вадот бундай одамни қидириб ҳам тополмаган бўларди. Унга дарҳол жавоб қайтарди:

– Албатта, жаноб, сиз бу ерда қололмайсиз. Сизни зудлик билан чиқариб юборамиз.

Янги келган маҳқумни эмас, кўпроқ Вадотни кузатаётган эдим. Унинг юз ифодаси, гапириши, ҳаракатлари кулгимни қистаётганди.

Учинчи маҳқум ҳали ҳам жойидан қимирламай турарди. Ёши ҳали ўттизга етмаган, шекилли. У ҳам йиғлар, ҳам алмойи-алжойи гапларни гапирар эди:

– Воҳ! Валлоҳи, мен бу ерда чидолмайман, бундай жойларга ўрганмаганман. Ишонинг, мен умуман чидамли одам эмасман...

Бу гап Вадотнинг ғазабини кўзғаб юборди. Янги маҳкумнинг олдига борди-да, ўкиргудай бўлиб гапирди:

– Нима деганинг бу, итдан тарқаган? Роса чидамли бўлганимиз учун бизни бу ерга тикишганми? Чидолмас эмиш... Бу бизга ҳақорат-ку! Бундан кейин гапингни ўйлаб гапир. Тантқиқлигинг бизга ўтмайди. Нақ терингни шилиб оламан.

Бақалоқ қаттиқ кўрқиб кетди:

– Илтимос, теримни шилманг. Миқ этмайман энди.

Учинчи маҳкум бироз гўл эканлигини Вадот тушуниб етган эди.

– Бўпти, бўпти, шилмайман. Бор, каравотнинг иккинчи қаватига чиқиб, эс-ҳушингни йиғиб ол. Исминг нима?

– Мухлис.

– Меники Вадот. Биласанми, йўрғақдалик пайтимда мен ҳам онамнинг эркатойи эдим. Қани, қандай чиқсанг чиқ иккинчи қаватга.

Юзи буришиб кетган Мухлис йиғлаган кўйи эътироз билдирди:

– Худо сақласин. Бу дунёда чиқолмайман у ерга.

– У ҳолда нариги дунёга жўнатиб юбораман сени, ўша ерда чиқасан.

– Худо сақласин. Илтимос, мени бу ердан чиқариб юборинг. Мен бу ерда чидолмайман. Нима қилай ахир?

Мухлиснинг кўзлари қинидан чиққудек бўлган, дам йиғлаб, дам тўхтаб қоларди. Ҳали ҳам бизнинг маҳкум эканлигимизни тушуниб етмаганди. Жудаям ачинарли аҳволда эди бечора. Вадот эса унинг гапларидан асабийлашган, яна ўзига ўзи гапиришга тушганди.

– Буни қаранглар-а! Чидолмас эмиш. Балки биз турма тошбақаси бўлиб туғилгандирмиз?..

Мухлис каравотга яқинлашгач, Вадотга қараб ялина бошлади:

– Илтимос, жаноб назоратчи, мени бу ердан чиқариб юборинг.

Вадот овозининг борича бақирди:

– Ўчир овозингни, ўчир! Акс ҳолда бир нима қилиб қўяман! Биринчидан, назоратчи эмасман, мен ҳам маҳкумман бу ерда. Иккинчидан, биз сени чиқара олмаймиз.

Кўз ёшлари тўхтамаётган Мухлис яна савол берди:

– Бу ердан кенгроқ, ташқари кўриниб турадиган, деворлари тоза, ўриндиқлар жойлаштирилган бўлма борми?

Вадот ўзини тутолмай кулиб юборди.

– Албатта, бор, жаноб! Ичида ҳовузи ҳам бор, атрофига гуллар экилган, хизматкорлар анвойи ичимликлар олиб келади. Ўша жойга боришни хоҳлайсизми?

Мухлис чиппа-чин ишонди.

– Ростданми? Худойим сизни асрасин. Ўтинаман, мени ҳозироқ ўша жойга жўнатсангиз.

Вадот сўкиниб юборди. Мен эса Мухлисга ҳақиқатни тушунтиришга уриндим:

– Менга қара, биродар. Бу ер янги очилган бўлма. Авваллари бу ерда егуликларни сақлашар экан. Юртимизда исён кўтарилиб, турма маҳкумлар билан тўлиб кетибди. Бу ер турманинг энг кенг ва маҳкумлар сони энг кам бўлмаси ҳисобланади. Аллоҳга шукр қилиб, каравотга чиқ ва бу ерга мослашишга ҳаракат қил. Инсон зоти ҳамма нарсага кўникади, сен ҳам кўникасан.

– Худо сақласин, нега кўникар эканман? Ахир мен бу ерда қолмоқчи эмасман.

Вадот чидолмай яна бақирди:

– У ҳолда нега жиноят қилдинг? Турмадан шунчалик кўрқар экансан, қадамингни тўғри ташласанг бўлмасмиди? Уст-бошингга, гапларингга қараганда ўқиган одамга ўхшайсан-ку.

– Мен жиноят қилмадим.

– Шундай дегин. Масжидга кетаётган пайтингда ушлаб олиб келишдим бу ерга?

Бу гал Вадотга мен савол бердим:

– Вадот, масжидга кетаётган пайтида кўлга олиниб, турмага ташланганларни ҳеч учратганмисан?

Лекин у мени эшитмади, чунки Мухлис билан овора эди.

– Хўш, нега тушдинг турмага?

– Отамнинг дастидан. Заводларидан бирини менинг номимга ўтказган эди. Лекин солиқ тўлашдан бўйин товлаптимиз-ей, оқибатда мени ушлашди. Отамнинг қурбони бўлдим, лекин у мени қутқаради. Бу ер қанчалик диққатни оширадиган жойлигини билганида эди, алақачон етиб келган бўларди.

Вадот бу сафар менга қараб гапирди:

– Кўряпсанми, кимдир келсин деган эдик, битта эси паст келди. Бу билан нима қиламиз, ҳайронман.

Мухлисни олиб келган назоратчининг овози яна эшитилди.

– Овқат олиб келган бўлиши мумкин, – дедим мен.

– Йўқ, бу соатда овқат бўлмайди, – дея эътироз билдирди Вадот. – Турмага янги келган одамдек гапирма.

Чиндан ҳам овқат эмас экан, тўртинчи маҳкум келибди. Назоратчи бизга қараганча маҳкумни ичарига итариб юборди:

– Бу ҳам сизлар билан бўлади.

Вадот қарши чиқди:

– Ахир, жой йўқ-ку, оға! Бостирмага¹ айланиб қоламиз-ку! Икки киши зерикиб қоламиз, дегандим, қўшин жўнатишлар, демагандим.

Назоратчи ҳам асабийлашди:

– Мен нима қилай? Сизларни бу ерга мен таклиф қилганмидим? Битта ётоқда икки киши ётасизлар, бошқа чорангиз йўқ.

Мухлис йиғлагудек бўлиб гапирди:

– Жаноб назоратчи, лекин бунинг иложи йўқ. Оҳ, ўзимни ёмон ҳис қиляпман, ҳозир ҳушимдан кетиб қоламан. Икки киши битта ётоққа қандай сифади?

Вадот аламини Мухлистан олди:

– Сен ўзи икки кишининг ўрнига ўтасан-ку, тўғрими? Шарафим урсин, сени уч киши деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Мана, менга қара, вазним бор-йўғи элик тўрт кило. Уч карра элик тўрт неча бўлади? Юз олтиш икки. Сенинг оғирлигинг эса камида икки юз элик кило.

Мухлис ҳеч нарса эшитмагандек назоратчига ялинишни давом эттирди:

– Жаноб назоратчи, илтимос, мени бу ердан чиқариб юборсангиз. Жинни бўлиб қолай, деяпман.

Ҳаммамиз кулиб юбордик. Назоратчи эшикни кулфлаб кетди. Вадот тўртинчи маҳкумдан сўради:

– Нима жиноят қилдинг?

¹ Хом гўштга туз ва зираворлар аралаштириб, устига оғирроқ нарса бостириб қўйиб тайёрланган егулик.

– Қотиллик.

– Жазо тайинлашдими?

– Йўқ, эртага охирги суди бўлади, шунинг учун катта турмадан бу ерга олиб келишди.

– Демак, сени дорга осишади.

– Ҳа.

Вадот ҳайрон бўлиб қолди.

– Лекин хафалигинг ҳечам билинмаяпти. Дорга осиладиган одамга ўхшамайсан.

– Яшашни хоҳламаяпман-ку, нега хафа бўлай? Бўйнимдан арқон ўтказишади, ғийқ этган овоз чиқади, шу билан тамом. Бу дунёдан зерикиб кетдим. Ўлимни соғиндим, оға, ўлимни. Жаҳаннамнинг оташи бу дунёнинг оловидек куйдирмас керак. Ёки менга шундай туйиляптими, билолмадим.

– Ичинг тўла дардга ўхшайди. Дунёнинг нима-си ёқмаяпти сенга?

– Ҳеч нарсаси. Айниқса қашшоқликдан қаттиқ хафа бўламан. Фарзандларим бойларнинг боласи еган таомни, кийган кийимни сўрайди. Бола-да, йўқчиликни тушунмайди. Шунақа пайтда бундай подшоҳлик тузумини болохонадор қилиб сўкасан, ўғриликка қўл урасан. Турмага тушгандан кейин эса ўлимни орзу қиласан, ҳатто жаҳаннамга ҳам рози бўлиб қоласан.

Вадот қаҳ-қаҳ отиб кулди.

– Жаҳаннамни кўрмай туриб гапириш осон-да. Дўзахни ўз кўзларинг билан кўрганигда қандай аҳволга тушишингни томоша қилгим келяпти!

– Жаҳаннамга тушишимни қаердан билақолдинг?

– Бир одамни ўлдирибсан-ку. Дўзахга тушиш учун бу камлик қиладими?

– У одам ўлимга лойиқ эди.



– Ўлимга лойиқ бўлса ҳам, сен ўлдира олмайсан.

– Бу гапларни кўятур. Ҳозироқ ухлагим кел-
япти. Менга жой борми?

Вадот яна ҳайрон бўлди:

– Шарафим урсин, сендай одамни кўрмаган-
ман. Эртага ўлим жазоси оладиган одам бутун
ухлайдими? Қандай боқибегам одамлар бор-а!
Кошки, мен ҳам шундай бўлолсам.

– Ухлайди, оға, ухлайди. Сархуш бўлдингми,
бу дунёни парвойингга ҳам келтирмайсан. Ке-
йин дорга осилмасанг-да, кўп яшамайсан, чунки
гиёҳванд модда ўлдиради сени. Тушуняпсанми,
мен гиёҳванд модда истеъмол қилдим. Менга би-
рорта жой кўрсатинглар, ухлайман.

Бақалоқ Мухлис гап-сўзларни энди тушуниб
етган чоғи, кўзлари шокосадек бўлиб кетди.

– Нима?! Сени дорга осишадими?

– Ҳа.

– Ё Худойим! Эсим оғиб қолди, шекилли, одам-
лардан ҳар хил нарсаларни эшита бошладим.
Демак, сени дорга осишади. Онажон! Мен дорга
осиладиган одамларнинг ёнида ётолмайман, бу
ердан зудлик билан чиқишим керак.

Мухлис деворнинг тагида туриб қолган, кара-
вотнинг иккинчи қаватига чиқа олмагани учун
нима қилишни билмаётган эди. Афтидан, Вадот-
нинг унга раҳми келиб, биринчи қаватни бер-
ди. Мухлиснинг оғзи ҳалиям очиқ эди. Сархуш
маҳкумни мен ёнимга оладиган бўлдим, у ҳам
менга ўхшаб қилтириққина экан.

– Мен бу ердан дарҳол чиқишим керак, – деди
яна Мухлис.

Вадот аччиқланди:

– Менга қара! Чиқа олсанг чиқ, лекин овозинг-
ни ўчир. Ўн йилдан бери «мен бу ерда қололмай-

ман» деган гапни ўн минг марталаб эшитавериб кўнглим озиб кетган. Шу гапни эшитсам, қоним қайнаб кетади.

Тўртинчи маҳкум менинг ёнимга ўрнашадиган бўлганидан Вадот бағоят мамнун эди.

– Қани, осиладиган одам, сен юқорига чиқ. Кейин мен ҳам келаман.

Мухлис қизиқсиниб сўради:

– Қаерга кетяпсиз, жаноб Вадот?

– Чойхонага бориб келаман.

– Мен ҳам сиз билан бирга борсам майлими?

Мухлиснинг гўллигидан Вадотнинг тепа сочи тикка бўлиб кетди:

– Сен ўзи қаерда яшар эдинг? Ҳали ҳам тушунмадингми? Бу ер турма, вақти келмагунча ҳеч ким бу ердан чиқа олмайди.

Вадотни томоша қилиш менга тин бераётган эди. Зеро, қилган қилмишим туфайли ўн беш йил ичида кулишни унутиб юборгандим. Энди куляпман. Бу дунёда аламимдан ўлиб бўлган бўлсам-да, энди куляпман... Менга нега гиёҳванд модда беришган экан, деб ўйлайвериб адо бўлганман. Буни кейинроқ тушундим: отам шаҳар ҳокимлигига номзод эди, менинг дастимдан номзодликдан воз кечиши керак эди, воз кечди ҳам...

Энди бўлмада тўрт кишимиз. Вадотнинг фиғони фалакда, турма бошқарувчиларини оғзига келганини қайтармай сўкаётган эди. Бир маҳал яна назоратчининг овози эшитилди.

Вадот қулоқларини бекитиб олганча гапирди:

– Нима десангиз денг-у, сизларга яна бир маҳкум олиб келдим, деманг. Агар шунақа бўлса, ақлдан озаман... Бўлманинг шифтига чиқиб кетаман... Қутураман...

Назоратчи Вадотни ҳатто эшитмаётган эди.

– Сизларга янги маҳкум олиб келдим. Тил-забони йўқ. Исми Аҳмад. Янги бўлма очилгунча чидайсизлар.

Вадот асабийлашганидан қўлларини мушт қилиб олган, кўзларидан олов пуркаётган эди.

– Жаноб назоратчи, бу ерда одамлардан тузлама тайёрламоқчимисизлар? Қандай қилиб ётади бунча маҳкум? Ҳеч ўйламадиларингми? Худо ҳаққи, манави бақалоқнинг ўзи уч кишининг ўрнига ўтади. Сиз эса яна бир маҳкум олиб келдим, деяпсиз. Одамлар турмага югурыптимми, нима бало?

Назоратчи яхши гап билан тушунтиришга ҳаракат қилди:

– Мен нима қилай? Бугун маҳкум ёғилиб кетди турмага. Сизлар жиноят қилманглар, бизга ҳам ташвиш бўлмайди, ўзингизга ҳам. Қилғиликни қиласизлар-да, кейин турмани ёқтирмайсизлар. Шу аҳволингизга шукр қилинглари, исёнчиларнинг дастидан бошқа турмаларда бир ўринда уч киши ётибди.

Вадот ҳайрон бўлганча аввал каравотга қараб қўйди-да, кейин сўради:

– Оға, қандай қилиб ётишибди? Икки букилиб ётишибдимми? Ёки биз билмайдиган бирор йўли борми? Бор бўлса, айтинг.

– Билмайман. Олинглари, сизларга бешинчи маҳкум. Нима қилсаларинг қилинглари. Бу маҳкумларни мен олиб келмаяпман турмага.

– Илтимос, оға, бу ерга энди маҳкум олиб келманг.

Назоратчи кетди. Ёнимдаги маҳкум хуррак отаётган эди. Вадот қўлида тасбеҳ билан у ёқдан бу ёққа бориб келар, тагин ўзига ўзи гапирарди.

– Битта бўлмада беш – ўн киши. Тузлама бан-каснинг ичи ҳам бу ерчалик тикилинч эмас.

* * *

Тинмасдан сигарета чекапмиз.

Мухлис ўринга сизмаган, баданининг бир қисми осилиб қолганди. У яна йиғлашга тушди.

– Мен бу ерда ётолмайман. Умрим бино бўлиб бунчалик тор жойда ётмаганман. Нега бундай қилдингиз-а, ота?!

Вадот тишларини ғижирлатиб жавоб қайтарди:

– О, шундайми? Сизмадингми? Биз яйраб ётамиз-да бу ерда, бизга жуда ёқади. Турмасиз яшолмайман, турманинг боласиман мен.

Шу тобда бошқа назоратчининг овози эшитилди:

– Ҳой, ичкаридагилар! Бўлмада жой борми?

Бу гал Вадот чиндан ҳам жинни бўлиб қолди. Эшикни очаётган назоратчига оғзига келганини қайтармай жавраб эди:

– Ҳойнаҳой, бизни сичқон деб ўйлаяпсизлар. Бу ерга истаганча маҳкум олиб келишингиз мумкин.

Назоратчи қовоғини солганча бақирди:

– Ўчир овозингни! Бошқа чорам борми? Жой борми, деб сўрадим, сендан рухсат олайми, деб эмас. Бир ўринда уч киши ётинглар, менга нима.

– Каравотда фақатгина бошимнинг устида жой бор, хоҳласангиз, маҳкумни бошимнинг устига ўтирғизиб кетинг. Менга барибир, эртага жавобимни беришади. Бу кеча ухламасам ҳам бўлади. Лекин қолган маҳкумларнинг аҳволи нима бўлади?

– Демак, эртага озодликка чиқасанми?

– Ҳа. Бу ердан қутуламан.

– Жуда соз. У ҳолда манави маҳкум билан тонг оттир. Эртага осилади.

– Қандай қилиб тонг оттираман? Каравотнинг кенглиги етмиш сантиметр. Бизни мушук деб ўйлашганми, бир ўринга икки киши жойлаштиришяпти. Мен ҳатто саксон сантиметрлик жойда сиқилиб кетаман, икки-уч кишилаб қандай ётамиз?

Вадот кўққисдан тўхтаб қолди.

– Нима? Эртага осиладими?

У энди ялинишга тушди:

– Илтимос, оға, эртага ўлар экан, бирор жойга тиқиб қўйинглар. Шундоқ ҳам бу ерда телба бақалоқ бор, анави маҳкум эса хуррак отяпти. Шу кечани ухлаб ўтказай, ташқарига дам олган ҳолда чиқай. Эртага ўладиган одам кечаси билан оҳ-воҳ қилиб чиқади, дод-войига тоқатим йўқ.

Шу маҳал Мухлиснинг овози эшитилди:

– Жаноб Вадот, сигаретамни тутатиб юборсангиз.

– Нима? Нега сенинг сигаретангни тутатар эканман? Аллоҳ, Аллоҳ! Бизни отангнинг хизматкори деб ўйлаяпсанми? Бойнинг боласисан-да, бой бўлмаган ҳаммани хизматкор, деб ўйлайсан.

Мухлис энди назорачи томонга ўтирилади.

– Жаноб назоратчи, сигаретамни сиз тутата оласизми?

Назоратчи кўзларини ола-кула қилаганча сўкинди:

– Жаҳлимни чиқарма! Тепкилаб ташлайман!

Вадот маънодор қараб турарди назоратчига.

– Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, шундай тен-таклар билан биргамиз. Илтимос, бошқа одам олиб келманг.

– Иложим йўқ, ҳамма жойда маҳкумлар тўлиб кетган.

Назоратчи маҳкумни ичкарига киргазиб, ўзи бўлмадан узоқлашди. Янги маҳкум кираётиб салом берди. Вадот асабийлашгани учун алик олмади, унинг ўрнига мен олдим. Вадот унинг юзига ҳам қараб ўтирмай гапирди:

– Демак, сени эртага осишар экан-да?
 Мухлис адёлга ўраниб олганча бақирди:
 – Онажон! Ахир мен ўликларнинг ичида қололмайман!

Янги маҳкум каравотни кўздан кечиргач, деди:
 – Бу ерда жой йўқ-ку. Мени нега олиб келишди?
 – Сенга нима фарқи бор, оғайни? – дея жавоб қайтарди Вадот. – Эртага нариги дунёга равона бўласан. Шундай экан, бу кеча бетоннинг устида ётсанг ҳам бўлаверади. Эртага ҳам қорнинг тагида, ҳам тупроқнинг тагида бўласан.

Янги маҳкум Вадотга бир қур назар ташлаб, кулимсираганча гапирди:

– Йўқ, Аллоҳнинг изни билан тупроқда ётмайман.

– Буни қара-я. Қаерда ётасан унда? Сенга ўхшаганлар ўлса, алоҳида жой беришадими?

– Ҳа.

– Қандай жой?

– Гулларнинг орасида, парку тўшакларнинг устида ётаман.

– Ол-а. Кўмилган жойингни ҳеч ким билмайди ҳам. Сени дорга осиб, жасадингни бирор чуқурга ташлаб юборишади. Ортингдан ҳеч ким гул ҳам олиб келолмайди, парку тўшак ҳам.

– Кимни айтяпсан?

– Кимни бўларди, қариндошларингни-да.

– Қариндошларим қабримни топа олмасликларини аниқ.

– У ҳолда гуллару паркуну тўшакни ким олиб келади сенга? Қаерга кўмилганингни фақат турма мудири билиши мумкин, холос. У эса сенинг қабрингга гул олиб келадиган одам эмас.

Дорга осиладиган йигит виқорли экан. Ўрта бўйли, қорачадан келган, қулганида оппоқ тишлари кўриниб, юзи янада ёришиб кетяпти. Вадот ҳам жиккакина одам. Иккаласининг ҳам соқоли бор.

Қош қораяй деб қолган эди.

Вадот янги маҳжумнинг теграида тинмай айланар, у айтган гапларни тушунишга тиришарди.

– Сен тушунтириброқ гапир: эртага қандай қилиб гулларнинг ичида ётасан? Сенга ким гул олиб келади?

– Аллоҳ!

– Аллоҳми? Аллоҳ ўлганларга гул берарканми? Воҳ-воҳ! Эсинг оғиб қолибди-ку! Сени ақлли деб ўйлаб гапириб ётибман-а.

– Эс-хушим жойида. Эсим оғиши учун ҳеч бир сабаб йўқ.

– Эртага ўласан, бундан каттароқ сабаб бўлиши мумкинми? Эсинг оғани аниқ, гул-пул дейсанми-ей, ҳатто қабрда ётишингга ҳам ишонмайсан.

– Ҳа, ишонмайман. Чунки Аллоҳ менинг руҳимни жаннат боғига равона қилади.

– Қачон?

– Ўлган заҳотим.

– Аллоҳ билан келишиб олганмисан? Қаердан биласан?

– Қуръондан биламан. Аллоҳ йўлида ўлганлар жаннатга тушади, дейилган. Мен ҳам Аллоҳнинг

йўлидаман. Бу йўлга кирганимдан бери унга ҳеч хиёнат қилмадим. Мен Аллоҳни яхши кўраман, биламанки, у ҳам мени яхши кўради. Аллоҳ уни севганларга хушxabар берган.

– Сен Аллоҳ яхши кўрган бандаларданмисан?

– Аллоҳ ваъдасидан қайтмайди. Мен унинг динига зид яшамайман. Тавба қилганимдан кейин қайтиб гуноҳи кабираларга қўл урмадим. Кичик гуноҳларим учун эса беш вақт намозда тавба қиламан. Шу сабабли Аллоҳнинг марҳаматидан умидворман.

Вадот унинг ўтиришига ҳам фурсат бермай саволга тутар эди:

– Сенга нега ўлим жазоси беришди? Хотинларнинг қорнига тумор ёздингми, нима қилдинг?

– Мен ўшандай сохтакорларга ўхшайманми?

– Унда нега ўлим жазоси олдинг?

Дорга осиладиган йигит жуда закийга ўхшайди. Сумкасини очганида ичидаги китоблар кўришиб қолди. У саволга савол билан жавоб қайтарди:

– Сен бирор кинначи ёки азайимхонга ўлим жазоси берилганини кўрдингми?

Вадот жавоб қайтаришга улгурмасидан назоратчининг овози келди.

– Янги маҳкум, ол, манави стул сенга. Бу кеча ётмасанг ҳам бўлаверади. Шундоқ ҳам эртага абадулабад ётадиган бўласан, ўшанда истаганча дам олаверасан. Айтиб қўяй, бошқа турмаларда стул беришмайди. Ўлмасдан олдин буни билиб ол.

Маҳкумнинг жавоби назоратчини ҳайратга солди:

– Мен ўлмайман.

– Мен ўламанми унда? Телба бўлиб қолганмисан? Мана, ҳужжатларинг қўлимда турибди.

Сенга аталган дор турманинг орқа томонида ўрнатилди. Чинор ёғочидан! Хуллас, ўласан. Нега эътироз билдирыпсан?

– Шаҳидлар ўлмайди. Мен шаҳид бўламан.

Назоратчи гапни давом эттиришдан воз кечди:

– Тушунарли, ақлдан озибсан.

Бундай пайтда Вадот жим турармиди, дарров орага суқилди:

– Эртага осиладиган одам ақлдан озади-да, тўғрими, оға? Кўяверинг, чаманзорга бораман, деб ўйлайверсин.

У энди назоратчига жаҳл қилмай гапираётган эди:

– Сиз бораверинг, яна икки-уч маҳкум олиб келсангиз ҳам майли. Уларни ҳам меҳмон қиламиз.

Ҳаммамизнинг кўзимиз янги келган маҳкумда эди. Мухлис унга қандай қараётганини кўриш учун атайин пастга тушдим. Қарасам, адёлини кўзигача тортиб олибди, дорга осиладиган йигитга тикилиб қолган. Худди нафас олишга ҳам кўрқаётгандек.

Вадот у ёқдан бу ёққа бориб келяпти. Мухлис адёлига кўмилиб қолгудек бўлиб ётибди. Шеригим хуррак отяпти. Янги маҳкум стулда ўтирибди. Мен эса буларнинг барини кузатяпман.

Тўғрисиани айтсам, дорга осиладиган йигитга ҳавасим келяпти. Қанчалар бахтли. Ўлса-да, яшайверади. Мен эса тирик бўла туриб ҳар куни ўламан. Қилмишимдан қанчалик уялишимни ким ҳам биларди...

Вадот ҳам менга ўхшаб янги маҳкумни кузатяпти. Мен каби унинг ҳам ҳаваси келяптими ёки унга телбага қарагандек қараяптими, билолмадим.

* * *

Ташқаридан хабар ололмаяпмиз, лекин иккита нарсани жуда яхши биламиз. Биринчиси, ташқарида қор ёғяпти ва биз бўлмада совқот-япмиз. Иккинчиси, исенда минглаб инсон ўлдирилган. Умуман олганда, араблар яхши одамлар, бироқ бу турмани бошқариш учун атайин ёмонлари танлаб олинган, шекилли. Бунақангилар тепадагиларга яхши кўриниш учун ҳатто оналарини ҳам сотишга тайёр. Дарвоқе, ҳамма арабнинг ҳам палаги тоза эмас-ку, Абу Жаҳднинг авлодлари ҳам бор.

Бизга қарайдиган назоратчилар уч сменада ишлар экан. Назоратчилардан биттаси бўлмағургина экан, иккитаси қандай одамлигини тушуна олмадим.

Айтишга осон, нақ ўн беш йилдан бери қамокдаман. Мени ўша хатога ундаган ошнамнинг дастидан. Ошнанг шайтон чиқиб қолса, оқибатинг шунақа бўлади. Юзимга кулиб туриб ҳаётимни барбод қилди. Давлатлар шунча қотиллик, жинсий тажовуз, оилаларнинг бузилиши, жанжалларга сабаб бўладиган ичкиликни нега тақиқламайди, ҳайронман.

Мухлис анчагина сиқилган кўринади. Яна йиғлашга тушди.

– Жаноб Вадот, ўтинаман, мени бу ердан чиқаринг. Ўликлар... ўликлар...

– Шундай қудратим бўлганида энг биринчи навбатда ўзимни чиқарган бўлардим. Бу тортанқис жойлар сенга умуман тўғри келмайди. Отанга айт, сени қутқарсин, ҳашаматли меҳмонхонага олиб борсин. Менга қара, бойвачча, ўн йилдан бери турмадаман, бирорта бойвачча-

нинг қамалганини кўрмагандим. Демак, сенга ўхшаганлар чидолмагани учун турмага келмайди, биз эса ўта чидамли бўлганимиз учун турмадан чиқолмаймиз. Кўпам асабимни бузаверма, бир бало қилиб қўймайин сени!

Мухлис мўлтириган кўйи жавоб қайтарди:

– Мен бу ерда қололмайман, деяпман, холос. Бу ерда ётолмайман.

– Шундоқ ётасанки!.. Эртага озодликка чиқаман, бошимни балога қўйма!

– Сизга нима қилдим?

– Юрагимни сиқяпсан. Мени лақма деб ўйлама.

– Йўғ-ей, ундай деб ўйламаяпман. Лекин нима қилай, ётоққа сиғмаяпман. Йиғлашга ҳам ҳаққим йўқми?

Вадот бор овози билан бақирди:

– Аллоҳим, менга сабр бер! Бу бақалоқ мени телба қилиб қўяди-ку. Гўлми, меровми, нима бало. Минғир-минғир қилавериб эзиб юборди. Бу билан овора бўлиб эртага осиладиган йигитнинг исмини сўрамабман ҳам.

Ўлим жазоси олган йигит ва Вадотнинг нигоҳлари тўқнашди. Йигит саволчан қараб турарди. Вадот эса гапиришдан тўхтамади:

– Бу шўрлик гулзорга бораман, деб ўтирибди, каравотнинг тепасига чиқиб олган нусха тинмай хуррак отяпти, пастдагисининг кўнгли эса саройни тусаб қолган. Бу кеча ақдан озиб қолмасам, яхши бўларди. Уйғотинглар анавини, нега хуррак отяпти ўзи?

Бу саволга жавобни Мухлис берди:

– Мен қаердан билай?

Бутун бўлмани хуррак овози тутиб кетганди. Вадот овозини кўтариб гапиришга мажбур бўлди:

– Уйғотинглар шу сархушни!

– Мен биринчи қаватга зўрға чиқиб олдим, учинчи қаватга қандай қилиб чиқаману уни қандай қилиб уйғотаман?

– Ўчир овозингни, бақалоқ. Сенга айтмадим. Шошма, сен ўзи қандай эркаксан? Эркак дегани охири йўқ ғорға кирса, ўша ердан юлдуз тўплаб чиқиши керак. Бунақа ношудлигинг, қўрқоқлигинг билан ҳеч вақога ярамайсан.

– Илтимос, ҳақорат қилманг. Мен соппа-соғлом эркакман. Сигарета чекмоқчиман, гугурт берсангиз.

Вадот гугуртни узатгандан кейин яна гапга тушди:

– Янги келган шеригимиз билан ҳали гаплаша олмадик, хуш келибсан ҳам демадик. У эртага осилади, биз эса нималар билан оворамиз. Қайтиб менга буйруқ берма. Менинг исмим ҳароми Вадот, деворга ёпиштириб қўяман.

– Йўғ-ей, сизни ҳароми деб бўларканми.

– Ҳа, мен ҳароми Вадотман.

– Нима?.. Онангиз йўқми?

– Онасиз одам бўлмайди, отаси нотайин одам бўлади. Умуман, сенга нима менинг онамдан?

– Йўқ, мен отангизни сўрадим.

– Отамдан сенга нима?

Янги келган йигит суҳбатни кузатиб ўтирганди.

– Бу турма олдинлари бундай эмасди, – деди у, – бир ётоқда бир киши ётарди.

– Демак, афв пайтида келган экансан-да.

Мухлис қизиқсиниб сўради:

– Жаноб Вадот, бу кеча ҳам афв бўлармикин?

– Мен қаердан билай? Мен бу турманинг назоратчисиманми? Ёки эгасиманми? Давлат мен-

манми? Сизларга жазо тайинлаган судья менманми? Нега ҳамма нарсани мендан сўрайверасизлар?

Вадотнинг асабийлашиб гапиришини дорга осиладиган йигитнинг саволи бўлди:

– Узр, Вадот. Биламан, саволлардан зерикиб кетдинг, лекин мен ҳам бир савол берсам майлими?

Вадот кўзлари олайганча жавоб қайтарди:

– Ўзи битта сен кам эдинг. Майли, сўра.

– Бу ерда қибла қайси томонда?

Вадот анграйганча ҳаммага бирма-бир қараб чиқди.

– Қанақа қибла?

– Қибла-да. Намоз ўқийман.

– Бу ерда намоз-памоз бўлмайди.

– Нега? Бу ерда дин, имон деган нарсалар йўқми?

– Йўқ, булар Аллоҳсиз.

– Ҳар инсон учун Аллоҳ бор, ҳатто инсон инкор этса ҳам. Аллоҳга ишонмайдиганлар дунёдаги ҳаётлари тутагандан кейин билиб оладилар Унинг бор-йўқлиги. Майли, буларни кўя турайлик, демак, қибланинг қайси томондалигини билмайсан, шундайми?

– Шундай. Турмага тушганимдан бери қибла қаердалигини сўрамаганман.

Йигит кулимсираганча сўради:

– Нега? Шунча йилдан бери Аллоҳга яқин бўлишга, унга сажда қилишга эҳтиёж сезмадингми?

У биров маънос тортди. Менга қаради, мен ҳам билмайман қибланинг қайси томондалигини. Тўғриси, уялиб кетдим, лекин сездирмадим.

– Инсон Унга сажда қилмай қандай яшаши мумкин? Руҳи қандай қилиб ором олади?.. Май-

ли, қуёш билан топай қиблани. Қуёш қайси томондан чиқиб, қайси томонга ботишини биласизларми?

– Бу ерда қуёшни кўролмаймиз-ку, – деди Вадот. – Шу дарчадан кеча билан кундузни ажрата оламиз, холос. Қолаверса, биз сендан сал олдин келдик. Аввалги турмада қуёшнинг чиқишини кўра олардим. Бу ерда эса маҳкумларга қуёшни ҳам раво кўришмас экан.

– Тушунарли, қиблани тополмайман экан. У ҳолда дуч келган томонга қараб ўқийман намозни. Зеро, қаерга ўтирилсам, Аллоҳга ўтирилган бўламан. Қибла эса Аллоҳ ўша ерда дегани эмас, намозни ўша томонга қараб ўқишимиз учун белгилаб берилган жойдир.

– Қўявер, бир умр намоз ўқибсан, сенга етиб ортади. Шундоқ ҳам эртага ўласан. Қара, биз умуман намоз ўқимаймиз.

– Ундай қилолмайман. Кимнингдир гапи билан Аллоҳнинг амрлари ўзгариб қолмайди.

– Оббо! Сенга яхшилик ҳам ёқмас экан. Бу ерда дин ҳам, имон ҳам, Қуръону қибла ҳам йўқ. Мен айтдим-қўйдим, бўлди.

– Сен хафа бўлма. Мен қибла масаласини ислом менга берган ваколат билан ҳал қилдим. Шомга азон чақирилдим, ақалли шуни айт.

– Сен гап тушунмайдиган одам экансан-ку. Бу ерда Аллоҳ, Қуръон, азон-пазон йўқ! Мен чақирайми азонни энди?

– Узр, нега бунчалик асабийсан, биродар?

Вадот хижолат тортди, лекин тажанглигини қўймади:

– Исмин билан чақир, мен сенга биродар эмасман.



- Сен мусулмон эмасмисан?
Вадот саволлардан сиқилиб кетган эди:
– Қўй бу гапларни. Сигаретадан ол, дардингни аритади.
– Сигарета дард аритадими?
– Албатта.
– Унда бунчалик кўп чексангиз-да, нега дарддан фориф бўлмаяпсизлар?.. Авваллари мен ҳам чекар эдим шу заҳарни, чунки хавфи қанчалик катталигини билмас эдим. Кейинчалик вужудга зарар берадиган ҳамма нарса ҳаромлигини билгач, чекишни ташладим. Қолаверса, сигарета мен билан гаплашиб, мени айблар эди.
Мухлис қизиқиб қолди:
– Ие! Сигарета ҳам одам билан гаплашадими?
Аслида у дорга осиладиган йигитга қарашга кўрқар, бироқ қизиқувчанлиги устун келаётган эди.
– Қайдам, мен билан гаплашган. Қанчалар аҳмоқсан, туф сенинг юзингга. Мен сенинг умрингни қисқартиряпман, сен эса мени пулга сотиб оляпсан, дер эди.
Вадот кўлини пахса қилганча гапирди:
– Ҳой, эртага ўладиган одамсан! Нега зарур сенга ҳисоб-китоб қилиш?
– Нима қилай, бир қути сигаретанинг пули Африкадаги ёки юртимиздаги, Фаластин, Шарқий Туркистон ёхуд бошқа ўлкалардаги оч одамларни қутқариб қолиши мумкин-да.
Вадот янада асабийлашди:
– Нима, энди ваъзхонликни бошладингми?
– Бошласам нима бўлади? Ваъзни назарига илмаган ёшларни кўряпмиз, хор-зор бўлиб юришибди.

Вадотнинг у ёқдан-бу ёққа бориб-келишидан Мухлис безовта бўлган эди.

– Жаноб Вадот, илтимос, бир жойда тулинг, бошим айланиб кетяпти.

– Бир жойда туриб нима қиламан?

– Ахир ўзимнинг қўлимда эмас, бошим айланиб кетяпти-да. Қолаверса, бу ердан чиқишни хоҳайман, илтимос, мени қутқаринг.

– О-о-о! Чикмоқчимисиз? Хўп бўлади, жаноб, дарров ишга тушаман, – деди Вадот қизариб-бўзарганча.

Гапга дорга осиладиган йигит аралашди:

– Вадот, биродаримиз Мухлисни айблама. Қўявер, истаганидек гапирсин. У ҳар доим ҳаётнинг ёрқин саҳналарига гувоҳ бўлган кўринади. Бошқача саҳналари ҳам борлигини билмайдиганга ўхшаяпти.

Вадот яна бақирди:

– Сен қандай одамсан ўзи? Эртага дорга осилсан, лекин манави бақалоқдан хотиржамроқсан.

Мухлис қўрқа-писа дорга осиладиган йигитга савол берди:

– Сиз чиндан ҳам эртага ўласизми?

Йигитнинг ўрнига Вадот гапирди:

– Ана! Бу бақалоқ ғирт меров. Ҳой, биз шунча вақтдан бери нима ҳақида гаплашяпмиз ўзи?

Хуркак нигоҳини Вадотдан узмаган Мухлис худди ҳеч нарсадан хабари йўқдек сўради:

– Нима деяпсиз, жаноб? Эшитмай қолдим.

– Ҳаҳ, ўша сенинг жанобинггаям!.. Йириштир олифтагарчиликни, бизга найранг қилма. Бу одам келган заҳоти назоратчи унинг эртага осилишини айтмадими?

Мухлис дорга осиладиган йигит томонга ўгирилади. Ҳам унга раҳми келар, ҳам қаттиқ қўрқиб кетганди.

– Воҳ! Ўлимга қандай чидайсиз, жаноб? Сиз учун жуда хафаман. Одам осилишга қандай чидайди ахир?

Йигитнинг овози бироз ғамгин чиқди:

– Ўзимни ўлимга кўниктирдим, биродар. Бу подшоҳлик тузуми мени осигини билар эдим. Лекин онамни ва қаллиғимни ўйлаб сиқиламан. Айни пайтда уларнинг фарёдини эшитгандек бўляпман... «Жоним болам, бу охириги кечанг, эртага ўласан. Мен қандай яшайман?» деяётган бўлса керак онам...

Мухлис кўз ёшларини тия олмади.

– Илтимос, хафа бўлманг. Бундай нарсаларга юрагим чидолмайди, ҳалиги жаноб...

– Исмин Абузар.

– Танишганимдан хурсандман, жаноб Абузар. Қайғунгиз мени ҳам хафа қилди. Аламимдан ўлиб қолмасам бўлди. Чиндан ҳам бу ҳаёт ёмон, шундай эмасми, жаноб Вадот?

– Мени аралаштирма. Ҳар гапга аралаштиравериб, миямни ачитиб юбордиларинг. Қолаверса, мен оналар учун хафа бўлмайман, менга деса сочларини юлиб фарёд қилмайдими. Лекин кўз ёши тўккан отани кўрсам, юрагим парчаланиб кетади. Оталарнинг йиғиси мени тамом қилади.

Мухлиснинг оғзи очилиб қолганди. Тўғриси, мен ҳам ҳайрон бўлдим. Абузарнинг юз ифодаси ўзгармади, анча босиқ одамлиги кўриниб турибди.

Оналарга ишонмайман дейдиган одам онасидан шикоятчи бўлса керак, ҳойнаҳой.

– Узр, онангни яхши кўрмайсанми? – деб сўрадим Вадотдан.

– Йўқ! Менинг онам ҳалигинақа эди... Жудаям чиройли, лекин оналик туйғуларидан маҳрум аёл

эди. Отамни ташлаб, уйдан қочиб кетган. Қаерга қочган? Турган гапки, сени яхши кўраман деган эркакнинг олдига. Аҳмоқ-да. Сен эр уйида туриб бошқа эркакка думингни ликилатсанг, у сени хотин қилармиди?.. Мени ҳам ташлаб, ўша ша-рафсизнинг олдига кетиб қолган. Шунинг учун оналарни ёқтирмайман. Менга оталар ҳақида гапир. Отанг сен учун йиғлаётган бўлса, шунга ишонаман.

Абузар маҳзун бўлиб қолди.

– Эртага дорга осилганимда, отамни кўраман. Уни жуда соғингандим.

Тинмай у ёқдан бу ёққа бориб келаётган Вадот бирданига у томонга ўтирилади:

– Демак, онангдан айрилиб, отанг билан учрашасан. Дунёнинг ишларини қара-я!

Кўз ёши тўкиб ўтирган Мухлис кутилмаганда суҳбатнинг мавзусини ўзгартирди:

– Жаноб Вадот, жудаям очикдим!

Вадот эса хотиржам оҳангда уни мазах қилишга тушди:

– Сал туриб овқатингиз келади. Кўнглингиз нимани тусайди, жаноб?

Мухлис эса мазахни тушунмайдиган даражада содда экан. Қолаверса, турмадаги шароитлар ҳақида умуман тасаввурга эга эмас.

– Нималар бор ўзи?

– Тўқмоқланган гўшт, бифштекс, турк таомларидан қорниёриқ², хуллас, хилма-хили бор. Қай бирини хоҳласайсиз? Тезроқ айтинг.

Мухлис энди оғзини очиб гапирмоқчи эдики, Вадот унинг ёқасига ёпишди.

– Менга қара, гажиб ташлайман сени! Манави одам эртага осилади, сен эса овқат деяпсан! Қа-

² Бақлажондан тайёрланган таом.

нақа овқат бор эмиш! Заққум бор, заққум! Озгина уялсанг-чи! Ўладиган одамнинг олдида овқат ҳақида гапирма! Бас, озроқ каллангни ишлат!

Бошини елкаларининг орасига тиқиб олган Мухлис кўзларини пирпиратгача деди:

– Ундай бўлса, назоратчига айтсангиз, мени қўйиб юборсин.

– Қанақа аҳмоқ одамсан ўзи? Айтдим-ку, вақти келмасидан олдин бу ердан чиқиб кетолмайсан.

– Хўп. Унда вақтим қачон келади?

– Эшакнинг боласи!!! Мен судьяманми? Қаердан биламан қачон чиқишингни? Ўнг томонингда ўлим тўғрисида гапириляпти, сен эса нималарни валақлаяпсан!

– Илтимос, ҳақорат қилманг, жаноб Вадот. Отам бу ҳақоратларингизни эшитиб қолса, ҳисобини сўрайди сиздан.

– Ҳаҳ, ўша отангниям!..

– Нега сўкин्याпсиз? Отам эшитиб қолса, кечирмайди.

– Отангнинг қўлидан бирор нима келса, сени бу ердан қутқарсин.

– Албатта, қутқаради. Мени ўз ҳолимга ташлаб қўймайди. Чидолмаслигимни у жуда яхши билади.

– Ўзи бу ерга қандай тушиб қолганинга қизиқиб кетяпман. Ўн йиллик маҳкумман, бой одамнинг турмага тушганини биринчи марта кўриб туришим. Одатда бойларнинг иши полиция идорасидаёқ пора билан ҳал бўлади. Полиция идорасига жинойтчи бўлиб кирган бой у ердан подшоҳдек гердайиб чиқарди. Афтидан, замон ўзгариб кетибди. Пора олмайдиганлар ҳам бор экан-да...

Бўлмадаги ҳодисалар тушга ўхшарди. Уч-тўрт соатнинг ичида қанча гап-сўз бўлиб ўтди-я. Мав-

зулар ўзгаравергани учун миям қизиб кетди. Вадотга қарасам ҳам, Мухлисга қарасам ҳам кулгим қистаяпти, ёнимдаги маҳкумнинг хуррагидан асабим бузиляпти, дорга осиладиган йигитга раҳмим келяпти. Телбага айланиш учун жуда мос муҳит.

Вадот менга отам Мисрда атташелик қилган пайтларда борганимиз театрдаги қаҳрамонлардан бирини эслатиб юборди. Ўшанда ўн тўрт ёшда эдим. Ўша қаҳрамон ҳаммани кулдирад, мен ҳам бошқаларга қўшилиб кулардим. Унинг ҳар бир ҳаракатига томошабинлар қаҳ-қаҳ отарди. Вадот ҳам ўша одамга ўхшайди.

Янги маҳкумга келадиган бўлсам, жуда хафа бўлдим. Унга нега ўлим жазоси беришганини билолмадик. Вадот ва Мухлиснинг тортишувларидан вақт бўлмади.

Тўртбурчак деразамизнинг бир бурчагида қуш уяси бор экан. Демак, ҳаволар исиганида қуш овози эшитилиб туради. Ташқаридан овоз эшитган маҳкумлар аланечук бўлиб кетади, буни қамоққа тушмаган одамнинг тушуниши амри маҳол. Вадот ҳам кўрди қуш уясини, лекин ҳеч нарса демади. Ишончим комилки, Мухлис билан жанжали тутаганидан кейин уя ҳақида ҳам гап очади.

Қўшни бўлмалардан бирида ёшлар ўзларини руҳлантириш учун ашула айтаётган эди:

Биз,

Ўзимизга назар солдик,

Дунёни янгитдан барпо этамиз,

Қаноти йўқларга қанот бўламиз,

Бўш келмадик, бўш келмаймиз!

Биз,
Исботладик – юракда йўқ қўрқув,
Инсоният йўлини ёритажакмиз,
Бу йўлда жонимизни ҳам берамиз!

Биз,
Ишонмадик озодлик эртагига,
Уйгондик, тушунинг –
Руҳимизни таниб олдик!
Беҳуда сўзингизда,
Уят билмас юзингизда,
Ёвузлик бўлар намоён.
Каттаю кичик бирдан
Билиб олдик ҳаммамиз!
Ишонгандик биз сизга,
Энди келдик ўзимизга,
Энди бизни бўлолмайсизлар,
Ўлдириб тугата олмайсизлар!
Қўрқитолмас бомбаларингиз,
Кўксимизни кериб турамиз!..

ОВҚАТ ПАЙТИ

Мен ҳам шу ёшларга ўхшай олармикинман, деб ўйланиб қоламан гоҳида. Аввалги турмада ҳам улар шундай эди: биз ўйин билан вақтни ҳавога совурсак, улар мутолаа билан вақтдан унумли фойдаланарди. Менинг ҳавасим ҳаваслигича қолиб кетади. Чунки ҳеч қачон улар сингари қатъий қадам ташлолмайман. Ёшлигимда заҳар ичишим оқибатида пешанамга ўзим суртган дор ҳеч қачон тозаланмайди. Ҳамма менга тажовузчи деб қарайди. Ҳолбуки, мен ундай одамлардан нафратланаман, лекин бундан ҳеч кимнинг хаба-

ри йўқ. Кошки ўша заҳарни ичмасайдим, кошки келажагимни барбод қилмасайдим. Оҳ, ёшлигим, оҳ! Ёмон дўст ва шайтоннинг тузоғи сени мендан жудо қилди!..

Ниҳоят, Вадот бир чеккага ўтирди. Қўлида тасбеҳ, тинмай дорга осиладиган йигитни кузатяпти. Йигит эса эртага ўлишини билгани ҳолда китоб ўқияпти. Аллоҳ, Аллоҳ! Телба десам телбага ўхшамайди, ақлли десам ақлига. Эртага ўладиган одам йиғлайди, тавба-тазарру, дуо билан вақт ўтказади. «Мени османглар!» деб дод-фарёд қилади. Лекин бу йигит мутолаа билан банд. Бугун бу бўлмада бўлаётган ишлар туфайли ақлдан озмасам, ишончим комилки, ҳеч қачон ақлдан озмайман.

Бизнинг қамоқхоналарда ҳар хил одамларни учратиш мумкин. Энг кўп туркиялик турклар ва курдлар бор. Ўн беш йил ичида икки европаликни кўрдим, юртимизга жосуслик қилиш учун келганида қўлга тушишган экан. Ўлим жазоси олган камида элик кишини кўрдим. Дор остига ёнгудек бўлиб кетишди.

Баъзиларининг фарёди ҳали ҳам қулоғим остида жаранглайди. Шундай алам билан йиғлашдики, унутишнинг иложи йўқ. Бир одам бўлманинг эшигига осилиб йиғлади. «Мен ўлдирмадим! Боламнинг ўлигини кўрай агар ўлдирган бўлсам! У одамни танимайман ахир! Қотилликни менга тўнкашди! Ўлган онамнинг суяқларини ғажий агар ўлдирган бўлсам! Бекордан бекорга осияпти мени! Илтимос, мени қутқаринглар!» деб дод-фарёд қилди. Яна бир одам ҳам жуда кўп йиғлади. Лекин осиладиган бўлгани учун эмас, мерос талашиб ўз укасини ўлдириб қўйгани учун. «Мен

бу ҳайвонликка қандай қўл урдим?! Уч қуруш³ учун ўз жигаримни қандай ўлдирдим?! Ўша пайт кошки, ақлим ўзимда бўлса эди! Мен ўлимга ло-йиқман!» деган эди.

Беш кишини ўлдирган бир кўппак бор эди. Ёмонлигини ҳали ҳам қўймаганди. Бир нимани дўндиргандек бўлмада ғоз юришини кўриб, асабим бузилиб кетарди. Қотилликни ҳунар деб ўйларди шекилли. Кимдир бирор нима деса, дарров дағдаға қилар, «Беш кишини нариги дунёга раво-на қилганман, олтинчиси сен бўлишинг мумкин», дер эди. Мен оғиз очсам, «Ўчир сен овозингни, номус душмани», деб гапиргани қўймасди. Худди ўзи номус душмани эмасдек! Ким билади, балки менга ўша заҳарни ичириб қўйган унинг итвач-чаларидан бирортаси эдими.

Кунлардан бирида яна асабимни бузди ўша одам. Одатдагидек «Мен ундайман, мен бундайман», деб гердайишни бошлади.

Мен эса номига доғ туширган одамман. Ҳатто оилам ҳам «Бизни иснодга қолдирдинг», деб мендан юз ўтирган. Йўқотадиган ҳеч нарсам қолмаган. Каравотда ўтирган жойимда ўша мақтан-чоқнинг устига ташландим-да, бор кучим билан дўппослашга тушдим. Уравериб касалхонабоп қилиб қўйибман. Беҳазил айтяпман, дўхтир чақиринди унинг учун. Беномус! Беш кишини ўлдирган одам сал хижолат тортиши керак-да. Хафа бўлиши, пушаймон бўлиши керак-ку. Бу эса шунчаки ўзини кўрсатиб қўйиш ёки арзимаган пул учун қотиллик қилгани аниқ.

Дарвоқе, бу гапларни нега гапиряпман ўзи?.. Ўтмишга чалғиб кетиб қолибман...

³ Майда танга пул.

* * *

Яна назоратчининг овози эшитилди. Бу гал овқат олиб келибди. Ҳайҳотдек эшик очилиб, иккита қозон кўринди, биттасидан чўмич чиқиб турибди.

– Қани, овқатларингни олинглар, – деди назоратни қўлини белига тираганча.

Хуррак отаётган маҳкумни уйғотишга уриндим, кошки уйғонса. Мухлисдан ташқари ҳаммамиз қондани биламиз. У нима қиларкин деб қизиқиб кетяпман.

Назоратчи шошилтирди:

– Бўла қолинглар! Қош-қовоғингизга қараб ўтираманми!

Мухлис ётган жойидан ростланиб, ўтирди. Ўрнидан турса керак, деб ўйлагандим, янглишган эканман. Қарасам, назоратчига гапиряпти:

– Жаноб назоратчи! Очликдан хушдан кетай, дедим. Таомномада нималар бор?

Назоратчи асабийлашганча жавоб қайтарди:

– Қанақа таомнома? Келиб овқатингни оласанми ёки йўқми?

– Жаноб назоратчи, илтимос, овқатимни олиб келсангиз. Ўзи бу ерга аранг жойлашиб олдим.

– Албатта, жаноб! Яна бирор истагингиз борми?

– Ташаккур, бошқа истагим йўқ.

Дарозгина, қорачадан келган назоратчининг тепа сочи тикка бўлаёзган эди. Кўзларидан ўт сачратганча Мухлисга бақирди:

– Ҳозир бир нарса дердимку-я, майли, индамайман. Менга қара! Жиноятни қилишга қилиб қўйиб, бу ерда ўзингни фариштадек кўрсатишга уринма!

– Мен жиноятга қўл урмадим. Ҳозир эса ўрнимдан туrolмаяпман.

Ўлимга маҳкум қилинган йигитнинг Мухлисга раҳми келганди. Ўрнидан турди-да, ўзининг идишига овқат олиб, унга келтириб берди. Овқатни кўриши билан Мухлиснинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди.

– Ие, шуми? Бошқа овқат йўқми?

Назоратчи қўлига рўйхатни олди-да, ўқий бошлади:

– Албатта, бор! Кабоб бор, котлет бор. Тел қадайиф⁴ ҳам.

Мухлис чиппа-чин ишониб назоратчидан илтимос қилди:

– Ундай бўлса, икки сих кабоб, котлет ва қадайиф олайин. Ёнида салат ҳам бўлсин.

Қозонларни кўтариб олган назоратчининг фигони фалакка чиққан эди:

– Нотавон кўнгилга кўтир жомашов! Асабимни бузма!

Назоратчи кетгач, гал Вадотга келди.

– Мухлис! Бунақаси кетмайди. Атроф тўла зўр ресторан, овқатга буюртма берайлик, истганингни е.

– Катта раҳмат. Сизларни ҳам меҳмон қиламан, яъни пулини мен тўлайман. Қани, буюртмаларни беринг. Ҳаммангиз истаганингизни олиб енг.

Вадот тишларини гижирлатиб бақирди:

– Сенга ўхшаган аҳмоқлар шунақа лаққа тушиб юраверади! Бу ер турма, тушингдингми, тур-ма! Палов билан нонга тўймадингми, бақалоқ?!

Абузар ранжиган оҳангда сўз қотди:

– Бақалоқ, дема, Вадот биродар. Ҳам гуноҳ бўлади, ҳам бу биродаримизнинг ичи оғрийди.

⁴ Ширинлик тури

Улуғлар айтишган-ку, на Каъбани буз, на бировнинг кўнглига озор бер.

– Ие, бу болани семиз эмас, дерсан ҳали?

– Семиз бўлиши мумкин, лекин семизликнинг сабаблари бор. Буқоқ безидан бўлиши мумкин, хафагарчиликдан ёки стрессдан тинмай ейдиган бўлиб қолгандир. У рамақижонсан, деса, сенга ёқадими?

Мухлис эса минғирлашга тушди:

– Мен бундай овқатларни мутлақо еёлмайман. Палов есам, семириб кетиб қоламан.

Ҳаммамиз кулиб юбордик.

Абузар кулимсираб қўйди, холос. Жудаям боадаб экан, умримда бунақа одамни кўрмаганман. Эртасига осиладиган одам ўзи қолиб бировнинг дарди билан шуғулланадими? Ўлишини била туриб китоб ўқийдими?..

Вадот эса Мухлис билан ўчакишишни тўхта-тай демасди:

– Менга қара, нонкўр, такасалтанг бойвачча, дорга осиладиган бу йигит овқатини сенга берди, сен бўлса бурнингни жийиряпсан. Ёқмаса ема! Туядек ўрқачингни тўлдириб олгансан, ёнинг се-роб, бир четдан тушираверасан.

– Нимани тушираман?

– Нимани бўларди, ўрқачингдагини! Шарафим урсин, йиққанинг уч-беш ойга етади.

Гапга яна Абузар аралашди:

– Биродаримизнинг ғурурини ерга уряпсан, ундай қилма. Кун келиб сенинг ҳам семириб кетмаслигинга ким кафолат беради?

Мухлис унинг гапини эшитмагандек яна оҳ-воҳлашга тушди:

– Ўтинаман, мени бу ердан чиқариб юбориш-син. Атрофим тўла ўлимга маҳкум қилинган

одамлар. Худди ўликларнинг орасига тушиб қогандекман. Бу ҳам камдек, оч қолиб кетдим.

– Ўчир овозингни, – чўрт кесди Вадот. – Манави йигитга қара, дорга осилади, лекин сенга ўхшаб войвойлагани йўқ.

– Вадот биродар, Мухлисни кўпам ранжитма, илтимос.

Абузар унинг ёнини олаётганини кўриб, Мухлис жавоб қайтаргиси келди:

– Миннатдорман, ўладиган жаноб, йўғ-ей, жаноб Абузар.

Вадот томдан тараша тушгандек савол берди:

– Шошма-шошма, анави машҳур Абузар сен эмасмисан? Артистмидинг, партистмидинг. Хуллас, машҳур одамга ўхшаяпсан, юзинг ҳам танишдек.

– Газеталарда кўп чиққанман, балки шунга танишдек туйилгандирман.

Мухлис ҳамон ўзининг дарди билан овора эди:

– Оҳ, ҳозир очликдан ҳушимдан кетиб қоламан.

У ёқдан бу ёққа бориб келаётган Вадот тезгина у томонга бурилди-да, ўзига хос бўлган тарзда бақирди:

– Ҳой, бақалоқ! Асабимни бузма, йўқса мана шу овқатни бошингдан тўкаман, тушундингми? Бу ерда бошқа овқат йўқ, дедим-ку сенга!

Шу билан овқат рафоси тугади. Абузар аранг ёниб турган чироқнинг нурида китоб ўқиётган эди. Бир маҳал кўзларига тин бермоқчи бўлди чоғи, шифтга қаради.

– Шифти жуда баланд экан, деразаси эса жуда кичик. Қизиқ, маҳкумдан ҳатто осмонни ҳам қизганадиганлар нима қилмоқчи? Мен келган қамоқхонанинг деразалари катта-катта эди.

– Нимасини айтасан, – деди Вадот. – Буларнинг виждони йўқ. Эшитишимча, бу турманинг тарҳини чизган меъмор тепадагиларнинг ҳамтовоғи экан. Маҳкумларни шунчалик ёмон кўрарканки, атайин деразаларни кичкина қилиб, юқорироққа жойлаштирибди. Фалакнинг гардишини қараки, унинг ўзини шу турмага тиқишибди. «Деразаларни нега бунчалик кичкина қилдим?» деб ҳар куни бошини деворга урармиш...

– Кошки бу турмани умуман қуришмаганида эди, – дея шикоят қилди Мухлис. – Шунда менга жазо беришмаган бўларди, куним бунчалик расво овқатларга қолмасди.

– Сен, яхшиси, ўл, хўпми? Ўлибгина қол. Одам деган очликка ҳам кўникиши керак-да. Ўлай агар, бу бойларнинг дунёдан хабари йўқ, бор-йўғи ҳам пул буларнинг, сифингани ҳам. Озроқ есанг бўлмайдими, бақалоқ? Танангдаги ёғлар эримаётган бўлса, спорт билан шуғуллан.

Мухлис ўлганнинг кунидан олдидаги овқатни олар экан, жавоб қайтарди:

– Жаноб Вадот, менинг семизлигим сизни қизиқтирмасин. Сизга жуда қилтириқсиз, даямпман-ку, тўғрими? Менинг ярмимча ҳам чиқмайсиз. Ўтакетган ориқсиз. Терингиз билан суюгингиз қолибди, холос. Лекин сиздан жаҳдим чиқмаяпти.

– Чиқиб ҳам кўрсин-чи! Қиличдай одамман!

Абузар Вадотга норози оҳангда қаради:

– Афсус, Вадот биродар.

– Мени биродар деб атама! Ҳароми Вадот деб чақир!

– Астаффируллоҳ. Қандай қилиб ҳароми дейман?



– Дейсан, чунки мен ҳароми Вадотман!

Ғалга Мухлис аралашди:

– Мен ўлиб қолсам ҳам бундай тарбиясизликни ўзимга эп кўрмайман.

Кўзлари шокосадай бўлган Вадот важоҳат билан Мухлис томонга эгилиб бақирди:

– Менинг исмим ҳароми Вадот! Ўзингни эркак деб ҳисобласанг, яна бир марта Вадот деб кўр-чи!

Абузар бошини китобдан кўтариб, бир муддат Вадотга тикилиб қолди.

– Чиндан ҳам сени тушуниш қийин. Нега сени ҳароми дейишларини хоҳлаяпсан, ҳайронман.

– Чунки шу билан онамдан қасос оламан.

– Қандай қилиб?

– Эшит, имом. Кимни ҳароми деб аташади? Албатта, валади зинони. Бундай болани туққан онани ким деб аташади?.. Ана энди тушундингми? Мен ўзимни ҳароми деб атаб, бу сўзни онамга айтаётгандек бўламан.

– Ростини айтсам, ҳайрон қолдим. Нималарни бир-бирига боғлаяпсан? Бу гапларинг ҳеч кимнинг хаёлига келмаса керак. Шахсан мен сени ҳароми Вадот десам, онангни умуман ўйламайман.

– Сен ўйлолмайсан-да. Ўйлайдиган аҳволинг борми сенинг? Эртага бошингга сиртмоқ илинади, бундай нарсаларни қандай қилиб ўйлайсан?

– Янглишяпсан. Менимча, беникоҳ туғилган боланинг ўзига ёки орқасидан ҳароми дейиш ҳам нотўғри. Бола қайси гуноҳи учун бундай жазога лойиқ кўрилиши керак?.. Лекин сени ҳақиқатан тушуниш қийин. Инсонмиз ҳаммамиз, нима ҳам қила оламиз. Ўзимнинг бошимдан ўтган бир нарсани айтиб берай. Кўриб турганингиздек, оқсоқман. Ўсмирлик пайтларимда болалар орқамдан

«Чўлоқ! Чўлоқ!» деб бақирар, мен эса ҳамма болалардан нафратланардим. Нега энди болаларнинг баридан?.. Ахир бу нотўғри эмасми?.. Аслида ўша бақирган болалардан жаҳлим чиқмаслиги керак эди, чунки айб уларда эмас, оилаларида эди. Буни ёшим улғайиб, эс-хушли бўлгандан кейин тушуниб етдим. Ҳамма нарса мияда бошланиб, мияда йўқ бўлади. Тўғри нарса ҳам, хато нарса ҳам миядан ўтади. Нима деб ўйлайсан, онангга ҳаёт сабоқлари берилганмиди? Энг яхши халоскор бўлмиш имон таклиф қилинганмиди онангга? Ёки ўз ҳолига ташлаб қўйилганмиди у?

– Қанақа диндорсан ўзи? Келганингдан бери Аллоҳ дейсан-у, энди суюқоёқ онамни оқламоқчисан, тушунмай қолдим. Онам... ўзинг тушуниб олавер... Унда имон нима қилсин.

Абузар суҳбат мавзусини ўзгартиришни истади.

– Дўстлар, умримнинг охирги кечасини сизлар билан ўтказаман. Ижозат берсангиз, овоз чиқариб Қуръон ўқимоқчиман.

Қуръон сўзини эшитиши билан Вадот нимагадир деворларга тупура бошлади.

– Худо уради мени! Субҳаналлоҳ! Аллоҳим, ўзинг раҳм қил! Ахир ғусул қилмаганман, қандай қилиб Қуръон эшитаман? Сен ўқийвер, имом, лекин овозингни чиқармай ўқи, чунки эшитадиган аҳволда эмасман. Ўзинг учун дуо қил. Мен эса эртанги кунни интиқиб кутаман. Келақол, озодлик! Оҳ, қачон келаркин ўша эртанги кун?!

Вадот бирдан хушёр тортди. Дорга осиладиган одамнинг олдида озодлик ҳақида гапираётгани эсига тушиб қолган эди.

– Узр, имом, эртага нариги дунёга равон бўлишингни унутиб, ташқарига чиқиш ҳақида гапи-

риб ётибман. Сен тун ҳеч битмасин, деб ўйлаётган бўлсанг керак, мен эса тонг тезроқ отишини хоҳдаяпман. Айбга буюрмайсан, шунақа худбинмиз-да биз, худбин!

– Ҳечқиси йўқ. Ҳамманинг ўз нуқтаи назари бор. Бу ёлғончи дунё ёлғонларга ҳам, ҳақиқатларга ҳам турли нуқталардан қарашга мажбурлайди.

– Жудаям галати-да бу дунё, нима дейсан?

– Ҳа, шундай.

– Шарафим урсин, сен учун хафа бўляпман. Ўн йилдан бери ўлимга маҳкум қилинган камида эллик кишини кўрдим, бирортаси сенга ўхшамасди. Қуён лақабли бир ошнам бор эди, дод-фарёдига қарамай дорга олиб кетишди. Ўша ошнам учун анча-мунча кўз ёши тўқдим. Сен билан танишганимга тўрт-беш соат бўлди-ю, сенга ҳам ичим ачиша бошлади. Айтганча, сени нимада айблашган ўзи? Айтиб бер.

Бу пайт ёнимдаги одамнинг хурраги кучайиб кетган эди. Вадот асабийлашиб бақирришга тушди:

– Ба-а-а-ас! Бас қил, аблаҳ! Хурракнинг овозидан имомни эшита олмаяпман ахир!

Вадот устки каравотга чиқиб хуррак отаётган маҳкумни уйғотишга уринди. Уддасидан чиқолмагач, қўли етганча уни муштлай бошлади. Қани энди уйғона қолса! Вадот ноилож Абузардан илтимос қилди:

– Имом, сен бошлайвер. Бу Аллоҳнинг балоси бор жойда бошқа чорамиз йўқ экан. Гапир, нима учун жазо олдинг?

Орага мен ҳам аралашдим:

– Тўғриси, мен ҳам қизиқиб кетяпман, Абузар. Гапириб берсанг, хурсанд бўламан.

– Албатта, айтиб бераман. Лекин олдин Вадот биродаримиздан Қуён лақабли дўстини сўрамоқ-

чиман. У нима сабабдан ўлимга маҳкум қилинганди?

– Сен сўрама, мен гапирмай. Хотинини йўлдан урмоқчи бўлган қариндошини ўлдирган эди, суд эса унга ишонмабди, мерос учун ўлдиргансан деб ўлимга маҳкум қилибди. Дорга олиб кетишаётганида ҳам зорланаётган эди. «Ҳароми Вадот, мени қутқар!» деб бақирарди. Адойи тамом қилиб кетди мени у. Илтимос, сен ҳам ўшандай гапларни гапирма, хўпми? Яна биттаси бор эди, ўлишидан икки кун олдин эси оғиб қолди. Лекин уни осишганидан хурсанд бўлганман. Ҳайвондан баттар эди. «Оҳ-оҳ, эртага мени осишади», деб илжаядиган бўлиб қолганди. Эҳ, ҳароми Вадот нималарни кўрмади дейсан турмаларда. Шунинг учун иложи борича тезроқ чиққим келяпти шу аристонхонадан.

– Чиққандан кейин қаерга борасан? Бола-чақанг борми?

– Қаердан бўлсин, имом! Бир қизни севган эдим...

Мухлис дабдурустдан унинг гапини бўлди:

– Жаноб Вадот, сизнингча, мени қачон қўйиб юборишади? Айтганча, халога ҳам бормоқчиман.

Вадот олайиб қараган эди, Мухлиснинг ранги қув ўчди.

– Вадот эмас, ҳароми Вадот!

– Астаффируллоҳ. Айтдим-ку, ҳеч кимни ҳароми дея олмайман.

– Нега энди айта олмайсан? Мени ҳақоратлаган бўласанми?

– Албатта-да!

– Йўқ, ҳақорат бўлмайди. Чунки айбдор ҳаромилар эмас, уларнинг оналари.

– Майли. Онангиз муҳтарама хонимни ҳам ҳароми дея олмайман. Мен умуман инсонларни хафа қилолмайман. Бу ерда эса жуда сиқилиб кетдим, чунки жуда тиқилинч, устига-устак, халога боргим келяпти.

– Оббо! Энди халога боргинг келиб қолдими?!

– Нима қилай, қистаб кетди-да.

– Кел, қучоғимга ёзила қол! Тентак, худди мен бу ернинг хўжайиниман! Нега ҳамма нарсани мендан сўрайсан? Бу бўлмада битта мен борманми? – тажанглашди Вадот, лекин ўша заҳоти ҳовуридан тушди: – Майли, ўзимизга сабр тилайлик. Сен эса бу ерни хало деб ўйлама, тушундингми? На чора, шу эшикни тақиллатишимиз керак.

Кейин мен томонга ўгирилади:

– Ҳой! Учинчи қаватга чиқиб олиб, дунё билан алоқангни уздинг-ку! Кел, эшикни баравар тақиллатайлик. Бир киши тақиллатса, очмайди булар. Ҳам исиниб оламиз.

– Хўп, мана, тушяпман пастга. Жаҳлинг чиқмаса бўлди, оға.

Биз даранглатиб эшикни тақиллатишимиз билан хуррак отаётган маҳкум уйғониб кетди.

– Нима... нималар бўляпти, дўстлар? Нима бузиляпти?

– Агар эшикни очишмаса, сал туриб бу бўлма бузилиб кетади, – жавоб қайтарди Вадот.

– Оҳ-ҳ, ҳаммаси менинг дастимдан бўляпти, – фарёд қила бошлади Мухлис. – Илтимос, сув беринглар... Оҳ, онажон! Онам шу ерда бўлганида, дарров сув олиб келган бўларди.

Ниҳоят назоратчининг овози эшитилди:

– Нима бўляпти? Ўт тушдимми?

– Ундан ҳам ёмонроқ, – деди Вадот. – Анави семиз халога бормоқчи экан. Сув хоҳляпти, овқат

ҳам. Бўлманинг тикилинчилиги ёқмаяпти унга. Лекин энг муҳими, хало.

Назоратчи эшикни очар экан, Вадот Мухлиснинг қулоғига шипшиди:

– Сенда соққа борми?

– Йўқ, соққа нима қилсин менда.

– Ие, пулинг йўқми?

– Пул бор, соққа йўқ.

– Бўпти, бўпти. Назоратчига пора берайлик, сенга тамаддихонадан овқат олиб келсин. Минғир-минғирингдан қутуламиз шу билан.

– Лекин мен пора беролмайман, уяламан. Бунақа ишларга отам уста.

– Сен менга юз лира бер. Пора таклиф қилинса, номусли одамгина хафа бўлади. Номуссизлар эса «Менга нега пора беришмаяпти» деб хафа бўлади.

Пулни олган Вадот назоратчини бўлманинг бир четига олиб ўтди.

– Менга қаранг, оға, бу бақалоқ Мухлиснинг эрталабгача чакаги ўчмайди. Аввалги турмада танишларим илтимосларга йўқ дейишмасди, сиз ҳам йўқ деманг. Мана шу юз лирага овқат олиб кела оласизми?

Назоратчи Вадотнинг юзига пича тикилиб турди. Ростини айтсам, қўрқиб кетдим. Чунки пора олмайдиган назоратчиларни ҳам кўрганман. Лекин буниси пулни қайтармади.

– Майли, лекин сенинг хурматинг учун рози бўляпман. Бу пулни мен олмайман, ошпаз олади, эшикдагилар олади. Мен шунчаки одамгарчилик қияпман.

Вадот унга нафрат билан тикилиб турар эди:

– Албатта, оға, албатта. Сиз одамгарчилик қияпсиз, сиз пора оладиган даражада номуссиз ва шарафсиз бўлишингиз мумкин эмас. Ундай паст-

кашлик қилмайсиз, оғам. Кўринишингиздан умуман порахўрга ўхшамайсиз.

Назоратчи андак шубҳаланиб қаради Вадотга:

– Тўғри, пора оладиган одамманми мен? Лекин пул жуда кўп-ку, бу бақалоқ шунчалик бойми?

– Нимасини айтасиз, миллиардер у.

Назоратчи кулимсираганча Мухлисга қаради. Энди Мухлиснинг ҳар истаги бажо келтирилиши маълум эди.

– Қани, юрақол, халога олиб борай сени.

– Ҳалиги... хало эмас, ҳожатхона десак...

Назоратчи пулнинг кучидан тиржайиб турар, аслида Мухлисга тоқат қилолмаётган эди. У Мухлисдек антиқа маҳбусни умрида биринчи марта кўриб турганди. Мухлиснинг айтишича, халога кетаётиб назоратчи унга яхши муомала қилибди.

Пул деб одам не кўйларга тушмайди-я!..

Мухлис бўлмадан чиққан, бояги гапини яна такрорлабди:

– Хало демайсиз, тўғрими? Ҳожатхона дейсиз-а?

– Нима фарқи бор? Иккиси ҳам битта нарса эмасми?

– Тўғри, лекин...

– Кел, ҳозир сени халога олиб борай, кейин бошқа ишларингни ҳал қиламиз.

Халога кетаётиб назоратчи Мухлисга «жаноб» деб гапирибди. Турган гапки, Мухлис бундай муомаладан анграйиб қолган. Ён-верига қараб сўрабди:

– Менга гапиряпсизми?

– Ҳа, сенга.

– Ҳалиги... Келганимда менга... нима деган эдингиз-да...

– Нима дегандим?

– «Ҳой, сен!» деб қаттиқроқ гапирган эдингиз. Шунга ҳайрон бўлдим.

– Ҳа, шундайми? Биз ҳам одаммиз, чарчаймиз. Майли, ҳозир менга қулоқ сол, жаноб. Кечқурун сенга икки порция кабоб олиб келаман. Соат ўнларда келтираман. Бўлмага келиб, тергов хонасига боришинг кераклигини айтаман. Ўша ерда еб оласан, келишдикми?

– Сизга қандай миннатдорчилик билдиришни билмайман. Албатта, соат ўнда келаман.

– Бўпти, келишдик. Буни фақатгина сенинг ҳурматинг учун қиляпман, тушундингми?

– Тушундим, жаноб назоратчи. Жуда ҳам олижаноб одам экансиз...

Мухлиснинг дастидан ҳамма нарса чала қолди. Ҳам Вадотнинг ҳаётига, ҳам Абузарнинг ҳаётига қизиқиб, ичим қизиб кетганди. Вадот бир қизга кўнгил қўйганини айтди, кейин нима бўлганини билолмай қолдим. Майли, ҳамма нарсани билиб оламан, олдин Мухлиснинг ишлари ҳал бўлсин. Унинг хаёли соат ўнда. Соат миллари тезроқ ўнга келақолсайди.

ҲЕЧ ҚАЧОН РАББИМДАН АЙРО ҚОЛМАДИМ

Юраги сиқилиб кетган Мухлис ҳар гапга ара-лашар, Вадот эса тобора асабийлашар эди. У Абузар билан суҳбатлашишни истагани учун Мухлисга шарт қўйди:

– Бундан кейин умуман оғзингни очма!

– Соат неча бўлди ўзи?

– Саккиздан ўн беш дақиқа ўтди.

Мухлис худди уйқудан энди турган одамдек бир хил саволларни бераётган эди.

– Оҳ, ҳали ҳам шу ердан. Соат тезроқ ўн бўла қолсайди, қорним таталаб кетди.

Вадот гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдек сўради:

– Соат ўнда нима бўлади? Айт, биз ҳам билайлик.

– Сизлар яна тортишадиганга ўхшаяпсизлар, – деди Абузар. – Дўстлар, менда бир таклиф бор, нима дейсизлар?

– Гапир, имом, қандай таклиф экан? Ҳар қандай имомни ҳам ёқтиравермайман, лекин сен тузук одамга ўхшаяпсан, – дея жавоб қайтарди Вадот.

– Келинг, биродарларча суҳбатлашайлик. Ҳар биримиз бошидан ўтганларни гапириб берсин, бир-биримизни таниб олайлик. Бир-биримизга фойдали маълумотлар берайлик.

– Майли, – розилик билдирди Мухлис, – лекин жуда очман. Дадамнинг айтишича, оч одамнинг мияси ишламай қолади.

Вадот кўлини пахса қилганча бақира кетди:

– Ҳаҳ, заҳар-заққум егин-да сен! Намунча чакагинг тинмайди сенинг?! Ақалли бир кеча тинч қўй бизни! Каллангни сал ишлатсанг бўлмайди-ми-я? Нималар деяпман ўзи? Шунча пайт ишламаган бу ошқовоқ энди ишлармиди? Бас, овозингни чиқармай, жимгина ўтир!

– Бўлди, бўлди, энди гапирмайман. Мен жаноб Абузарнинг ўрнида бўлсам, тинмасдан намоз ўқиб, Худога ёлвориб чиққан бўлардим. Лекин у суҳбатлашишни маъқул кўряпти.

– Мен ҳар доим Аллоҳга ибодат қилган одамман. Ҳеч қачон Раббимдан айро қолмадим, ҳар кун эртаси кун ўладигандек тайёргарлик кўрдим, – деди Абузар. – Модомики, эртага ожират

сафарига йўл оламан, бир неча кишига бу сафар ҳақида маълумот ёки эслатма беришни истаяпман. Амал-ибодат дафтаримга ҳар доим савоб ёзилишини истайман. Модомики, бугун ҳаёт эканмиз, бугундан фойдаланиб қолайлик. Қаранглар-а, Аллоҳ Қуръони Каримда нималар дейди: «Бир жон бошқа жондан ҳеч нарсани адо қила олмайдиган, ундан шафоат қабул қилинмайдиган, ундан тўлов олинмайдиган ва уларга ёрдам берилмайдиган кундан қўрқинг»⁵; «Унда, бўлишида шубҳа йўқ кунда уларни жамлаганимизда ва ҳар бир жон зулм қилинмасдан, қилганига яраша жазосини олганда, ҳоллари қандай бўладир?»⁶; «Ҳар бир жон қилган яхши амалини ҳозир топадиган ва ёмон амалининг узоқ масофада бўлишини истайдиган кунда...»⁷ Ҳа, буларни Аллоҳ айтяпти. Бугун қилган амалларимиз ўша куни рўпарамиздан чиқади.

– Илтимос қиламан, имом, дин ҳақида гапирма. Эшитишни хоҳламайман, – дея эътироз билдирди Вадот. – Ташқарига ҳам чиқолмайман, энг яхшиси, гапирма. Шундоқ ҳам эртага ўша томонга борасан, гапириб ўтиришинг шарт эмас.

Абузар ҳалимлик билан жавоб қайтарди:

– Биродарим Вадот, у ерга бориш фақатгина ўлим жазоси олганларнинг пешанасига ёзилган нарса эмас-ку. У ёққа сен ҳам мен билан бир кунда, бир соатда кетиб қолишинг мумкин. Сени диний мавзулардан қочадиган одам деб ўйламагандим.

– Йўқ, эшитишни хоҳламайман, айбга буюрма... Чунки сабаби бор... Ўн кундан бери ювин-

⁵ «Бақара» сураси, 48-оят.

⁶ «Оли Имрон» сураси, 25-оят.

⁷ «Оли Имрон» сураси, 30-оят.

гани сув топа олмаяпман, сен эса Қуръон ўқиб беряпсан...

– Шундай де. Мен эса Қуръонни ёмон кўрасан, деб ўйлабман. Бу аҳволда ҳам Қуръон эшитишинг мумкин, фақат намоз ўқий олмайсанз, рўза тутолмайсан.

– Тавба де, имом, тавба. Қуръонни нега ёмон кўрарканман? Шарафим урсин, Қуръонни ёмон кўрган одам динсиз бўлади!

– Ундай бўлса, бу бўлмага биринчи келган маҳкум ўз ҳаётини гапириб берсин. Кейин тартиби билан давом эттирамиз. Хўш, ким биринчи келган?

Вадот мени кўрсатди. Лекин унинг ўзи бошланиш истаётганини Абузар тушунган эди.

– Вадот биродар, сен бошлай қол.

– Қўйсанг-чи, имом. Мен кимману ҳаётим нима бўларди. Навбатимни бошқага бераман.

– Бўлмайди. Эрталабгача анча бор, унгача ҳаётларимизни бир-биримизга гапириб берайлик, ибрат олайлик. Хўш, кимсан ўзи? Нега қамаллансан?

Лекин орага яна Мухлис гап суқди:

– Соат неча бўлди, жаноб Вадот? Узр, Вадот... Ишонинг, очликдан силлам қуриб қолди.

– Эҳ, имом! Бу каллаварам бор жойда гап гапириб бўларканми.

– Биродар, сабрлироқ бўлишни ўрганишимиз керак. Нима қилайлик, ҳаёт бу, ҳар истаганимиз амалга ошавермайди.

Сўнг Абузар Мухлисга ўгирилди:

– Бизга бироз ижозат бер, майлими? Айбга буюрма, агар имконим бўлганида, бажонидил сенга ёрдам берган бўлардим. Афсуски, имконим йўқ.

Абузарнинг мулойимлик билан гапирганини кўрган Мухлис анграйиб қолди. Юзи буришиб кетди, ниҳоят, ўйлари тилига кўчди:

– Оҳ, чиндан ҳам сизни эртага осишадими? Қандай қилиб бунчалик бемалол гапира оляпсиз? Ҳайратдаман!

– Бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз. Ҳозир биродаримизга қулоқ тутайлик. Қани, бошла.

– Лекин мен жуда совқотдим, тишларим такиллаб кетяпти.

Абузар Вадотга далда бериш учун ўрнидан турди.

– Мен ҳам совқотдим. Шунинг учун у ёқдан бу ёққа юрамиз, танзимиз исийди. Ҳам юрамиз, ҳам гаплашамиз.

– Бўлмайди! Икки киши бир пайтнинг ўзида юрадиган жой қолибдими бу бўлмада? Битта-битта юриш керак.

БИР ЛАҲЗА БИР СОАТГА ТЕНГ БЎЛГАНИДА

*Агар инсон истаса, юраги зиндон учун
қуёшга айланар.*

Тил-забонсиз Аҳмад кўзини Абузардан узмаётган, миясида бу одам ҳақида турфа фикрлар чарх ураётган эди. Қизиқ, эртаси кун осилишини билган одам бунчалик хотиржам, эс-ҳушли бўлиши мумкинми? Ёки у шунчаки рол ўйнаяптими?.. Аҳмад бу саволларга жавоб топишни, Абузарни яхшироқ танишни истар, бўлаётган гап-сўзларни унсизгина тинглар эди...



– Биродарим Вадот, ҳаётингни гапириб бермоқчи эдинг. Бошлай қол, – деди Абузар.

– Йўқ, яхшиси, ўзинг бошла. Нега жазога тортилаганингни ҳали ҳам билолмадим. Сендек одам нега қамоққа тушди? Ўзи турмаларнинг қонун-қонидасини ҳеч тушунмадим-да, диндорларни нуқул битта бўлмага тикишади, шунинг учун сенга ўхшаганларни ҳеч ким танимайди.

Абузар Вадотнинг илтифотларини эшитмагандек жавоб қайтарди:

– Унақаси кетмайди, тартибни бузиш йўқ, мен олтинчи маҳкумман.

Вадот ниҳоят рози бўлди:

– Майли, гапирганим бўлсин. Лекин, илтимос қиламан, имом, манави бақалоқ оғзини очмасин.

Мен шу шаҳарда дунёга келганман, бошланғич мактабни ҳам шу ерда тугатганман. Отам таъмирчи эди, яхши пул топарди. Топганини қўш қўллаб онамга топширарди. Лекин онам ҳеч пулга тўймади. Худонинг берган куни отам билан жанжал қилар, мени казинога олиб бор, у ёққа олиб бор, бу ёққа олиб бор деб ҳоли-жонига қўймасди.

Бир куни мактабдан вақтлроқ қайтдим. Эшик қулф экан. Қўшнининг айвонидан уйга кирдим. Не кўз билан кўрайки, онам тўшакда бегона бир одам билан ётар эди. Бола эдим, аммо ориятим кучли эди. Онамни пичоқ билан яралаб қочиб кетдим. Тўғри бобомнинг уйига бордим. Уни яхши кўрардим. Отам неча марта ялинди уйга қайт деб. Бир куни шунчалик ялиндики, ҳеч эсимдан чиқмайди. «Қайт, болам. Сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Умримнинг охирида мени ёлғиз қолдирма», деди.

Бечора отамни шундан кейин қайтиб кўрмадим, силдан ўлди. Отам диндорларни жуда яхши кўрар, онам эса мутлақо тескариси – қаттиқ нафратланар эди. Онаминг хатолари отамни адо қилди. Онам уялмай-нетмай мени уйга чақирди. Гўзаллик салонидан чиқиб, менинг олдимга келибди. Ялинишга тушди. «Жон болам, Вадот, уйга қайт. Энди отангга хиёнат қилмайман», деди. «Мени Вадот деб атаманг, мен ҳаромиман! Мени ҳароми Вадот деб атанг!» дея бақирдим. Уни ҳақоратладим.

Бир неча ойдан кейин бобом вафот этди. Қарга боришни билолмай қолдим. Бола эдим, чорасиз эдим. «Онангнинг олдига бор, нима бўлганда ҳам онанг», деди кўшниллар. Ноилож бордим. Борган кунимоқ онаминг ўйнашларидан бири келди уйга.

Яна қочиб кетдим. Кунлаб кўчаларда тентираб юрдим. Афт-ангорим, уст-бошим кирланиб кетди. Кўрган одамнинг менга раҳми келарди. Кунлардан бирида бир аёл ўтди ёнимдан. Сал нарида ортига ўтирилди-да, сўнг олдимга келди.

– Болам, ҳеч киминг йўқми? – деб сўради.

– Йўқ, холажон.

– Ота-онанг-чи?

– Ўлиб кетишган.

Онамни чиндан ҳам ўлдира олмаган, лекин ҳаёлларимда ўлдига чиқариб бўлган эдим. Ҳалиги аёлнинг менга раҳми келиб деди:

– Эҳ! Ундай бўлса, сени бизнинг етимхонага олиб бораман.

Йўлда кетар эканмиз, у ҳам эрига хиёнат қилса керак, деб ўйлардим. Чунки сочини гўзаллик саломида турмаклатиб олган экан. Онам қачон

гўзаллик салонига борса, ўша куни албатта бирорта хуштори билан учрашарди.

– Хола! Нега сочингизни турмаклаб олдингиз?

– Менми?.. Қайдам... Ўзимга бўлган ишонч ошсин деб, ҳойнаҳой.

Бувимнинг сўзларини эслаб сўрадим:

– Ўзингизга ишонмайсизми?

– Ишонаман, албатта.

– Унда нега турмаклатдингиз?

– Бу ҳозир урф, ўғлим. Ҳамма аёллар сочларини турмаклатишади.

– Лекин бувим бундай қилмасди. Нима, у аёл эмасмиди?

Менимча, аёл заковатидан кўра башанг кўринишига кўпроқ ишонар эди. У менга ёқмайдиган жавоб берди:

– Улар эскича одамлар-да, ўғлим.

Аёл қандай қилиб мендан жаҳланмади, билмайман. Мени етимхонага олиб борди. У ерда олти ойча қолдим. Бир куни онамнинг тирик эканлигини билиб қолишибди. Мудир мени хонасига чақириб сўради:

– Онанг қаерда?

Ҳеч нарсадан хабарим йўқлиги учун яна ўлганини айтдим. Мудир тушунган одам эди, ғоят бошиқлик билан гапирди.

– Афтидан, онанг сени хафа қилган, шу сабабли ёлғон гапиряпсан. Ёлғон гапирма, ўғлим, онанг тирик. Бундан буён сени бу ерда олиб қололмаймиз, тепадан буйруқ келган. Лекин сени кўчага чиқариб қўйишни ҳам хоҳламаймиз. Муовиним Умму Гулсум хоним сени уйига олиб кетмоқчи.

Мудир муовини чиндан ҳам мени уйига олиб кетди. Мени жуда яхши парваришлади, уни онамдек кўрдим. Гўёки мени тукқан аёл у эди.

Йигирма ёшимгача унинг уйида қолдим. Бу ёшга тўлгунча ишқ балосига гирифтор бўлган, Умму Гулсум хонимнинг қизига ошиқ бўлиб қолган эдим. Дардимни ҳеч кимга айтолмас, севишимни Лайлога ҳаракатларим билан билдиришга уринар эдим. Ахир, қандай қилиб айтай? Онаси мени боқди, ўқитди. Шунча яхшилиқнинг эвазига номусимизга кўз олайтирдингми, дейиши мумкин деб, офиз очолмадим. Лекин Лайло учун ёниб-куяр эдим.

Бир куни Лайло билан уйда ёлғиз қолдик. Нима бўлса бўлар деб, ёрилишга қарор қилдим.

– Лайло, биласанми, мен бир қизни севиб қолдим.

– Вой! Чинданми? Буни қара-я, мен ҳам ошиқ бўлиб қолганман!

Бошим кўкка етгудек хурсанд бўлиб кетдим. У ҳам мени севишини билардим-да. Севинчдан юрагим тўхтаб қолай деди.

– Ким экан у бахтли йигит? – сўрадим сир бой бермай.

Лайло менга тикилди ва қатъий оҳангда:

– Ҳеч кимга айтмайсан, хўпми? – деди.

– Албатта, айтмайман.

– Мен Муҳаммад ал-Бадрийнинг ўғли Ҳасанни яхши кўраман. Бой йигит. Менга оладиган узукнинг эвазига уй олса бўлади. Кейинги ҳафта уйдагилар менга совчи бўлиб келади. Энди сен айт, кимни яхши кўрасан?

Бошим ғувиллар, кўз олдим қоронғилашиб кетган эди. Ўзимни аранг ўнглаб жавоб қайтардим:

– Ҳеч кимни. Мендек ҳаромининг севишга ҳаққи борми?..

– Бунчалик ўзингни ерга урмагин-да. Ўзинг тенги бирорта учраб қолади сенга ҳам.

- Тенгимми? Ўзимга ўхшаган ҳаромими?
- Бирам тегманозиксан-ей.
- Ахир, тенгинг деяпсан-ку. Бу нима деганинг?
- Нима бўларди, одамнинг келиб чиқиши, моддий аҳволи, маданияти, шулар-да.
- Демак, мендан бой бўлганинг учун мендан устунмисан?

У ҳайрон бўлиб қолди:

- Нима, буни билмасмидинг?
- Билмасдим, - дея жавоб қайтардим қайсарлик билан.

- Ахир, Вадот, бой қиз билан қандай қилиб тенг бўлишинг мумкин?

Лайлодан нафратланиб кетдим. Ўша тобда уни онамга ўхшатдим. У ҳам онамдек ҳамма нарсани пул билан ўлчаётган эди. Шокосадан чиққудек бўлган кўзларим билан унга тикилдим. Бор овозим билан бақирмоқчи эдим, лекин ўзимни қўлга олдим.

- Нега бунчалик асабийлашганингни тушуна олмадим, Вадот.

- Вадот эмас, аҳмоқ дегин, хўпми, сатанг қиз?..

Оғзи ланг очилиб қолди. Эшикни бир тепиб очдим-да, ташқарига отилдим. Яна кўчада эдим. Кўчада яшайдиган одамнинг охирги манзили, албатта, турма бўлади... Бир ўғри билан дўстлашиб қолдим. Ҳаётимда биринчи марта ўғрилик қилдим, шунда ҳам қўлга тушдим. Лекин айбимни инкор қилиб туриб олдим, уч ойлик қамоқ жазоси беришди. Турмада бир домла билан танишдим. Озодликка чиққандан кейин домла мени ёнига чақирди. Қуръон курсида яхшигина ўқиётган эдим. У ерда бир қизнинг кўнгли менга тушибди, хат ёзди. Мен унга жавоб ёздим. Билиб қолишди... Жоҳилгина бир домла бор эди, курсдан ҳай-

даб юборди. Қуръон курсида Аллоҳни таниган, эс-хушли бўлиб қолгандим. Энди яна айнайдим, яна ўғри билан ошна бўлдим, яна ўғрилиқ қилиб ушландим. Қутулиш учун пичоқбозлик қилдим.

Охирини кўриб турибсизлар, ўн йилдан бери қамоқхонадаман. Сен қиблани сўраганингда, ичим алланечук бўлиб кетди. Ўша домладан кейин ҳақиқий мусулмонни кўрмаган эдим. Ўттиз ёшимгача бўлган ҳаётим кўз олдидан ўтди. Яқинларим ичида бобом ва бувимдан бошқа ҳеч ким қибланинг қайси томондалигини билмасди. Отам намоз ўқийдиганларни яхши кўрарди-ю, ўзи ўқимасди. Онамнинг аҳволи маълум.

Ниҳоят, озодликка чиқяпман.

Фақатгина кўчаларда дайдишни соғинганим учун ташқарига чиқишни истайман. Бошқа ҳеч нарсани соғинганим йўқ. Дунёнинг аҳволи нима бўлди? Мен туғилиб ўсган шаҳар ўн йил ичида қанчалик ўзгарди? Шуларни ҳам билгим келади. Бўлди. Кимнинг олдига бораман, кимим борки менинг?.. Турманинг қонунларига бўйсуниб яшадим. Авваллари чала-чулпа ҳароми эдим, ўн йилда тўлиқ ҳаромига айландим. Охир-оқибат яна шу ерга қайтиб келаман. Буни жуда яхши биламан. Қуръон курсида ўтказган кунларим энди асло қайтиб келмайди.

Бошимдан ўтганлар мана шулар. Ҳозир энг яхши ҳолатимни кўриб турибсизлар. Аввалги турмада кўрганингизда борми мени, умуман танимас эдингиз. Турмадаги муҳитга мослашдим-да. Баъзан бу аҳволга қандай келдим деб, кўз ёш ҳам тўкаман. Лекин нима қилай, мослашиб бўлдим.

– Ичингдаги жавҳар мослашмабди, биродар, – деди Абузар. – Юрагинг тоза экан. Яна ўзингга қайтишинг мумкин.

– Қайдам, имом. Тунов куни бўлмада Камол деган маҳкумни қўлида исломий китоб билан кўриб қолсам бўладими. Ўл-а, дедим ўзимга ўзим. Ҳатто Камол ҳам исломий китоб ўқияпти, ўзингдан уял, дедим. Аммо муҳит ҳатто ўйлашга ҳам қўймади-да, имом! Сени нуқул чоҳ томон итаради.

– Афсуски, ҳақсан.

Мухлис ўзини аранг тийиб туган экан, охири тилга кирди:

– Энди гапирсам майлими?

– Майли, гапир, – деди Вадот.

– Ўша қизни ҳали ҳам севасизми?

– Қўйсанг-чи энди бу гапларни.

Лекин Мухлис тек ўтирмақчи эмасди:

– Сизнинг онангиз менинг отамга ўхшар экан.

Отам ҳам онамга хиёнат қилади. Қизиқиб кетяпман, жаноб Вадот, қайтиб Лайлони учратмадингизми?

– Йўқ. Фақат бир марта мактуб ёздим. Мен сени севгандим, лекин севгимга арзимас экансан, дедим.

– Майли. Ҳалиги... овқатланадиган пайтим... Узр, соат неча бўлди? – Мухлис яна ўзининг дардини эслаб қолган эди.

– Озроқ дам олдим, яна бошладинг-а?

– Нима қилай?.. Яна бир нарса сўрамоқчиман: сизнингча, мени эртага қўйиб юборишадими?

– Эртага эрталаб суд бўлмайди, – аранг ўзини босиб жавоб қайтарди Вадот.

– Қачон бўлади?

– Вилмайман, анчагача чўзилади лекин.

Гапга Абузар ҳам қўшилди:

– Анчагача дегани қанча ўзи?

– Энди сиқилишни бошладим!

– Мен ҳам сиқилиб кетдим, – дедим мен. – Қамоқда ётавериб зерикдим.

– Дарвоқе, – мен томонга ўтирилди Абузар, – сен ҳам бошингдан ўтганларни айтиб бер.

– Менми? Нимани ҳам гапираман? Менинг ҳаётим тамом бўлган.

– Майли, тамом бўлган ҳаёт ҳаёти тамом бўлмаганларга ибрат бўлади. Тушунган одам бошқаларнинг ҳаётидан ўзига ибрат олади. Агар одамларнинг бошига тушганлар бошқа одамларга фойда бермаганида эди, Аллоҳ ўтмишда яшаганларнинг ҳаётини, яъни қиссаларини, шунча воқеани бизларга нақл қилмаган бўлар эди.

– Аллоҳ қайси воқеаларни нақл қилган? – сўради Вадот.

– Кўп. Қайси бирини айтай?

– Бирортасини айтиб бер.

– Аввал иккинчи маҳкумдан бошидан ўтказганларини эшитайлик, кейин ўйлаб кўрамиз.

Шу пайт эшик очилиб, назоратчи кўринди. Унга кўзи тушган Мухлис хурсанд бўлиб кетди-ю, билинтирмасликка ҳаракат қилди.

– Соат ўн бўлдими, жаноб назоратчи?

Бу савол назоратчининг асабини бузди.

– Нега сўраяпсан? – деди қошларини уйганча.

– Ўзим, шунчаки. Бу ерга кираётганимда соатимни олтин экан деб олиб қўйишди. Сигаретамнинг ярмини ҳам олиб қолишди. Нега ундай қилишди, бу ўғрилиқ эмасми?

– Ҳа, ўғрилиқ.

– Унда нега уларни қамамаяпсиз?

Ниҳоят, Мухлисдан битта тузук гап чиқди. Шўрлик соатини қайтариб олишни ўйлаётган эди.

– Тинчликми, офа, бу пайтда нега келдингиз? – сўради Вадот назоратчидан.

– Шунчаки. Қалайсизлар экан деб кўргани келдим. Одамгарчилик юзасидан.

Вадот ҳар хил назоратчиларни кўравериб кўзи пишиб кетган, бир кўришдаёқ қай бири яхши, қайсинини ёмонлигини ажрата оларди. У овзидан бол томиб назоратчини мақтай кетди.

– Мунчаям яхши одам экансиз, оғам. Шарофим урсин, сиздек яхши назоратчини кўрмагандим. Демак, яхши одамларнинг фарзандисиз. Пасткаш, номуссиз, шарафсиз эмассиз. Нукул ўзининг манфаатини ўйлайдиган итваччалардан эмассиз.

Назоратчи терлаб кетган ва тоқати тугаётган эди.

– Бўлди-ей, наmunча мақтадинг? Нега мақтаб қолдинг ўзи, тушунмадим.

– Мақтамай бўладими, оғам. Кўкларга кўтаришга арзийдиган одамсиз. Аллоҳ сизни мукофотласин. Сизни шу турманинг мудури этиб таъинлашлари керак, сиздек одамга назоратчилик ярашмайди. Сиз шарафли одамсиз, итдан тарқанлардан эмассиз.

Назоратчи анграйиб қолганди. Нима қилишини билмай, «Яна келаман», деди-да, чиқиб кетди. У чиқиши билан қизиқсиниб Вадотдан сўрадим:

– Нега бунчалик тилёғмалик қилдинг?

– Шу йўл билан уларни сўкиб оламан. Ўн йилдан бери турмада ётавериб, пулдорлар хоҳлаганини қўлга киритишини жуда кўп кўрдим. Шунақа гаплар билан улардан қасос оламан, очикдан-очик сўколмайман-ку. Кўрмаяпсанми, бизни лақма деб ўйлаяпти. Анойи эмасмиз биз!

– Назоратчи яхши одам экан-ку, – деди Мухлис. – Шунча маҳкумнинг ичида бизларни ўйлаб келибди.

– Ўчир овозингни, бақалоқ! Нима, биз аҳмоқ-мизми?

– Яна нима қилдим, жаноб Вадот?

– Шунча ёғ йиққандан кўра озроқ ақл йиғсанг бўлмасмиди?!

Абузар мавзуни ўзгартиришни истади:

– Энди навбатдаги маҳкум бошидан ўтганларни гапириб берсин.

– Қўй уни, имом, – деди Вадот. – Банги у, гапирадиган аҳволда эмас. Бангдан урволган.

– Бангми? Турмада қаердан топа қолдийкин?

– Оббо, имом-ей, турмани пастга урма бунчалик. Турманинг бошқа жойлардан нимаси кам? Шарафим урсин, агар пул бўлса, ҳамма нарсани олиб кириш мумкин бу ерга. Банг нима бўпти?!

– Ташқарида эшитгандим бу нарсаларни, лекин уйдирма, деб ўйлаган эканман. Китобларда ҳам ўқиганман, тўқима, деб ўйлаганман.

– Одам ўз кўзи билан кўрса, китоблар ҳақиқатнинг акси эканлигини тушуна бошлайди. Мана шунақа.

Қизиғи, тўртинчи маҳкум ҳамма гапни эшитиб ётган экан.

– Ҳой, мени ёмонламанглар! Сизлар менинг ўрнимда бўлганингизда, ким билади қандай аҳволларга тушган бўлардингиз. Мен бу шаҳарга ўн яшарлигимда келганман. Ота-онам ажрашиб кетишди. Гоҳ онам билан, гоҳида отам билан яшадим. Майхонада ишлаётганимда ҳалигинақа нарсаларни сотишни бошладим. Унақа жойда аёл зотидан арзони йўқ. Аёллардан зерикиб кетгандим. Ижарачимизнинг қизи бор эди, онасига ўхшаган сатанг эди. Менга ёпишиб олгани учун уни ҳам пулламоқчи бўлдим, лекин калтак еб ол-



дим. Мени дўппослаган одамни пичоқлаб қўйдим, шундай қилиб турмага тушдим. Бўлган гап шу. Хўш, айтинглар-чи, мен банги бўлмай ким бўлсин?..

Қўлларини белига тираб олган Вадот жавоб қайтарди:

– Демак, аёлларни пуллайдиган қўшмачи экансан-да? Туф-ей сенга! Эркаклик деган нарса ўлиб кетганми, нима бало?.. Сени шунчаки сархуш деб ўйлаган эканман.

– Ор, ҳаё ва Аллоҳдан қўрқув ўлган одамда эркаклик нима қилсин? Эркак бўлиш мусулмон бўлишдан муҳимроқми?.. – деди Абузар.

Тўртинчи маҳкумнинг жаҳли чиқиб кетди:

– Менга қара, имом, асабимни бузма! Сен ким бўлибсанки, менинг ҳаётимга аралашсан? Келганингдан бери мени пастга уряпсан. Нима, мендан пасткашроқ одамни кўрмаганмисан?

– Адашяпсан, сен ҳақингда ҳали ҳеч нарса демадим.

Ётоқдан учиб тушган маҳкум Абузарнинг рўпарасида пайдо бўлди.

– Менга қара! Чавақлаб ташлайман сени!

Мухлиснинг ўтакаси ёрилди, шекилли, «Вой дод, қон тўкилади!» деб бақриб юборди. Ўша заҳоти Вадот вазиятга аралашди.

– Шошма, шошма! Нима хоҳлаяпсан имомдан? Шу деворга михлаб қўяйми сени?

Вадотнинг важоҳати тўртинчи маҳкумни бироз ҳурқитди.

– Кўрмаяпсанми, менга тош отяпти бу имом.

– Ўчир овозингни! Тошга на ҳожат, қўшмачи эмасмисан? Бирор гапинг бўлса, менга гапир, мен ҳал қиламан.

– Сенга гапим йўқ, лекин имомдан жаҳдим чиқди. Бунга ўхшаганлар ҳар балони қилади-да, бизни дўзахи, деб атайди. Сен аралашма, оға, шунинг ишини ҳал қилай. Билмайсан-да, буларнинг бари шарафсиз. Ҳожидан ҳам, домладан ҳам яхшилик чиқмайди.

– Тинч қўй, деяпман уни! Ҳаромилигим тутиб қолмасин, чавақлаб ташлайман сени!

Мухлис бўлаётган гап-сўзларни қўрқа-писа кузатар, ўзича вазиятни юмшатмоқчи бўларди:

– Қўйинглар, нима кераги бор? Жанжал қилманглар.

– Бугун бу бўлмада қон тўкилади, – деди тўртинчи маҳкум.

– Шундайми? Бит ўлдирасанми? – сўради Вадот. – Айт, кимнинг қони тўкилади?

– Оға, сен аралашма деяпман!

У Абузарни урмоқчи бўлиб олдинга интилган эди, Вадот тўхтатиб қолди.

– Ўзингни бос, дедим сенга! Қўлимни қонга ботирма!

Абузар курсида ўтирар, миқ этиб оғиз очмасди. Алаmidан чиқолмаган банги маҳкумнинг чакаги тинай демасди.

– Қўрқоқ! Хотинчалишга ўхшаб писиб ўтирибсанми?!

Абузарнинг ўрнига Вадот жавоб қайтарди:

– Нималар деяпсан? Сендан хотинлар тугул чивин ҳам қўрқмайди. Бошимни балога қўйма, бас қил.

Алаmidан нима қилишни билмаган тўртинчи маҳкум Абузарни сўка бошлади:

– Ҳаҳ, ўша соқолинггайм!..
Абузар дарҳол ўрнидан турди.



– Соқолимга тил теккизма! Сени одам деб га-
пиряпман, мени ёмон ишларга мажбурлама. Эр-
тага мени осишади, охиратга йўл олишдан ол-
дин сенга яхшилик қилмоқчиман, холос. Сенга
ёмонлик қилганим йўқ-ку, нега мени душмандек
кўряпсан?

– Билиб турибман, менга паст назар билан қа-
раяпсан.

– Мен ҳеч кимга паст назар билан қарамайман.

– Буни қаранглар-а! Қўйворинглар мени! Шу
муллаваччанинг оғзи-бурнини қон қилиб, баша-
расини бежаб ташлайин!

Вадотнинг тоқати тоқ бўлиб, қаттиқроқ бақирди:

– Бас қил, дедим!!!

– Қўявер, биродарим Вадот. Кўрайлик-чи, нима
қиларкин...

Ниҳоят, тилсиз-забонсиз Аҳмад ҳам шу бўлма-
да эканлигини эсга солди. Тезгина қорозга нима-
ларнидир ёзиб, Вадотга тутқазди.

– Уят эмасми ахир? – ўқий бошлади Вадот. –
Бу одам эртага осилади, сал ҳурмат қилинглар.
Одамгарчилик йўқми?..

Лекин тўртинчи маҳкум ҳали ҳам ўзини босиб
олмаган эди:

– Бунақаларнинг барини гумдон қилиш керак.
Шуларнинг дастидан қолоқ бўлиб ўтирибмиз.

– Қолоқликка сабаб бўладиган нима қилдик
биз? Неча йиллардан бери давлатни биз бошқар-
япмизми?

Вадотнинг сабр косаси тошиб кетган эди. У
енгини шимариб улгурмасидан тўртинчи маҳкум
Абузарга шапалоқ тортиб юборди. Абузар эса
унга мушт билан жавоб қайтарди.

– Ие-е-е! Ҳали мени урадиган бўлдингми?!

– Йўқ, ҳаққимни олдим. Чунки сен айбим бўл-маса-да, менга тарсаки туширдинг.

Абузар унга яна ташланиб, яхшигина пўстагини қоққач, бақирди:

– Кел, бу ёққа! Ўтир шу курсига! Гапир, нима истайсан мендан?

Шошма, ўзим гапирай.

Бўлганинг шу сенинг. Албатта, айбингни биласан. Қилган ишинг ёмонлигини ҳам биласан. Шунинг учун ҳам номуссизларнинг ёнида ўзингни қушдек енгил сезасан, ор-номус нималигини биладиган одамларнинг олдида эса безовта бўласан.

Ҳолбуки, мен сени ёмонликлардан қутқаришга уринаяман. Сенга яхшилиқни раво кўраётган одамга нега душманлик қиляпсан? Сени шу аҳволга солган муҳитга қарши курашдим ҳар доим. Лекин сен буни тушунмайсан, умуман сенга ўхшаганлар тушунмайди. Қаерда бўлмасин бизни ёмонлаб, шаънимизни булғашга ури-насизлар. Ваҳоланки, сизларга нафимиз тегсин, деб қишин-ёзин тинмаймиз. Фарзандларингизни, ўзингизни бузуқликлардан, гуноҳлардан, суи-истеъмолчилардан қутқаришга ҳаракат қиламиз. Бу йўлда касалланиб қоламиз, қамоқларга тушамиз, дорга осиламиз. Мана, қара, ўляпмиз. Сизларни қутқарайлик, ислом душманларининг кир-дикорларидан огоҳлантирайлик, деб ўляпмиз. Ўлганимиз майли-я, сендекларнинг ҳақоратлари ортиқча. Заррача одамгарчилик йўқми сенда? Мен сен учун жонимни тикайин, сен эса мени ўзингга душман деб бил...

Энди бор ётоғингга. Гапларимни яхшилаб ўй-лаб кўр.

Тўртинчи маҳкум мушукдай мулойим бўлиб қолган, бошини ҳам қилганча ерга тикилиб ўти-

рарди. Унинг ўрнидан турмаганини кўрган Абузар сўзини давом эттирди:

– Сизлар ўз-ўзидан бундай аҳволга тушиб қолганингиз йўқ. Ахир бизлар бир диннинг вакилларимиз. Бошқа диндагиларга яхши муомала қиламиз-у, диндошлар бир-биримизга қандай муносабатда бўляпмиз?.. Ҳа, бошқа диндагиларга ҳам чиройли муомала қилишимиз яхши, лекин буни бир-биримиздан ҳам аямайлик...

Бўлмага сукунат чўкди. Ўн беш дақиқача ҳеч кимнинг овози чиқмади. Бу жимликни Вадотнинг саволи бузди:

– Бир гап айтайми, имом? Ўзимни баъзан қум тўлдирилган қопга ўхшатаман. Бир қарагин менга, қопга ўхшайдиган аҳволим борми?

Абузар кулиб юборди.

– Албатта, ўхшамайсан. Асабларинг чарчган-да. Неча йиллардан бери сен чеккан уқубатларнинг асорати бу. Хавотир олма, ҳаммаси ўтиб кетади.

– Ўтади, албатта, ўтади. Лекин, ҳойнаҳой, юрагимни илма-тешик қилиб ўтади...

Мухлис фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлиб сўради:

– Узр, жаноб Абузар, соат неча бўлди?

– Тўққиздан қирқ беш дақиқа ўтди.

– Оҳ! Катта раҳмат!

Вадот яна Абузарга ўтирилди:

– Энди нима қиламиз, имом?

– Мен намоз ўқийман.

– Шу нопок жойдами? Қибла қаердалигини ҳам билмайсан-ку.

– Назоратчидан сўрасам бўлар экан. Майли, кутиб тураман.

- Дарвоқе, сени эртага осишади, а?
Абузар маъюс тортди.
- Ҳа.
- Имом... эртага осилишини билган одамнинг аҳволи қандай бўларкан?
- Албатта, маҳзун. Хурсандман, десам, ёлғон гапирган бўламан. Чунки ўй-хаёлим онамда. Шўрлик онам! Ҳатто қабримни ҳам кўролмайдди... Тўғрисини айтсам, аламли бир ҳолат... Билиб туриб ўлим сари қадам ташлаш... Шаҳидлик мартабаси юпанч бермаганида эди, анча оғир бўларди.
- Мен жуда ҳам қизиқиб кетяпман, сен бир нималарни биладиганга ўхшаяпсан. Илтимос, менга ҳам гапириб бер. Сенга нариги дунёдан хабар келадими?
- Албатта.
- Ие, қанақасига?
- Мухлис ҳам қаттиқ ҳайрон бўлди Абузарнинг жавобидан.
- Демак, сизга нариги дунёдан хабарлар келар экан-да? Худо ҳаққи, айтинг-чи, у ер қандай жой? Нималар бор у ерда? Бу ерга ўхшайдими?
- Абузар кулиб юборди.
- Эҳ-ҳе! Сизлар ошириб юбордингиз.
- У ҳолда гапириб бер, – деди Вадот қизиқсиниб тикилганча.
- Аслида хабар ҳаммага юборилган. Лекин кўриниб турибдики, сизлар қизиқиб кўрмабсизлар. Охират олами ҳақидаги хабарлар Қуръон ва Расули Акрамнинг ҳадислари орқали юборилган. Эшитишни хоҳлайсизларми?
- Сен Қуръон ҳақида гапираётган эдингми?
- Албатта. Қуръондан улуғроқ китоб бор эканми?..

Вадот қўлини силтаб жавоб қайтарди:

– Ундай бўлса, қўявер, имом. Мен қандайдир бошқача алоқанг бўлса керак, деб ўйлабман. Ўлимга муносабатинг жуда бошқача-да, шунга қизиққандим.

– Аллоҳнинг раҳматидан умидвормиз. Унинг йўлида ўлганлар ўлим азоби тортмайди, дейилган.

– Пайғамбаримиз ҳам ўлим азобидан қийналганлар, дейишади-ку. Бунисига нима дейсан? Нима, пайғамбарлар шаҳидлар каби Аллоҳнинг йўлида эмасмиди?

– Албатта, Аллоҳнинг йўлида бўлган улар ҳам. Пайғамбарлар бу дунёда азоб-уқубат чеккан, лекин ўлим азобига учрамаган.

Сухбат қизиб кетганди. Гап-сўзларнинг жангли бўлганининг совуқ ҳавосида, ҳеч қачон бўялмаган деворларининг орасида айланиб юрган эди. Абузар яна Қуръон ўқий бошлади. Бир пайт унинг кўзлари ёшланди.

– Ие, йиғлаяпсанми, нима бўлди? – сўради Вадот. – Нима қилгансан билмайман, лекин ўзингни ўлимга рўпара қилмаслигинг керак эди. Қўй, йиғлама, имом. Мен чидолмайман. Йиғлама.

– Йиғламай бўладими? Аллоҳнинг оятлари йиғлатади инсонни. Устига-устак, гам, маҳзунлик, айрилиқ... Буларнинг барини бир кунда бошимдан ўтказаяпман. Энди бу оят...

Жимгина кузатиб ўтирган Мухлис сўради:

– Қайси оят ўзи, жаноб Абузар?

– Мана бу: «У кунда киши ўз ака-укасидан. Ва онаси ва отасидан. Ва хотини ва бола-чақасидан қочади. У кунда улардан ҳар бир шахсни овора қилувчи ўз иши бор. У кунда порлоқ чехралар бор. Улар кулги билан тўла, етган хушхабардан

хурсанд. У кунда бир чеҳралар борки, уларни губор босган. Устини зулмат қоплаган. Улар, ана ўшалар, кофирлар ва фожирлардир»⁸.

Эшитдингизми оятни?.. У кунда ҳамма бир-биридан қочади...

– Нега қочади? – дея савол берди Вадот.

– Мендан ҳақ талаб қилмасин, мадад кутмасин, даъвогар бўлмасин, деб.

Мухлис эътироз билдирди:

– Менинг онам мендан қочмайди.

– Қочади, қочади. Агар муттақий мусулмон бўлса, бошқа гап.

Мухлис ҳамон ўз гапини маъқуллаётган эди:

– Лекин менинг онам қочмайди.

– Инсонлар бу дунёда хоҳлаганини қилиши мумкин, лекин у кунда бундай эркинлик йўқ. Ўша куни инсонларнинг қандай ҳаракат қилиши бу дунёдан белгилаб борилади. Банда жаннатга киргандан кейин вазият ўзгаради: жаннатга кирганлар яна хоҳлаганини қиладиган бўлади.

Шу пайт назоратчи келиб қолди. Мухлисга қараб:

– Исминг нима эди? – деб сўради.

– Мухлис Жониб.

– Ҳужжатларингда камчилик бор экан. Мен билан юр.

Кабоб тайёр бўлганини Мухлис тушунган эди. Апил-тапил назоратчига эргашди.

Улар кетгандан кейин Абузар эшикнинг остидан овоз берди:

– Жаноб назоратчи, қиблани сўрамоқчи эдим, унутибман. Қибла қайси тарафдалигини биласизми?

⁸ «Абаса сураси», 34-42 оятлар

Назоратчининг овози ўн қадамча наридан эшитилди:

– Билмайман. Намоз ўқиб нима қиласан? Эртага нариги дунёга боргандан кейин қазосини ўқиб оларсан.

...Абузар хуфтонни ўқишга киришди. Вадот қўлида тасбеҳни айлантирганча у ёқдан бу ёққа бориб келарди...

– Тасбеҳ ўтираётиб ичингда нимадир дейсанми? – сўради Абузар.

– Ҳеч нарса демайман. Бир пайтлар кунларни санар эдим.

– Биродарим, модомики, қўлингда тасбеҳни кўтариб юрибсан, биттама-битта ўтиряпсан, Аллоҳ десанг, нима бўлади?

– Аллоҳми? Ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Қолаверса, бу оддий тасбеҳ эмас, дайдиларнинг тасбеҳи, дайдиларники!

– Сен дайдимисан? – ҳазиллашди Абузар.

– Дайдиларнинг худосиман!

– Тавба-тавба... Бу гап қайтиб оғзингга олма, бунақа гаплар одамни имондан айиради.

– Ҳамма гапиради-ку!

– Сен бошқаларни қўй, Вадот. Ҳамманинг оғзида жоҳилона гап-сўзлар, Аллоҳ суймайдиган сўзлар ҳар томондан эшитилади. Тунов куни газетада бир кўшиқчига «ўхшаши йўқ» деб таъриф беришибди. Ҳолбуки, қиёси ва ўхшаши йўқ фақатгина Аллоҳдир. Ундан ташқари ҳамманинг тенги ҳам, ўхшаши ҳам бор. Охирги йилларда «Сенга сиғинаман» деган гап урф бўлди. Ҳеч эътибор бердингми, Аллоҳга нисбатан ишлатилиши керак бўлган сўзлар бандаларга нисбатан ишлатиладиган бўлиб кетди. Масалан, «Мен яратдим», дейди кимдир. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ҳеч нар-

са ярата олмайди, фақат кашф қилиши мумкин. Бундай гап-сўзларни атайин тарқатишади, одамларни диндан узоқлаштирмоқчи, Аллоҳни унуттирмоқчи бўлишади. Бошқалар сингари сен ҳам алданиб қолма, Вадот.

Вадот бир неча сония ўйланиб тургач, тилга кирди:

– Мен... ҳалиги... Нима деб ўйлайсан, мен ҳам одамманми? Гоҳида ўзимни эскирган пойабзалдек ҳис қиламан.

– Нега энди эски пойабзал, янгиси эмас? – деди Абузар кулганча.

– Чунки янги пойабзалнинг харидори бўлади, эскиси кимга ҳам керак?

– Қўй, мени ортиқча кулдирма, Вадот.

Эс-хуши ўзига келиб қолган тўртинчи маҳкум гапга аралашди:

– Биродар, уни тинч қўйсанг-чи, намозини ўқисин.

Банги маҳкумдаги ўзгаришдан ҳайрон бўлган Вадот унинг ёнидаги Аҳмадни кўрсатиб сўради:

– Бунинг нега ҳеч овози чиқмаяпти?

– Чунки тил-забони йўқ.

– Ие, тили йўқми?

Вадот Аҳмаднинг олдига келиб оғзини очишни сўради.

– Қани, а-а-а де-чи. Шарафим урсин! Мана, тили бор-ку!

– Бола бўлмасанг-чи! Тили йўқ дегани, соқов дегани. Гапира олмайди.

– Унга қандай жазо беришган?

– Ўзидан сўра.

– Қандай қилиб сўрайман, гапира олмайди, деяпсан-ку. Энди бунинг бошига тушганларни

қандай билиб оламиз?.. Топдим! Яхшиси, ҳамма гапни ёзиб берсин!

– Яхши фикр, – дедим мен. – Лекин бу ер жудаям совиб кетди, қандай иситамиз? Мен яхлаб қолдим.

– Деразани ёпишимиз керак. Шундан кейин нафасимиз билан исинамиз, бошқа иложи йўқ.

– Давлатимиз бизни шу аҳволда ташлаб қўядими?

Намозини ўқиб бўлган Абузар мен томонга ўтирилади:

– Қайси давлат? Давлатимиз ҳам, биз ҳам йўқмиз. Елкамизга миниб олган подшоҳ сал марҳаматли бўлганида, ҳозир ҳеч биримиз бу ерда ўтирмаган бўлардик. Уларнинг ўзи бизни жиноятга мажбурлайди, кейин каттагина жазо ҳам беради. Агар фоҳишабозлик тақиқланганида, жазоси офир бўлганида, мен билан жанжаллашган дўстимиз қотилликка қўл урган бўлармиди? Агар ичкилик тақиқланганида эди, сен ҳам эс-хушингдан айрилмаган, ўша жиноят қилмаган бўлардинг. Агар уларда адолат бўлганида эди, мени қамамаган бўларди.

Бу гаплар Вадотга ёқмагани учун эътироз билдирди:

– Давлатга қарши гаплар фақат анархистлардан чиқади, сенга эса умуман ярашмаяпти, имом. Туппа-тузук мусулмон, деб ўйлагандим сени. Диндор одам давлатнинг ишига аралашмайди. Дин бошқа, давлат бошқа.

– Мусулмоннинг ўз фикри бўлмайдими? Сиёсатга аралашишга ҳаққи йўқми? Қолаверса, мен давлатга қарши эмасман, кимлардир йўл қўяётган хатоларга қаршиман.

– Бас, индамаса бошга чиқиб кетяпсан! Сенга давлат жиноят қил дебдими? Ҳатто нима иш қилиб қўйганингни ҳам билмаймиз. Нега бошингдан ўтказганларингни айтиб бермаяпсан? Демак, анархистсан, мутаассиб динчисан. Тузук одамга ўхшар экан, деб ёқтириб қолгандим сени, минг пушаймон қилдинг. Алҳамдулиллаҳ, биз ҳам мусулмонмиз, аммо сен бузғунчилик қилишни хоҳлайдиган ватан хоини экансан.

– Ундай дема, Вадот, ватан хоинисан, дема менга, – ғамгин оҳангда жавоб қайтарди Абузар. – Мен ватанимни яхши кўраман, халқим учун жонимни фидо қилдим. Бундай таъналар ичингда қолсин. Инсонлар учун жонимдан кечганим ҳолда бу тахлит айбловларни эшитишни истамайман. Қўй, Вадот, нариги дунёга сендан хафа бўлмай кетайин.

– Яхшиямки, сени осишади! Яхшиямки, ўласан! Келганингдан бери миннат қиляпсан. Одам қилган ишини ҳеч миннат қиладими?

– Миннат қилаётганим йўқ. Шунчаки нима учун жон фидо қилаётганимни билишингизни хоҳладим. Демак, шунчалик муҳим масалалар бор экан-да, дейишингизни истадим. Бизнинг жонимиз сизлар учун шунчалар қийматсиз, эҳ...

Абузар қаттиқ хафа бўлганидан кўз ёшларини тия олмаётган эди.

– Сенга мен жонингни бер, дедимми? Жондан кечиш шунчалик осонми?.. Сен аҳмоқ бўлсанг, биз нима қилайлик?

Абузар нима демоқчи эканлигини тушунтира олмаётган эди. Ҳафсаласи пир бўлганча қўл силтади:

– Майли, бу гапларни қўяйлик. Жонимни тиксам ҳам, ёқмаётган бўлсам, гапиришимдан не наф.

– Аллоҳим! Жонингдан нима учун кечганингни билмаймиз-ку. Гапир! Тушунтир!

– Навбати билан деган эдик-ку. Навбат Мухлисда, лекин у ҳозир йўқ. Келсин-чи.

– Ўша тентакни қўй. Ўн марта халога бориб келди. Кабоб егандан кейин яна борса керак, ҳойнаҳой. Хуллас, ундан умидни уз. Навбатни манави соқовга берайлик.

– Соқов демасанг бўларди. Хафа бўлади ахир.

Аҳмад йигирма беш ёшларда, нигоҳлари гамгин йигит эди. Уни қандайдир дард қийнаётганини Абузар аллақачон тушунганди. Ўзи қамоққа тушган одам бедард бўлса ҳам, у ердан чиқаётганида, албатта, бирор дардни орттирган бўлади.

– Қани, тез-тез ёз, – деди Вадот асабийлашганча. – Мана шу соқолвойнинг навбати тезроқ келсин.

– Имом деётган эдинг-ку боя, энди соқолвой бўлдимми?.. Сен яхши кўрадиган ҳукуматни танқид қилганим учунми? Бошқалар танқид қилса майли, бизга мумкин эмасми?..

– Жаҳлимни чиқардинг!

– Ўзинг ҳам соқоллисан-ку!

– Меники бошқа.

– Барибир соқол.

– Меники урфдаги соқол.

– Менинг соқолим одам ўлдирадими? Ўғрилиқ қиладими?.. Қўйсанг-чи, Вадот. Соқолимнинг ягона айби оламларга раҳмат қилиб юборилган Расули Акрам буюрганларидек бўлишими? Сен урф деб соқол қўйсанг рухсат, мен У зотга эргашсам, жиноят бўладими? Ўзингга зарар беряпсан... Маҳшар куни Расулуллоҳнинг юзларига қаролмай қоласан.

Тўртинчи маҳкум ҳаммани ажаблантирганча Абузарни қўллаб-қувватлади.

– Мен сен томондаман, Абузар домла. Нима десанг, қўшиламан.

– Вой ярамас-ей! – тутақиб кетди Вадот. – Атайин асабимни бузиш учун гапиряпсан-а буни? Боягина жанжал қилаётган эдинг у билан, энди ўзгариб қолидингми?!

– Йиллар сенга таъсир қилиб, ҳамма нарса ни нотўғри тушунадиган бўлиб қолибсан, – деди Абузар. – Бу одамнинг хатосини тушуниб етиши унинг айби ҳисобланадими? Олқишлаш керак уни. Бир соат аввал сўкиб, ураётган одамани бир соат кейин ҳимоя қиладиган даражада ўзгариш осон эмас.

– Сен гапирма, соқолвой. Сен қаерга борсанг, ўша ерда бузғунчилик чиқарасан. Бор, тезроқ осишсин сени, нега эрталабгача куттиришяпти, ҳайронман. Энг ёмони, сени нега қамашган, шунга қизиқиб кетяпман.

– Тўғри, – Вадотни маъқулади тўртинчи маҳкум, – сен хавфли одамсан. Лекин тўғри гапларни гапиряпсан.

– Менга қара, бу соқолвойни фақат мен ҳақоратлашим мумкин, бошқаларга рухсат йўқ.

– Нега энди?

– Билмайман... Унга аччиқ қилаётган бўлсам-да, ичимда барибир унга нисбатан илиқлик бор.

Шу тобда Мухлис келиб қолди. Ичкарига кириши билан қовоқ-тумшуғи осилиб кетди.

– Эҳ, яна шу ерга келдимми?

– Қаерга бормоқчи эдингиз? Сизни ўша ерга олиб борайлик, – илжайди Вадот. – Дарвоқе, ҳужжатларингиз тўқис бўлдимиз энди, жаноб Мухлис?

– Қанақа ҳужжатлар?

Унинг саволи назоратчининг энсасини қотирди:

– Ахир сени ҳужжатларингда камчилик борлиги учун олиб чиқмадикми?

– Ҳа-я... Унутаёзибман. Ҳа, шундай.

Назоратчининг ортидан болохонадор қилиб сўкинган Вадот Мухлисни қистовга олди:

– Бошидан ўтганларни гапириб бериш навбати сенда, бақалоқ. Сенинг дастингдан бошқаларга навбат келмаяпти. Қани, бўлақол.

– Гапирадиган гапим йўқ, менинг, илтимос, мени тинч қўйинглар.

– Шарафим урсин, кунига неча маҳал овқат ейсан, шунга қизиқиб кетяпман.

Мухлис йиғлагудек бўлиб жавоб қайтарди:

– Кўп емайман аслида, ҳамма қатори уч маҳал овқатланаман. Касалликнинг дастидан шу аҳволга тушдим. Бунинг учун мени мазах қилманг, жаноб Вадот, бошингизга тушса, ана ўшанда биласиз.

– Қўйсанг-чи, отангнинг пулларини еявериб семириб кетгансан-да.

– Нега отасининг пули бўларкан? – гапга аралашди тўртинчи маҳкум. – Халқнинг пулини еган! Отаси қандай қилиб бунчалик бойиб кетиши мумкин?

– Менинг отам ўғри эмас.

– Уни холи қўйинглар, гапиришни истамаяпти, – деди Абузар. – Навбат бешинчи маҳкумда.

Аслида Вадотда Абузарга нисбатан чуқур ҳурмат пайдо бўлганди, бироқ йиллар давомида диндорлар ҳақида йиғилган нотўғри тасаввурлари туфайли фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб кетаётганди. Тўғриси айтсам, Вадотдаги ҳолат мен-

да ҳам бор эди. Абузар билан боғлиқ нотўғри тасаввурларим қамоқдан чиққандан олти ёки етти йил кейингина тарқалиб кетди.

Абузарга навбат тезроқ келиши учун Вадот Аҳмаднинг ўз ҳаётини қоғозга туширишини истаётган эди. Аммо бир нарса эсига тушиб қолди:

– Жин урсин! Қоғоз йўқ-ку! Энг ёмони, пул ҳам йўқ.

– Бу пайтда пул билан нима олиш мумкин? – сўради Мухлис.

– Ҳамма нарсани! Бу лаънати жойда ҳамма нарсани сотиб олса бўлади.

– Мен бераман қоғозга пулни.

– Ростданми? Яшавор, бақалоқ!

Мухлис фурсатдан фойдаланиб яна ўзининг масаласини кўтарди:

– Жаноб Вадот, лекин мен қачон чиқишим мумкинлигини айтмадингиз...

Вадотнинг асаби бузилган бўлса-да, сездирмасликка уринди:

– Тонг отсин, фол очиб, билиб бераман. Ҳозир эса пулни чиқар.

– Чиндан ҳам фолда кўринадими?

– Аллоҳим, қандай гуноҳ қилган эдимки, шундай тентакни бошимга бало қилиб юбординг?! Мухлис! Кўп гапирмай пулдан чиқар!

– Қанча керак?

– Ўнта қоғоз етади, ўнта қоғоз эса бир лира туради. Сен ўн лира бер.

– Ўнта қоғоз бир лира турса, нега ўн лира бераман?

– Хайрият, шу саволни беришга ақлинг етди. Лекин ақлинг етмаган жойи шуки, пулнинг тўққиз лирасини пора сифатида берамиз.

Абузар қайтаришга уринса-да, Вадот унга кулоқ солмади ва бояги назоратчини чақириб, кўлига пул тутқазди.

– Бу соатда қоғоз анқонинг уруғи бўлади, майли, сизлар учун топаман.

– Биладан, оғам, биладан. Сиз ҳар доим бизни ўйлайсиз. Ахир сиз пул учун пасткашлик қиладиганлар хилдан эмассиз.

Назоратчининг жаҳли чиқа бошлади:

– Сен нега мени кўришинг билан бунақа гапларни гапиряпсан?

– Сиз номусли одамсиз, кўриниб турибди! Шунинг учун мақтагим келяпти! Агар порахўр, номуссиз одам бўлганингизда, сиз билан ҳатто гаплашмаган бўлардим. Унақаларни нуқул сўкаман.

Суҳбатга Абузар аралашди:

– Жаноб назоратчи! Бу ерда нега ҳожатхона йўқ?

– Чунки жойи йўқ. Бу ер омборхона эди. Бугун исён кўтарилиб, турмалар тўлиб кетибди. Жой етишмаганидан бу ерни ҳам бўлмага айлантирдик. Ётоғи йўқ бўлмалар ҳам бор, одамлар ерда ётибди. Биз ҳам хоҳламаймиз бундай бўлишини, лекин қўлимиздан ҳеч нарса келмайди, юқоридан буйруқ келган. Динчилар турмани босармиш деган хабар келди, назорат янаям кучайтирилди.

Мухлиснинг яна капалаги учиб кетди:

– Нима? Динчиларми?

– Қўйсангиз-чи, улар товукҳонани ҳам босиб ололмайди, – деди Вадот масхараомуз.

– Эртага осиладиган етакчилари бор экан бу турмада. Ўша одамни олиб қочишмоқчи эмиш, – дея гулаб қўйди назоратчи.

Вадот ўша заҳоти Абузарга кинояли қараб қўйди:

– Ростданми? Ким экан у?

– Билмайман. Ўзи шундоқ ҳам кўп гапириб қўйдим...

Назоратчи кетганидан кейин Вадот одатдагидек сўқинишга тушган эди.

* * *

Аҳмад шоша-пиша ёзганларини Абузарнинг кўлига тутқазди. Абузар совуқдан музлаб қолаётган кўлларини бир-бирига ишқалагандан кейин ўқишга тушди:

«Ассалому алайкум, домла!

Сизга нима деб ёзишни билолмаяпман. Аввало шуни билишингизни истардимки, сизга нисбатан ҳурматим ошди. Сизга берилган жазодан қаттиқ хафа бўлдим.

Ҳаётим ҳақида сўзлашни соқовлигимдан бошласам, яхшироқ бўлса керак.

Шу пайтгача умримнинг энг аламли дамлари болаларнинг «Соқов! Соқов!» деб бақаришлари, баъзи одамларнинг «Тили йўқнинг дини йўқ» деган гаплари бўлган, десам адашмайман. Ҳатто бу гапга ўзим ҳам ишониб, динсиз эканман-да, деб ўйлайдиган бўлиб қолгандим. Нима ҳам дердим, аҳмоқлик...

Одамларимиз соғлом танага ҳеч нарса қилмайди, деб ўйлашади. Қайси соғлом бадан, қайси шифокор ёки генералнинг вужуди тупроққа айланмайди?.. Фарзандларига бу ҳақиқатни тушунтира олмаганларни жоҳил деб ўйлайман. Назаримда, ногирон бир инсон учун энг муҳими ўзининг ногиронлиги эмас. Агар у Аллоҳга ва охират кунига ишонса, ибодат ва дуолар билан ан-

дуҳларни унутади. Лекин одамларнинг жоҳилона нигоҳлари мени ранжитади. Ҳам улар учун, ҳам ўзим учун хафа бўламан.

Болалигимдан бери менга жаҳл қилганларнинг бари соқовлигимни юзимга солди. Ҳамма нарсани унутсам ҳам, буни унута олмасам керак. Ҳатто ўқитувчим ҳам бир куни мени «соқов» деб чақирди. Ҳатто шу бўлмадагилар ҳам мени шундай чақиряпти.

Соқовлигимни икки ёшга тўлганимда билиб қолишибди. «Нега соқов бола туғдинг?» деб отам онамни чунонам калтаклабди.

Онамни ҳимоя қиладиган ҳеч ким топилмабди. Ҳар сафар отам дўппослаганида, уни қаргашдан бошқа ҳеч нарса қилолмабди.

Отамнинг жаҳли чиққанида «тили йўқ шайтон» деб атарди мени. Ҳар гал ичим оғриб хафа бўлар, йиғлар эдим. Ахир одам ўз фарзандига шундай дейдими?.. Менинг айбим нима?..

Неча марталаб уйдан қочиб кетишни ўйладим. Лекин отамнинг хатосини тушуниб етишидан умидвор бўлдим. Қолаверса, онамни яхши кўрардим, уни ташлаб ҳеч қаерга кета олмасдим.

Саккиз-тўққиз ёшларда эдим. Бир фильм томоша қилдим. Фильмда бир боланинг уйдан қочиши тасвирланган эди. Қаттиқ таъсирландим. Боламан-да, фильмда кўрганларимга тақлид қилмоқчи бўлдим.

Тайёрландим... Нарсаларимни қўлтиқлаганча кетаётганимда отам ушлаб олди. Шунчалик қаттиқ калтакладики, кўзим икки кун кўрмай қолди. Онам роса йиғлади.

– Тили йўқ шайтон! Аллоҳнинг балоси! Уйимга хосиятсизлик олиб келдинг! Бу камлик қилгани-

дек, энди қочмоқчимисан? Одамлар нима дейди?!
– деб бақир-чақир қилди.

Эртаси куни отам далага кетди. Чарчаганидан майсазорда ухлаб қолган экан, тилини илон чақиб олибди. Отам ўлди. Тили шишиб, қорайиб кетганди. Кафанлашаётганда ҳам тилини оғзига тика олишмади...»

Бўлмадагилар донг қотганча Абузарни тинглар эди. Вадот чидолмай унинг гапини бўлди:

– Ажаб бўпти! Соқов бўлиш қанақалиги билибди. Нақ дўзахи одам экан ўзиям.

– Ундай дема, – эътироз билдирди Абузар. – Сен айтгандай бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Биз билмаймиз, Аллоҳга аён. Одам қанчалик ёмон ўлим топган бўлса-да, куфрда кетмаган бўлса, унинг жойини Аллоҳ билади. Рухсат берсанг, қолганини ўқийман.

Вадот қўлларини чўнтагига тикқанча жавоб қайтарди:

– Рухсат, рухсат, ўқийвер.

Унинг ўзини тутишидан ҳаммамиз кулиб юбордик.

«Отам ўлгандан кейин онам иккимиз қолдик. Қашшоқ эдик. Баъзан оч қолиб кетардик. Менинг мактабимга ҳам, бемор онамнинг даволанишига ҳам пул топилмасди.

– Болажоним, нима қиламиз? Сени ўқита олсам, яхши бўларди. Менинг дардим муҳим эмас. Сени қутқарайин, Аллоҳ шундан кейин олсин жонимни, – дер эди онам.

Онамга бобомдан мерос қолганди.

– Сен хавотир олма, ўғлим. Тогандан меросни олсақ, бу ерлардан кетамиз, – дея мени юпатарди.

Лекин тоғам меросни бўлишгиси келмади. Аллоҳ белгилаб қўйган ҳаққимизни бизга раво кўр-

мади. «Хотин киши ҳам мерос оларканми?» деб туриб олди. Онам уни судга беришга мажбур бўлди, суд иши эса йиллаб чўзилди.

Онам судга беришдан олдин тоғамга роса ялиниб-ёлворди.

– Ака, менинг ҳаққимни беринг. Судлашиб юрмайлик, бу ишни Аллоҳнинг қонунлари билан ҳал қилайлик, – деди.

Тоғам эса:

– Қайси даврда яшаяпмиз? Бу даврда Аллоҳнинг қонунлари ўтмайди, – деб жавоб қайтарди.

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Баттар қашшоқлашдик. Шифокорга кўриндим. Қоним камайиб кетибди. Қоним камлиги боис нуқул қон босимим тушиб кетарди. Устига-устак, кўричагимни олиб ташлаш керак эди, лекин қоним камлиги учун амалиёт қилишмади. Нонга пул тополмасдим, қонга қаердан пул топаман?..

Бир куни кўричагим ёрилиб кетди. Ўлиб қолай дедим. Касалхона йўлагиди ётиб қолдим. Биров қарай демайди. Бир маҳал кўзимни очсам, *тепамда бир йигит турибди*. Менга қон ҳам берди, жарроҳлик амалиёти учун пул ҳам. Оталарча меҳрибонлик кўрсатди. У менга мутлақо бегона, бироқ диндошим эди.

Унинг шарофати билан исломга қайтдим. Кейинчалик ўша йигитни роса қидирдим. Масжидларда, кўчаларда изладим, аммо тополмадим.

Орадан йиллар ўтиб, тоғамдан меросни олдик. Ўша куни уйимизни ёқиб юборишди. Уйимизга ўт қўйган одамни кўриб қолдим ва уни пичоқладим. Мени полициячилар олиб кетаётганидан онам шўрлик қон қақшаб йиғлади.

Мени бу ерга олиб келишди. Бир ҳафтадан бери кираверишдаги бўлмада эдим, бутун бу ерга

ўтказишди. Эшикдан кирар-кирмас сизни менга яхшилик қилган ўша одамга ўхшатдим. У менга тили йўқнинг дини йўқ, демади. Менга кучоқ очди, яхшилик қилди. Ўшандан бери бутун муслмонларни кучоқлагим келади...»

Аҳмаднинг ҳаёти Вадотга кўпам таъсир қилмаган кўринади.

– Уф-ф, шуям ҳаётми? Нима қилибди соқов бўлсанг? Сенинг ҳаётинг ҳечам ғайриоддий эмас. Мен шундай ҳаётларни биламанки, уларнинг олдиди сеники ҳеч гап эмас, – деди у.

– Ғайриоддий бўлиши шартми? – жавоб қайтарди Абузар. – Қандай азобларга дучор бўлганини эшитмадингми? Гапира олмагани камдек, айбланган. Отаси уни камситган. Фарзанд учун бундан оғирроқ нарса борми?

– Қўйсанг-чи, бизнинг ношуд оталар боланинг кўнглига қарармиди. Кўпам эътибор бермаслик керак бунга.

– Жуда эътибор бериш керак-да. Фалон футбол ўйинида мундоқ бўлди, писмадончи кўшиқчи бундоқ бўлди, деб вақт ўтказгандан кўра, мен отаман, оталик вазифаларим нималардан иборат ўзи, деб ўйлаш зарур. Бу миллат фарзандлари билан шуғулланиши керак. Акс ҳолда кун келиб болалар оталарининг хатосини исломдан кўрадиган бўлиб қолади.

Вадот асабийлашди.

– Яна ислом дейди-я. Нега ҳамма нарсани исломга тақайверасан? Айтдим-ку, таҳоратим йўқ. Аллоҳ дема... Ислом дема... Қолаверса, сенинг исломинг бошқача... Шарафим урсин, бошингга тушганларни эшитиш учун эрталабгача ухламасликка тайёрман.

Тепадаги ётоққа чиқиб олган жанжалкаш Лафуту яна хуррак ота бошлаган эди...

Мухлис тошбақадек бошини елкаларининг орасига тикиб олган, адёлни оғзигача тортган, шу алпозда дам деворларга, дам у ёқдан-бу ёққа бориб-келаётган Вадотга тикиларди. Вадот эса тинмай гапирарди.

– Совуқ есанг ҳам, эртага сени дорга осишадди. Демак, сил бўлишга улгурмайсан. Бунни қара, турмани босишар эмиш. Балки сени олиб қочишмоқчидир, нима дейсан, имом?

– Қайдам, шундай дейишяпти.

Мухлис Вадотдан кўзини узмаётган эди, Вадот бунни сезмай қолмади.

– Нима дейсан? Яна халога борасанми?

– Йўқ, ҳожатхона демоқчи эмасман. Яқинроқ келсангиз, қулофингизга айтаман.

Вадот асабийлашганча унга яқинлашди.

– Мана, гапир. Дардингни тезроқ айт-да, менга тикилишни бас қил.

– Ҳалиги... Жаноб Вадот, биласизми, кола ичгим келяпти. Опкелтира оласизми?

Вадот қаддини ростлади-да, бир зум Мухлисга тикилиб тургач, деди:

– Чиндан хоҳлаяпсизми, подшоҳ ҳазратлари?

– Чиндан. Ҳаммангизни кола билан меҳмон қиламан.

– Менга қара, гўнгқарға! – Вадотнинг овози чийиллаб чиқди. – Мен билан ҳазиллашяпсанми? Бу вақтда колани қаердан топаман? Бу ернинг турма эканлиги эсингдан чиқди, шекилли. У ҳам майли-я, шу совуқда кола ичиб бўладими? Биз совуқдан диладираяпмиз, сенинг ичингга эса ўт тушганга ўхшайди. Қайтиб оғзингни очма, йўқса суварак тикиб қўяман.

– Йўқ-йўқ, ундай қилманг. Майли, оғзимни очмайман. Кола-пола керак эмас.

Бўлмадаги кайфият яна бирданига ўзгариб қолди.

– Ўлай агар зерикиб кетдим, – деди Вадот. – Келинлар, нозанинлар ҳақида гаплашайлик. Вақт тезроқ ўтар шунда.

Аммо Абузар эътироз билдирди:

– Илтимос қиламан, гаплашмайлик. Мен номусли одамман, ёнгинамда оғиз кўпиртирилиб номуссизликлар ҳақида гапирилишига рухсат беролмайман.

– Нима демоқчисан? Бизни номуссиз демоқчимисан?

– Сени билмайман, мен ўзим ҳақида гапирдим. Сен ҳам номусли одамга ўхшайсан. Номусли одамлар номуссизликларга қулоқ солишдан уялишади.

– Сенга ўхшаганлар шунақа-да. Кўнгила ёзишга ҳам қўймайсизлар.

– Кўнгила ёзаман деб, имон йўлини ёпиб қўйишинг мумкинлигини ҳеч ўйлаганмисан? Кимлардир оғзидан суви оқиб гапирган қиз бировимизнинг опамиз, синглимиз ёки қизимиз бўлиб чиқиши мумкин.

– Бўлди, бас қил! Масжиднинг минбари эмас бу ер.

– Лекин ҳақиқатларни фақатгина масжидга қамаб қўйиб бўлмайди, Вадот биродарим. Бизга аёл киши қилган шармандали ишни номуссизлик, эркак киши қилганини эса шўхлик деб ўргатиб келишди. Бу тўғри эмас...

Бўлмага сукунат чўкди. Вадот деворга қараганча қандайдир ишоралар қилар, Абузар эса бошини қўллари билан чангаллаган кўйи ўйга

толган эди. Вадот ётмоқчи бўлди-ю, ўрнини Абузарга бергиси келди. Аммо ундан аччиқлангани учун ниятини айта олмаётган эди.

Вадотнинг деворга тикилиб турганини кўрган Абузар сўради:

– Нега тикилиб қолдинг?

– Қайдам. Худди деворлар мен билан гаплашаётгандек. Қара, мана бу девор гўё менга тилини чиқаряпти. Кейин эса қовоқ уюб оляпти. Сенга ўхшаганлардан қанчасини кўрганман, тентак, деяётган бўлса керак.

Абузар кулиб юборди.

– Нега куляпсан? Домла дегани ҳам одамларни калака қиладими?

– Калака қилмайди-ю, домлалар ҳам кулади. Кулгили нарсага кулинади-да.

– Сен менинг устимдан кулгандан кўра, ўзингнинг аҳволингга йиғла. Тош бўлиб кетганмисан, нима бало? Осилишингни ўйлаб, мен йиғлаворай деяпман, сен эса тиржайиб ўтирибсан.

Абузар чуқур уҳ тортгандан кейин жавоб қайтарди:

– Йиғласам, ўзим учун эмас, онам ва қаллигим учун йиғлайман. Ишончим комилки, ҳозир улар бир-бирларини қучганча йиғлаб ўтиришибди. Кўз ёши тўкмаслик учун ўзимни аранг тутиб турибман.

– Шошма, шошма. Сен бошингдан ўтганларни айтиб бермоқчи эдинг-ку, – дафъатан эслади Вадот. – Манави тентакларнинг ҳаётини қўявер, балки сеники фойдали чиқиб қолар. Эртага осиласан, лекин шу ҳолинг билан менга ибрат бўляпсан. Сенга нима учун жазо беришганини ҳали ҳам билолганимиз йўқ. Кўпам ноз қилмай,

гапирақол. Сизлар учун жонимни бердим, деб роса миннат қилдинг, сабабини ҳам билайлик.

– Нотўғри тушунибсан, – кулимсиради Абузар.
– Миннат қилмадим, мен учун қанчалик аҳамиятли эканлигингизни билдириш учун айтдим. Бироқ нотўғри гапириб қўйдим, ундай демаслигим керак эди, чунки ўзимни нимага бағишлаганимдан сизларнинг хабарингиз йўқ.

Биз ҳақимизда сизларга жуда кўп ёлғон гапирришади. Ўзларини инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган фариштадек тутиб, бизни ёввойи махлуқдек кўрсатишади. Сизлар эса уларнинг гапларига ишонасизлар.

Улар газеталарни, телеканалларни эгаллаб олишган. Яъни қанча гапирсак ҳам, фойдаси йўқ. Ҳозирча уларнинг қўли баланд келяпти.

– Демак, биз аҳмоқмизми? Нима дейишса, ишонавераимизми? – хафа бўлди Вадот.

– Йўқ, аҳмоқликдан эмас, уларни танимаганингиз учун ишонасизлар. Ислоҳ ҳақида гапир-япмиз, дейишмайди, лекин ислоҳ билан боғлиқ ҳамма нарсани ёмонлашади. Урфларингиз нотўғри, одатларингиз эскича дейишади. Тинчликпарвармиз деб кўкракларига уришади, лекин энг катта жанжалларни ўзлари чиқаришади. Мен ҳурмат қиладиган зотлардан бири айтганидек, уятсиз юзларидан бошқа сармоялари йўқ. Тинчлик сари бир қадам ҳам ташлашмайди, беғуноҳларнинг устига бомба ёғдиришади.

– Сен айримчилик қиляпсан-ку. Биз деяпсан, улар деяпсан... Бу юртни учга ажратиб ташладинг, лекин халқ томонидаман, деяпсан.

– Йўқ, мени бировлар билан адаштиряпсан. Мен халқ томонидаман демадим, мен халқнинг манфаатларини энг яхши билувчи Ҳақ томонида-

ман. Халқ адашиши мумкин, Ҳақ эса адашмайди. Лекин халққа ёрдам бермоқчиман. Халққа хизмат қилиш, инсонларга ҳақиқатларни айтиш менга фарз қилинган. Мен яхшликка чақираман, кимдир бунини қабул қилади, кимдир йўқ. Биз бу дунёда Аллоҳга қуллик қилиш учун мавжудмиз. Аллоҳга яхши банда бўлиш учун Аллоҳнинг қуллари Аллоҳга чақирилиши зарур.

– Яхши, яхши. Энди сен ҳаётингни гапириб бер. Ундан кейин менинг ўрнимга чиқиб ёт. Мен стулда ўтириб чиқаман.

Ниҳоят, навбат Абузарга келди. Бўлмадаги ҳаманинг қулоғи динг, кўзи унда эди. Шу пайт Аҳмад Абузарга қороз узатди. Унда шундай ёзилган эди:

«Домла, минг бор узр, қандай қилиб сизга ўрнимни бермадим, билмайман. Келинг, менинг ўрнимда ётинг, мен эса сизнинг ўрнингизда ўтириб чиқаман».

Абузар кулимсираганча миннатдорчилик билдирди.

– Аллоҳ сендан рози бўлсин. Буни ўйлаганинг ҳам етади.

Шундан сўнг ҳикоя қилишга тушди...

ИККИНЧИ БОБ

ЭНГ КАТТА НАРХ ЭНГ ҚИММАТ НАРСАГА ТЎЛАНАДИ

Мен пойтахтда туғилганман. Ота-онам исломни яхши билишмаса-да, қўлларидан келганча амал қилишарди.

Ўрта мактабга ўтгунча гоҳида намоз ўқир, рўза тутар, Қуръон тинглашни яхши кўрардим. Ўрта мактабнинг охирги синфларида қўлимга тутқазилган бир китоб билан айнайдим. Шу-шу, диндан узоқлашиб кетдим.

Лицейда ҳақиқий атеистга айландим. Кейин ўқитувчилар тайёрлайдиган билим юртига ўқишга кирдим.

Ота-онам атеистлигимдан қаттиқ хафа бўлишар, бироқ уларга берган саволаримга жавоб қайтара олмай, қийналишар эди.

Ҳаммаси ўқитувчи сифатида ишлай бошлаган илк йилимда содир бўлди.

Мен тилшуносликдан дарсга кирардим, бироқ ўзимни диншунослик ўқитувчисидай тутар, имкон борича исломни ёмонлашга уринардим. Мен келтирадиган мисолларнинг ҳар бирида исломга қарши албатта нимадир бўларди. Динни билмаганим учун мусулмонлар йўл қўйган ҳар қандай хатони исломга йўярдим. Қолоқлигимиз, ҳалигача фарбликлар сингари фикр юритмаслигимизга ҳам динни айбдор қилиб кўрсатардим. Имомлардан шунчалик нафратланар эдимки, сабабини ўзим ҳам билмайман. Ваҳоланки, бирорта имомдан ёмонлик кўрмагандим. Хуллас, мусулмонлар-

дан, исломни эслатадиган ҳар нарсадан ўзимни олиб қочардим.

Кунлардан бирида талабаларга вазифа сифатида бир шеърни бердим. Шоир нима демоқчи бўлганини ёзиб келишлари керак эди. Мана ўша шеър:

Эрам боғи

*Бўлсайдим атиргул Эрам боғида,
Кошки булбул қўнса менинг руҳимга.
У билан йиғлашиб эрта тонггача,
Кутсайдик ёрни то ажал келгунича.
Бўлиб қолсам кошки ёмғир томчиси,
Гулларни сугорсам боғи Эрамда.
Шудринг мисол қўниб барглар устига,
Эврилмоғим керак уни севганим ҳаққи.
Ер бўлсам, устимда унса майсалар,
Келтирсам Эрамни бизнинг дунёга.
Сув бўлсам, тўкилиб гулнинг пойига,
Унутсам дунёда ҳамма нарсани.
Мажнун мисол излаб фақат Лайлини,
Эврилмоқ истайман севганим ҳаққи.
Майлига айлансам тошга, тупроққа,
Оёқлар остида қолсам ҳам майли.
Тилкалаб ташланглар мени майлига,
Етиб борсам бас мен Эрам боғига.
Тушун, энди менинг дилда изҳорим,
Ё унга етаман, ёки ўламан.*

– Мана, мусулмонлар ўзини қанчалик ерга уришини кўриб турибсизлар. Майли, сизлар нима тушунган бўлсаларинг, ўшани ёзинглар.

Бир ҳафта кейин талабалар вазифани тайёрлаб келишибди. Улардан бири «Бу ошиқнинг ёзган шеъри, севлигисига эришиш учун ҳамма

нарасага тайёр», деган эди, қолганлар буни маъқуллади.

Лекин ўша кунгача ҳеч эътиборимни тортмаган хунуккина бир қиз қўлини кўтариб, шеър ҳақида гапирмоқчи эканлигини айтди. Қани, кўрайлик-чи нима каромат кўрсатаркин, деб, унга ишонқирамайгина рухсат бердим.

– Дўстлар, негадир устозимиз жаноб Абузар мусулмон шоир-ёзувчиларни ёқтирмайди, фурсат топилиши билан уларни ёмонлашга тушади. Ҳурматли устозимиздаги бундай ҳолатдан ҳаддан зиёд хафаман. Бу шеърни ёзган шоирнинг мусулмон эканлиги ҳам устозимизга баҳона бўлди. Аслида шеърда шоир исломни қанчалик хоҳлашини тушунтирган. Уни шунчалар яхши кўрганки, унинг учун ёмғир бўлишга ҳам, майсаю тупроқ бўлишга ҳам тайёр. Шеърнинг охирида эса исломсиз яшашни истамаслигини айтган. Бунчалар соф ниятни қандай қилиб ерга уриш мумкин, билмайман. Дўстлар, устозимиз Абузардек одамларнинг ҳар айтганига ишонаверсак, Аллоҳга қандай жавоб берамиз? Исломига амал қилмаганимиз камдек, унга амалга қиладиганларга душман бўлмайлик.

Шундан кейин менга ўтирилди-да:

– Гапиришга рухсат берганингиз учун ташаккур, – деди ва жойига ўтирди.

Ундаги қатъиятдан ҳайрон бўлиб қолдим.

– Исминг нима?

– Хадича.

– Сен ҳатто рўмол ҳам ўрамагансан, динни ҳимоя қилишинг нимаси?

Хунук қиз ўткир нигоҳларини менга тикканча жавоб қайтарди:

– Рўмолни ташлаган бўлсак, динимизни ҳам ташлайликми? Ўрана олмаётган бўлсак, бунга сизга ўхшаганлар сабабчи...

Ўша кундан бошлаб эътиборимга тушди. Ўзи кўримсизгина бўлса ҳам, ақлли қиз эди. Бир куни кутилмаганда сўраб қолди:

– Устоз, тиллар қандай пайдо бўлган?

– Одамлар аввалига гаплашмас эди, кейинчалик бир-бирларини билан мулоқот қилиш эҳтиёжини сезгач, тил пайдо бўлган.

Жавобим уни қониқтирмагани кўришиб турарди.

– Унда нега юзлаб тиллар пайдо бўлган?

– Чунки одамлар бошқа-бошқа қитъаларда яшайди-да.

– У ҳолда нега ҳар бир тилнинг ўзига хос грамматикаси бор? Нега тиллар бир хил эмас? Ёки улар аралашиб кетмаган? Бундан ташқари, инсоннинг тили бир парчагина гўштдан иборат, бир парча гўштнинг шунча сўзларни айта олиши фалати эмасми? Сизнингча, тилнинг оғиз ичида бўлиши тасодифми?

Асабийлашдим.

– Мавзумизга алоқаси бўлмаган нарсаларни гапиряпсан.

– Ундай эмас, мавзуга бевосита алоқадор. Ахир тилшунослик дарсидамиз, тил ҳақида гаплашамиз-да, тўғрими?

Жавоб қайтаришнинг ўрнига уни жеркиб ташладим...

Қачон исломни ёмонламоқчи бўлсам, у мени узиб оларди.

– Сиздан бир нарсани илтимос қиламан, – деди бир куни. – Агар инсон ҳуқуқларига чиндан ҳам ишонсангиз, мени хафа қилманг. Унутмангки, мен ҳам инсонман, ўзимга яраша шарафим бор.

Менинг динимни масхара қилиш сизни улугроқ қилиб қўядими?

– Бу гуруҳда фақат сен мусулмонмисан? – саволга савол билан жавоб қайтардим.

– Демакки, эътиқодини ҳимоя қиладиган фақатгина мен эканман... Шу ҳайҳотдек гуруҳда бирортасининг севгилисини ёмонлаб қўйсангиз, қандай жанжал чиқишини кўрасиз. Лекин гап дин ҳақида кетса, ҳамма индамасликни маъқул кўради, афсус...

Бир неча ой шу тахлит баҳслар билан ўтиб кетди. Баъзан уни рўмолли ҳолатда ҳам кўриб қолардим, лекин бунга эътибор бермасдим.

Бир куни уни кўчада учратиб қолдим. Эғнида униққан кўйлак, оёғида эски пойабзал, қўлида елим халта бор эди.

Уни кўришим билан саломлашдим. Ижарага уй қидириб юрганимни, унинг маҳалласида ижарага қўйиладиган уй бор-йўқлигини сўрадим. Уй борлигини айтиб, кўрсатиб ҳам қўйди.

* * *

Хуллас, Хадича яшайдиган маҳаллага кўчиб ўтдик. Ота-онамнинг диндор инсонлар эканлигидан у ҳайрон бўлиб қолди.

– Сиз нега оилангизга ўхшамайсиз? Нега динсиз бўлдингиз?

– Унутма, Хадича, имон ирсий нарса эмас.

– Сиз коммунистмисиз?

– Йўқ. Авваллари Совет Иттифоқини яхши кўрардим, у ерда одамлар бахтиёр яшайди, деб ўйлардим. Кейин билсам, у ерда ҳам инсонларни эзишар экан.

– Унда масонмисиз?

- Йўқ, шунчаки атеистман.

- Афсус. Кунни келиб ўласиз. Ана ўшанда бу дунёда исломни инкор қилишга арзийдиган ҳеч нарса йўқлигини кўрасиз.

Унинг закийлиги мени ҳайрон қолдира бошлаган эди. Бунчалар сўзамоллик, бунчалар билимдонликнинг сабабини билгим келди.

- Хадича, қаерда таълим олгансан? Отанг ўқитганми сени?

- Отам йўқ менинг.

- Онанг-чи?

- Онам ҳам йўқ... Қишлоғимга келган қароқчилар уйимизга ўт қўйган, ота-онам ўша ёнғинда ҳалок бўлишган.

- Бу ерда ким билан яшайсан?

У маънос тортиб қолди, кўзларига ёш қалқди. Бошини ҳам қилганча:

- Дам унинг уйида, дам буникида, - деди.

- Қийин эмасми?

- Албатта, қийин. Бировнинг уйида ким ҳам бахтиёр бўлиши мумкин? Лекин на илож, чидашга мажбурман...

Онамга Хадича ёқиб қолган эди. «Шу қизчалик бўлолмадинг. Шу пучуққина қиз ҳам Аллоҳни топди, сен эса барвастагина бўлиб туриб тополмадинг», дер эди. Хадича бир кунни онамга дардини очиб-сочибди. «Мен яшайдиган уйда овқат ёки бирор мева камайиб қолса, мендан кўришса керак, деб ўйлайман. Эр-хотин уришиб қолса ҳам, қовоқ-тумшуқ илиб олишса ҳам сабаби мен бўлса керак деб ўйлайвераман», дебди. Унинг бу ҳолига ачиндим.

Энди дарсларим аввалгидек эмасди, чунки Хадичани хафа қилишни истамасдим. Қолаверса, унга ёқмаган гапларимни пучга чиқарар, бу

домладан баҳо ололмай қолсам-чи, деб умуман ўйламасди. «Агар мен лойиқ бўлган баҳони менга қўймасангиз, курсда қолиб кетсам ҳам, бундан уялмайман. Керак бўлса, бир курсда ўн йиллаб ўқийман. Мен учун диплом ҳаёт-мамот масаласи эмас. Лекин виждонингизга қандай жавоб бера-сиз?» дер эди.

Кунлардан бирида менга қандайдир китобни кўтариб келди.

– Устоз, биламан, динсизлик ҳақидаги китобларни кўп ўқигансиз. Масалага бошқача томондан ҳам қараб кўринг, сизнинг оламингиздан ташқарида нималар бор-йўқлигига назар ташланг. Шунча одам динга ишонади, ақалли қандай ишонишлари ҳақида ўйлаб кўринг.

Унга қатъий ишонч билан жавоб қайтардим:

– Лекин мен Турон Колунинг китобларини ўқиганман. У динни жуда яхши билади. Бир пайтлар муфтий бўлиб ишлаган, кейинчалик атеистликни танлаган.

Хадича бош чайқади:

– Ахир у диндан юз ўгирган. Динсиз одам ёзган китоб билан исломни қандай қилиб тушуна-сиз? Хоҳласа-хоҳламаса, оятлар ва ҳадисларни бошқача талқин қилади у. Яхшиси, мен берган китобни ўқиб кўринг.

– Майли, бу оқшом ўқиб чиқаман.

Кечқурун хонамга кирдим-да, китобни ва-рақлашга тушдим. Жуда илмий тилда бўлмаса-да, равон ёзилган китоб экан. Ўнинчи саҳифасидаги сарлавҳа эътиборимни тортди: «Аллоҳ ҳеч кимга зарар бермайди...»

НЕГА ИШОНИШМАЙДИ?..

Ишонмайдиганларни уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳдагилар Аллоҳ ва дин ҳақида фикр юритишни истамагани учун ишонмайди. Улар динсизликни яхши нарса, деб ўйлайди.

Иккинчи гуруҳдагилар эса диннинг хусусиятларини билмагани учун ишонмайди. Бундай инсонларга мусулмонлар исломни етказиши зарур.

Учинчи гуруҳдагилар динда тақиқлар борлиги сабабли динни тақиқлардан иборат, деб ўйлайди ва буни ёқтирмайди. Одамларнинг айбини исломга йўяди.

Тафаккур қилувчи инсонлар эса исломдан қочмайди. Улар жуда яхши биладики, кун келиб Аллоҳ уларни нариги дунёга олади... Ҳеч ким Аллоҳдан қоча олмайди...

Ишониш ақлни тақозо қилади. Ишониш учун фикр зарур, тафаккур лозим. Ишониш учун ажойиб ва кучли қалб керак.

Шоир айтганидек:

*Кўнгли эшиги етмас ишониш учун,
Ақл ҳам эшикларин очмоғи зарур.
Ақлингни шамолларга совурма ҳаргиз,
Негани топмоқ учун югурмоқ зарур.*

Ҳақ таоло ояти каримада шундай дейди: «...Фақат ақл эгаларигина эсларлар»⁹.

Ҳа, ақлли инсон албатта Аллоҳни топади. Зеро, Аллоҳ яшириниб олмаган. Агар яширинишни истаганида эди, унга олиб борувчи далилларни – оятларни ҳам яширган бўларди. Чалкаштир-

⁹ «Бақара» сураси, 269-оят.

маслик зарур: Аллоҳ мавжудлигини эмас, зотини яширган.

Эй ақл эгалари! Аллоҳга қайтинг! Бу дунё қартайиб бормоқда ва бир кун ўлади. Сен ҳам ўласан. Абадият оламига гуноҳларни ортмоқлаган кўйи боришнинг қайси бандага фойдаси бор?..

Хадича берган китоб оддийгина китоб эди, лекин ундан жуда кўп нарсани ўргандим. Уни бир кечадаёқ ўқиб тугатдим. Хадича яна китоб берди. Кейин Қутубларнинг китобларини ўқидим. Сўнг яна, яна ўқидим... Ниҳоят, ақлим уйғонди ва Аллоҳга имон келтириб, исломга қайтдим. Бу гал онгли равишда намоз ўқий бошладим.

Кейин мусулмон ёшлар билан танишдим, улар эса мени бир домлага олиб боришди. Ундан диний таълим олдим. Домла ҳечам кибри одам эмасди, хатосини топсам, ўша заҳоти қабул қилар, «Тўғри гапиряпсан, мен адашибман», дер эди.

Намоз ўқий бошлаганимни мудиримиз эшитиб қолибди. Бир куни мени хонасига чақирди. Бурнининг учига қўндирган кўзойнагининг устидан қараганча:

– Бирор нима ичишни хоҳлайсизми? – деб сўради.

– Раҳмат, овора бўлманг.

– Овораси борми, айтинг.

– Майли, унда айрон ичаман.

Хизматчи икки стакан айрон олиб келди. Мудир айронни ича бошлади. Унинг узун мўйловининг учларига айроннинг ёғи ёпишиб қолганди. Кўнгилни беҳузур қиладиган ҳолат эди... Ана ўшанда мўйловимни ислом буюрганидек калталатиб юришга қарор қилдим... Лекин мўйловимни калталаганим учун бошимга қандай мушкулотлар тушганини айтсам, ишонмайсиз...

Хаёлга толган экан, мудирнинг овозидан ўзимга келдим.

– Жаноб Абузар, хабарингиз бор, охирги вақтда юртимизда динчилар кўпайиб кетди.

Гапнинг учи қаерга бориб тақалишини ўша заҳоти тушундим.

– Динсизлар ҳам кам эмас. Масонлар бемалол юрибди, ёмон ниятли миссионерлар ҳам. Лекин ҳаммани негадир мусулмонлар ташвишлантиради. Таажжубланарли эмасми?

– Чунки ёшларни динчилардан асраш керак, менинг вазифам шу.

– Менинг вазифам эса динсизлардан асраш.

– Шошманг, мен ҳали гапимни тугатмадим, нега гапимни бўласиз?

– Чунки гапни айлантириб, менинг намозларимга олиб боришингизни биламан.

– Мени сизнинг намозингиз эмас, фаолиятингиз қизиқтиради.

Қўлимдаги стаканни столнинг устига қўйгач, сўрадим:

– Нима қилибди менинг фаолиятимга?

– Нима бўларди, мутаассиб динчилар билан учрашяпсиз экан.

– Авваллари мутаассиб динсизларнинг олди-га ҳам борардим-ку, у пайтларда нега ҳеч нарса демас эдингиз? Умуман, менинг ишдан ташқари ҳаётим ҳеч кимни қизиқтирмасин.

– Қайсарлик қилманг, жаноб Абузар. Бу ер таълим даргоҳи, бу ерда мутаассибларга ўрин йўқ.

– Лекин авваллари ҳам мутаассиблар гуруҳида эдим-ку?

– У пайтларда замонавий фикрлар эдингиз.

– Йўқ. Ўзим учун исломсиз ҳаётни танлаган эдим. Номус туйғуси йўқ, уялиш йўқ, никоҳ йўқ,

дин йўқ... Ҳаммаси нафс учун эди... Фарбга тақлид қилиб яшардим... Мана энди ҳақиқий маданиятимга, қадриятларим ва миллийлигимга қайтдим.

Мудирнинг асаби бузилиб кетди.

– Менга қаранг, сиз ғирт жангарига айланиб қолибсиз-ку. Бу кетишингиз яхши эмас, кейин афсус қилиб қоласиз. Ҳаётингизни барбод қилманг, сизга дўст сифатида айтяпман.

– Катта раҳмат.

Шундан кейин мудирнинг менга нисбатан муомаласи ўзгариб қолди.

Намоз ўқий бошлаганим ҳамманинг қулоғига етиб борди. Дўстларим мендан ўзини олиб қоча бошлади. Ҳақиқий дўстларим кимлар эканлигини шу тариқа билиб олдим.

Бир кун иситиш хонасида намоз ўқиб турсам, Хадича келиб қолди. Намоз ўқишимни биринчи марта кўриши эди. Салом бериб бўлиб қарасам, кўзларига ёш қалққанча турибди.

– Аллоҳ қабул қилсин, устоз. Сажда сизга қанчалар ярашди!

У хурсандлигидан йиғлаганча хонадан чиқиб кетди. Ортидан мен ҳам чиқдим. Кимдир бизни кўриб қолган экан, ўша заҳоти мудирга етказибди. Бир неча кун ичида ҳар хил миш-мишлар тарқаб кетди. Эмишки, мен Хадичани иситиш хонасига чақириб, рўмол ўрашга мажбурлабман. Аслида Хадича ҳам у ерга намоз ўқиш учун келган эди.

Бу ифво ҳатто газетада ҳам босилиб чиқди. Сарлавҳасини қаранг: «Мутаассиб диндор ўқитувчи талабасига тазйиқ ўтказяпти!»

Талабаларни менга қарши қайрай бошлашди. Тинмай мен ҳақимда бўлмағур гап-сўзлар тарқа-

тишди. Мақсадлари мени бездириш эди, аммо мен парво қилмадим. Энди Хадичага босим ўт-каза бошлашди. «Рўмол ўраб олдинг, сенинг дастингдан факультет ёпилиб кетиши мумкин», — дейишди. Аммо Хадича қатъиятли эди. «Ўқишдан бериладиган диплом эвазига эътиқодимни сотиб олишмоқчи. Уларга асло таслим бўлмайман», — деди.

Иккимиз гап-сўз бўлиб кетдик. Хадича жуда уялар эди бундан.

Бир куни деразадан қараб турсам, ташқарида бир нечта қиз Хадичани қисди-бастига олди.

— Тўғриси айт, Абузар домла билан бир-бирингизни севасизми?

— Йўқ.

— Нега ўраниб олдинг?

— Очиқ юрган пайтларимда ҳам ўранишни хоҳлаганман. Ўранмаганларнинг ҳаммаси ҳам рўмолга қарши эмас-ку.

— Хўш, кейин Абузар домла сенга ёқиб қолдими?

— Нега бунақа гапларга ишонасизлар? Мен чиройли эмасман-ку, Абузар домла нега мени севсин, нега менга уйлансин?

Қизлар ҳингилаб кулди.

— Тўғри, хунуксан, биров сени яхши кўриб қолармиди. Ўрангандан кейин баттар хунуклашиб кетдинг, кампирларга ўхшаб қолдинг.

Ҳолбуки, мен Хадичани ёқтириб қолган эдим. Ташқаридан қараганда кўҳлик бўлиб кўринмас, аммо унинг ички дунёси ҳар қанча гўзалликдан устун эди.

Ўша заҳоти ташқарига отилдим.

— Хадича! Шунча одам бизни бир-биримизга муносиб кўряпти, менга турмушга чиқасанми? — дедим томдан тараша тушгандек.

У қаттиқ ҳайрон бўлди. Қизлар ҳам. Орадан ҳеч қанча ўтмай унаштирилдик. Энди газеталар «қамокқа тушмаслик учун зўрлаган талабасига уйланыпти» деб ёзиб чиқди. Ўша газеталарни судга бердим, судда ютиб чиқдим ҳам.

Хадича ҳамон дам уникида, дам буникида яшаб юрар эди. Тезроқ тўй қилишни хоҳладим. Хадича эса бунга рўйхушлик бермади, аввал Қуръон курсида ўқийман деб туриб олди. Аммо курсда уни тинч қўйишмади. «Сен подшоҳимизга қарши чиқяпсан, бизнинг курсда анархистларга ўрин йўқ», – дейишибди.

Менга ҳам зулм қилишди. Бир йилдан кейин мени жиноятчи тўданинг етакчиси деб гап тарқатишди. Ишдан бўшадим. Бироқ мени кўллаб-қувватлаб келган ёшлар ташлаб қўйишмади.

Кунлардан бирида полициячилар мени ҳибсга олди. Шунчалар қийноққа солишдики, таърифлаб беролмайман. Ташқарига чиққандан кейин ўн беш кунча юролмадим. Оёқларимнинг ости шишиб, сув йиғилганини кўрган онам ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Тинмай полициянинг кузатувида бўлдим.

Бизга демократия бор, истаганингизни гапиринг, дейишарди-ю, оғзимизни очгани қўйишмасди. Телевидениега борсак ҳам ҳайдалдик, газетага борсак ҳам. Ўзимизнинг газетада ёзсак, унда ҳам қандайдир муаммолар чиқди.

Замонавийлик ва маданият ҳақида оғиз кўпиртирганлар, уйларида ит боқиб, уни ўпиб, ити учун қўлидан келганини қиладиганлар бизга яшаш ҳуқуқини раво кўрмасди. Бизни нималар деб аташмади... Мутаассиб, ақидапараст, радикал мусулмон... Қолоқ, айирмачи мусулмон...

– Бу мусулмонлар ким экан деб қизиқар эдим,
– деди Вадот. – Демак, сизлар экансиз-да?

– Улар таърифлаган мусулмонлар бизлар эмас-
миз, лекин ўша замонавий қолоқлар туҳмат қил-
ган мусулмонлар бизмиз. Кун келиб, улар бизни
кўр-кўрона айблашганини тушуниб етишади.
Бунга ҳаммамиз гувоҳ бўламиз.

– Лекин сени эртага осишади-ку, қандай қи-
либ кўрасан?

– Гапимни бўлмай турсанг, охиригача етказиб
олай, Вадот.

Менинг атрофимда элик чоғли ёшлар йиғил-
ган эди. Улар билар биргалик одамларга исломни
тушунтирар эдик. Инсонларни катта давлатлар-
нинг ҳийлаларидан огоҳ қилмоқчи эдик. Ҳеч қан-
дай зўравонликсиз, қурол ишлатмаган ҳолда.

Мусулмонлар ухляяпти, атрофда нималар рўй
бераётганини сезишмаяпти. Қанчадан-қанча ёш-
лар ўзлари билмаган ҳолда динсизлашиб, ўзга-
ларнинг маданиятига эргашиб кетяпти. Биз мана
шунга чидолмаётган эдик. Бир-биримизга сўз
бердик, жонимизни тикиб бўлса ҳам, одамлар-
га ҳақиқатни етказамиз. Бизни қоралашларини,
бизга ҳар хил бўлмағур нисбатларни беришлари-
ни билардик, лекин қароримиз қатъий эди.

Онам энди мени тез-тез ҳибсхоналарга кўргани
келадиган бўлди. Отам эса: «Бу ишларни ташла,
сенга мусулмон бўл, дегандик, бунчалик бери-
либ кет, демагандик», – деди. Онам эса отамдан
журъатлироқ чиқди. «Бор, ўғлим, исломни ёйиш
учун қўлингдан келганини қил. Лекин қон тўк-
ма. Имон келтирмаганларни ўлдириб бўлмайди,
ўзлари биринчи бўлиб уруш бошласа, бу бошқа
гап», – деди.

Ҳар кунимиз изтироб билан ўтарди, лекин руҳимиз тетик эди, виждонимиз қийналмасди. Чунки биз қабиҳликларга қарши курашаётган эдик... Ниятимиз салтанат эмасди, асло тилёғламачилик қилмадик. Лекин улар ҳоли-жонимизга қўймади, ғаламисликларини тўхтатмади.

Абузарни диққат билан эшитиб ўтирган Вадот тўсатдан унинг гапини бўлди:

– Вой бечора-ей. Кейин нима қилди у?

– Кимни айтяпсан?

– Хадича синглимизни-да. Кимнинг уйида қолди?

– Ҳали ҳам Хадичани ўйлаяпсанми?

– Ҳа-да. Жуда ачиндим унга. Бировнинг уйида яшаш осонмас. Кимдир нимадир сабаб бўлиб қовоғини уйса, ишқилиб менга уймаяптимикин, деб ўйлайди одам.

Вадотнинг кўзлари ёшга тўлган эди.

– Буни мен биламан, жуда яхши биламан, бошимдан ўтган.

Вадот яна у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Орада нафаси билан қўлларини иситишга ҳаракат қиларди. Совуқ бўлмадаги ҳамманинг жон-жонидан ўтиб кетган, лекин эрталаб осиладиган одамнинг олдида шикоят қилишга хижолат бўлишаётган эди.

– Шарафим урсин, Хадича синглимизнинг бошига тушганлар ҳар қандай қийноқдан ҳам оғирроқ. Қанақа эркаксан ўзи? Нега дарров уйлана қолмадинг унга?

– Айтдим-ку, ўзи хоҳламади. Қуръон курсидан ҳайдаб юборишганидан кейин борадиган жойи йўқ эди, турмуш қуришга қарор қилдик, тўй қилдик.

– Хайрият, бировларнинг уйида сифинди бўлишдан қутулибди шўрлик.

– Ҳа, сифинди бўлишдан қутқардим уни, лекин қамоқхонага топширдим – тўй куни уни олиб кетишди.

– Нима? Нега олиб кетади? Ким олиб кетди? Нега рухсат бердинг? Суф-ей сенга!

– Нима ҳам қила олардим? Давлатнинг номидан келган одамлар эди.

– Нима қилибди давлатнинг номидан келган бўлса? Кавушини тўғрилаб қўя олмадингми?

Абузар алам билан кулди. Сўнг бошини чайқанча жавоб берди:

– Давлатнинг нималиги билмайсан, шекилли.

– Қандай қилиб келини тўй куни қамоққа олиш мумкин, а? Эҳ, бечора синглим!.. Йиллаб бировларнинг уйида сифинди бўлиб яшаб, келинлик либосида қамоққа тушса-я!.. Ўзи уни нега қамашди?

– Қайсидир конференцияда давлатни ҳақоратлаган эмиш гўё. У ҳеч қачон давлатни ҳақоратламаган, танқид қилган, холос. Судда унга ҳеч қандай айб қўя олишмади, озод қилишга мажбур бўлишди. Ажойиб, а? Ойлаб, йиллаб ҳибсда бўласан, кейин эса айбинг йўқ экан, деб қўйиб юборишади. Аввал айбини аниқлаб, қамаш керак эмасми?.. Менга ўлим жазоси берилганида ўзини йўқотиб қўймади, менга далда берди. «Асло қўрқманг! Ишингизни биз давом эттирамиз. Бизни ҳам осишса, дўстларимиз давом эттиради! – деди. – Сиз шарафли мусулмонсиз. Охиратга ҳам шарафли ҳолингизда йўл оласиз». Ўлим жазоси мени чўчитган эди, лекин унинг сўзларидан кейин ўзимга келдим...

Мухлис Абозарнинг сўзларидан таъсирланган, юз берган воқеалардан хафа бўлган эди.

– Жуда ёмон иш бўлибди-да. Судяга ҳеч нарса демадингизми?

– Гапирдим, албатта. Айтдимки, хоҳлаган ҳукмингизни чиқаринг, жаноб судя, вақти-соати етиб бунинг учун жавоб берасиз. Ўша куни қилмишларингиздан пушаймон бўласиз, лекин унда пушаймонлик фойда бермайди. Умид қиламанки, ўша кун келмасидан олдин тавба қиласиз. Лекин сизнинг у кунга ишонмаслигингизни ҳам биламан. Хоҳласангиз ишонинг, хоҳамасангиз ишонманг, бироқ у куннинг ҳақиқат эканлигини яқинда билиб оласиз.

Суд зали такбир овозига тўлиб кетди. Мени яхши кўрадиган, ҳурмат қиладиганларнинг бари келган эди. Улардан бири нақ минг километр наридан келибди.

– Бунинг нима фойдаси бор? – эътироз билдирди Вадот. – Аскарларни ўлдириб, сени олиб қочишлари мумкин эди. Лекин ундай қилмабди пандавоқилар.

– Мусулмонлар бундай хатога йўл қўймайди. Улар норозилиklarини қон тўкмай билдиради. Хуллас, ўша куни такбир садолари остида мени суд залидан олиб чиқишди. Кўриб турганингиздек, мана энди бу ердаман. Эртага эрталаб мени осишади.

Вадотнинг ҳам, Аҳмад ва Мухлиснинг ҳам кўзларига ёш тўлганди.

– Эҳ! Энди нима бўлади? Энди нима қилади? – деди Вадот.

– Яна Хадичани айтяпсанми? – сўради Абузар.
– Ҳа-да! Жуда ачиндим шу синглимизга.

Мен Вадотни койиб бердим:

– Ҳозир шунинг мавридими? Абузарни осишадди, сен эса Хадичани ўйлаяпсан. Ҳозир Хадича учун эмас, Абузар учун хафа бўлиш керак.

Вадот кўз ёшларини артганча жавоб қайтарди:

– Сифинди бўлиш осилишдан ҳам ёмон... Ўлимдан фарқи кам... Гурурнинг ер билан битта бўлиши, ҳамманинг паст назар билан қараши нималигини биласизларми?.. Мен биламан. Ҳатто уйдаги кучукка ҳам яхши кўринишга ҳаракат қилади одам... Уйдаги болалар «Бу бизнинг уйимиз», деб сени баттар эзишади...

Мен Абузар учун йиғлаётган эдим, Вадот эса Хадича учун. Кўзларимиз қизариб кетди. Фамгин нигоҳлар билан Абузарга тикилдик.

– Нима учун сени осишяпти? – деди Вадот. – Ўлимга лойиқ қанчадан-қанча одам бор, лекин улар эмас, нега айнан сен?

– Чунки уларнинг пули кўп, пулдорлар ва кучлиларни эса оса олишмайди. Лекин сен хафа бўлма, Вадот биродарим, кун келиб биз ҳам кучли, ҳам одил бўламиз.

– Лекин у пайтда сен бўлмайсан-да. Хадича синглим эса умрининг охиригача сени эслаб қийналади. Ўз ажалинг билан ўлганигда майли эди, лекин сени осишяпти, юракларда ўчмайдиган доғ қолдириб кетяпсан...

Ниҳоят, Абузарнинг ҳаётидан ҳам воқиф бўлдик. Вақт ярим кечадан ўтган эди. Бўлмага сукунат чўмди...

* * *

Бир маҳал чироқ ўчиб, ҳар томондан ўқ овозлари кела бошлади.

– Онажо-о-он! Мени қутқаринглар!.. Оҳ, дамим қайтиб кетяпти! Мен қоронғидан қўрқаман! – бақира бошлади Мухлис.

Нақ деразамизнинг тагидан ўқлар визиллаб учиб ўтарди. Қўшни бўлмадан исён овозлари жангга бошлади:

– Йўқолсин диктатура!

– Йўқолсин империализм!

– Қотиллар юртимиздан даф бўлсин!

– Бизнинг овозимизни ўчира олмайсизлар!

– Ҳаққимизни барибир оламиз!

Мухлис пичирлагудек бўлиб сўради:

– Оғалар, бу ерни ишчилар босдимми?

– Ишчи нима қилади бу ерда? Тентакмисан? – деди Вадот.

– Ҳаққимизни оламиз, дейишяпти-ку.

– Нима, ҳақ фақат ишчиларда борми?

– Мухлис биродаримизнинг бундай савол бериши бежиз эмас, – гапга аралашди Абузар. – Юртимизда фақатгина ишчилар ҳақлари борлигини, эзилганликларини айта олишади. Ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган шифокорлар, ҳамширалар, доялар, имомлар ва муаззинлар, давлат ходимлари, ҳарбий хизматчилар, ота-оналар ва фарзандлар, келинлар ва куёвлар, ногиронлар ва етимлар, хуллас, бошқалар ишчилар сингари овоз чиқара олишмайди...

– Бурнимизнинг тагидан ўқлар ўтяпти, гапирётган гапларингни қара-я, имом, – тажанглашди Вадот. – Ҳозир шунақа гапларни гапирадиган пайтми? Сенга фарқи йўқ-да, эрталаб нариги дунёга равона бўласан, бизнинг эса ўлгимиз йўқ.

– Ҳеч ким ўлишни ният қилмайди. Қолаверса, инсоннинг бу дунёда насибаси узилса, ният қил-

са-қилмаса, жони узилади. Ўқ овозларига келадиган бўлсам, мен ҳам безовта бўляпман.

Тўртинчи маҳкум ҳеч нарсадан хабари йўқ, ҳамон хуррак отганча донг қотиб ухлаб ётарди.

Ташқаридан яна овозлар эшитилди:

– Таслим бўлинглар!

– Йўқ, таслим бўлмаймиз!

– Охирида пушаймон бўласизлар барибир! Шунинг учун ҳозироқ таслим бўлинглар!

– Йўқ!..

Мухлис бўлаётган воқеалардан қаттиқ қўрқаётган эди.

– Эй Худо! Булар ким ўзи? Жаноб Абузар, сизнинг тарафдорларингиз эмасми мабодо? Айтинг, бас қилишсин. Қўрқиб кетяпман. Устига-устак, чироқ ҳам ўчиб қолди. Жаноб Вадот, илтимос қиламан, назоратчини чақирсангиз...

Бўлмага зимзиё қоронғилик ва қаҳратон совуқ чўккан, ташқаридан келаётган ўқ овозлари ҳамани хавотирга солаётган эди.

– Ҳа, ҳойнаҳой, булар сенинг одамларинг бўлса керак, имом.

– Йўқ, менинг биродарларим норозилик билдиради, лекин бегуноҳ одамларни асло ўлдирмайди. Ахир турмада ўғрибошилар, тўдабошилар ҳам бор-ку, балки уларни олиб қочишмоқчидир.

– Ўзи сизлардан нима хоҳлашади? Шунинг ҳеч тушунмадим.

– Одамларга исломни, шариатни тушунтиришимизни исташмайди.

– Тўппа-тўғри қилишади, – гапга аралашди Мухлис. – Шариат нимаси? Ахир қайси даврда яшаяпмиз? Мен шариатдан қўрқаман.

– Нимасидан қўрқасан?

– Шариатда ўғрининг қўлини кесишади.

– Сен ўғримисан? Ўғри бўлмасанг, қўрқошингга ҳожат йўқ-ку.

– Аллоҳ сақласин. Мен бировнинг бир чақасига ҳам хиёнат қилмайман.

Вадот калакалаб деди:

– Бунақа ишларни унинг отаси кўтарасига ҳал қилиб қўя қолади. Майдалашиб ўтирмайди, миллиардлаб ўмаради, миллиардлаб! Сен ухла, имом, ухла, ҳеч нарсадан хабаринг йўқ.

Абузарнинг кулимсираганини шу зимистонда ҳам сездим.

– Ҳеч нарсадан беҳабар одам бўлганимда, ҳозир шу ерда бўлармидим? Ўлим жазоси берилган бўлармиди менга?.. Лекин мен иззат ва шарафини йўқотган мусулмон бўлишдан кўра жонимдан воз кечишни афзал кўрдим. Дарвоқе, шариат арабчада ҳуқуқ дегани. Ҳар диннинг, ҳар бир мафқуранинг ўзига яраша шариати бор.

– Менга қара, имом, шу шариатдан қўл кесишни олиб ташланса, нима бўларкин? Одамларнинг ишончи ортармиди, дейман-да.

– Эҳ, биродарим Вадот. Сен қўл кесиш борлиги учунгина шариатни ёқтиришмайди, деб ўйлайсанми? Уларнинг дарди кесиладиган қўл эмас, умуман олганда исломнинг ўзидир. Улар исломни, ислом билан боғлиқ ҳамма нарсани ёмон кўришади. Кимнинг қўли кесилиши мумкинлиги уларни мутлақо қизиқтирмайди, шунчаки исломни ёмон кўришади, исломдан нафратланишади.

Шу пайт чироқ ёнди. Ташқаридаги шовқин-сурон алақачон тўхтаган эди. Лафути эса уйғониб кетди ва кўзларини ишқалаганча бақирди:

– Намунча минғир-минғир қилдиларинг? Ухлагани қўймадиларинг!

Унинг бақириб-чақирришидан Вадотнинг жаҳли чиқди:

– Жим бўл! Имом жуда яхши нарсалар ҳақида гапиряпти. Осилишини ўйламай, биз учун жон куйдирияпти. Эшитгинг келмаса, қулоқларингга пахта тикиб ол.

– Биродарим Вадот, у тўғри гапиряпти. Аслида айб бизда, ухлаб ётган одамни безовта қилдик.

Лекин Вадотнинг асаби бузилиб бўлган эди. У Лафутини бошқа бўлмага ўтказишнинг пайига тушди. Мухлисни бир четга тортди-да:

– Бақалоқ, сенга илтимосим бор, юз лира берсанг, мана шу вайсақини бошқа бўлмага кўчириб юборамиз, – деди.

– Ие, қандай қилиб?

– Бу ёғини менга қўйиб бер. Менга қара, Абузар эрталаб осилади, унинг суҳбатидан фойдаланиб қолайлик. Назоратчи билан гаплашаман, қўлига пул тутқазсам, Лафутини олиб чиқиб кетади.

– Пора берасизми?

– Овқатланишинг учун ҳам бердик-ку. Бунинг учун ҳам берсак, нима қилибди? Бўлақол, гапни чўзмай, пулдан узат.

Хуллас, Мухлистан пул ундирган Вадот назоратчини чақирди-да, масалани ҳал қилди. Ўн беш дақиқа кейин назоратчи Лафутини чақириб, бошқа бўлмага ўтишини айтди.

– Нима бўлди? Нега бошқа бўлмага ўтишим керак? – дея сўради ҳеч нарсадан хабари йўқ Лафутини.

– Бу ер тикилинч-ку, сизларни ўйлаяпмиз, сизларга ачиндик.

Шундай қилиб, бўлмада беш киши қолдик. Вадот Абузарни диққат билан эшитиш учун совуқ бетонга ўтириб олганди.

У Абузардан, айниқса, унинг имонидан ҳайратда эди. Қандай қилиб Аллоҳни бунчалар яхши кўради?.. Қандай қилиб охиратга бунчалик қаттиқ ишонади?.. Вадот ана шу саволларнинг жавобига қизиқаётган эди.

– Айт-чи, имом, бир инсон Аллоҳни кўрмай туриб, қандай қилиб Унга бунчалик кучли имон келтириши, Уни қандай қилиб бунчалик кучли севиши мумкин? Мен ҳам яхши кўришни, мен ҳам яхши мусулмон бўлишни истайман. Лекин бўлмаяпти. Нега шундай, тушунтириб бера оласанми? Бизга уйқу йўқ бу кеча. Модомики, сен ўлимни ўйламаяпсан, нариги дунёга йўл олишдан олдин менга тушунтириб кет.

Жуда кўп ўйланаман. Мусулмонман дейсан-у, мусулмонлик билан ҳеч қандай алоқанг йўқ. Ичкилик ичасан, эгри йўлга юрасан, ўғрилиқ қиласан. Шу гапларни ўзимга кўп гапирганман. Нега унда менинг номим мусулмон деганман, қандай хусусиятим бор деган саволни берганман ўзимга ўзим. Сенинг гапларингни тинглаб тушундимки, биз шунчаки оғизда мусулмон эканмиз, аслида ислом билан алоқамиз йўқ экан. Балки тушунтириб берсанг, янаям яхшироқ тушунарман, яхшироқ мусулмон бўлишга ҳаракат қиларман.

Ишончим комилки, ўқиганимда яхши инсон бўлиб етишган бўлардим, лекин мен кўчаларда катта бўлдим. Имом, ишон, агар менинг ҳам онага ўхшаган онам бўлганида, мен ҳам сенга ўхшаган одам бўлардим. Онам нафсини ўйлаганчалик

боласини ўйлаганида, ҳозир мен бу ерда ўтирмаган бўлардим. Бирор хунарнинг этагидан тутган бўлардим ёки давлат ходимими, шифокорми бўлиб ишлар эдим. Лекин она дегани вақтини боласига эмас, эркакларнинг эътиборини тортишга сарфласа, боланинг оқибати нима ҳам бўларди. Шундай экан, мени айблама, имом.

Абузар бошини кўтариб, кулимсираганча Вадотга тикилди. Чуқур нафас олгандан кейин сўз бошлади:

– Нималар деяпсан, биродарим? Қандай қилиб сени айблашим мумкин? Кошки ҳамма ҳам сендек ўйласа, кошки ҳамма ҳам сен кўра олган нарсаларни кўра олса. Бизнинг вазифамиз инсонларни айблаш эмас, уларга хатоларини эслатиш, хатолардан халос бўлиш учун ёрдам бериш. Қолаверса, инсон қанчалик ёмон бўлмасин, Аллоҳга имон келтирса ва уни севса, бир лаҳзада тузалиши мумкин.

– Ҳатто жуда ёмон одам бўлса ҳамми?

– Ҳа, жуда ёмон одам бўлса ҳам. Агар тавба қилса, гуноҳлардан фориғ бўлади. Худди уни фаришталар ювгандек, топ-тоза, гуноҳсиз одамга айланади. Асосий масала тавба қилишда. Инсон Аллоҳни сева бошладими, пулдан, қимордан, ичкиликдан, зинодан, ўғрилиқдан, хуллас, ҳамма нарсадан воз кечади. Муҳими, Аллоҳни севсин, унга имон келтирсин. Имон деганимга бир нарса эсимга тушди. Биласанми, ҳаётда шундай одамлар борки, китобдаги бир нечта жумла уларнинг имон келтиришига кифоя қилади. Сумкамда бир китоб бор, муҳим бўлгани учун ёнимда олиб юрман. Муҳаммад Жамолиддин Фандининг «Аллоҳ ва коинот» номли китоби.

Ана шу китобнинг икки саҳифаси туфайли бир шифокор мусулмон бўлган.

Ўша шифокор шундай деган эди: «Китобни ўқидим, 193-саҳифасига келдим. У ерда юлдузларнинг катталиги ва ажойиб тартиби ҳақида ўқигандан кейин ўйлай бошладим. Шунча юлдузларни тартибга солган, шунчалик катта қилиб яратган Аллоҳ уддалай олмайдиган нимадир бўлиши мумкинми?..

Ҳа, Аллоҳ чиндан ҳам онгимиз тасаввур қила олмайдиган даражада буюк. Ҳеч ким Унга тенг кела олмайди. Буни билдим, ишондим ва имон келтирдим».

– Офарин шифокорга! – дея Абузарнинг гапини бўлди Вадот. – Тўғриси, ўша шифокорга таъсир қилган саҳифага мен ҳам қизиқиб кетяпман.

– Мен ҳам қизиқдим. Тўғрисини айтсам, баъзи нуқталарни тушунишга қийналдим. Лекин тушуниб етган жойларимдан ҳузур олдим.

Одам юлдузларни, қуёшни кўради-ю, тафаккур қилмайди, фикр юритмайди. Мени эртага осишади, энди бирор нарсани кўрмасам керак. Лекин сизлар Аллоҳ яратган ҳар нарсага тафаккур кўзи билан қаранглар. Баҳайбат туяга ҳам, миттигина бургага ҳам Аллоҳ бир хил хусусиятларни ато этган: иккиси ҳам очқайди, иккиси ҳам қорнини тўйдиради, нафас олади ва чиқаради, иккисининг ҳам оёқлари ва ҳозир эсимга келмаётган, бир-бирига ўхшаш бир қанча аъзолари бор. Гўё Аллоҳ улар орқали шундай деётгандек: «Эй бандам! Баҳайбат туяга ва митти бургага қара! Уларни мен яратдим. Кичкина юлдузлардан тортиб Ердан неча марталаб катта юлдузларгача мен пайдо қилдим. Бу коинотнинг тартибини мен яратдим. Ҳаётни ва ўлимни ҳам. Лекин

сенга жузъий ирода бердим, фикр юрит. Шаҳват учун, мол-мулк учун, кимлардир учун Мени тарк этма. Кун келиб Менга қайтасан».

– Ҳалиги саҳифани ўқий қолгин, имом, – деди Вадот. – Жуда қизиқиб кетяпман.

Абузар китобни олиб, керакли саҳифани очди.

– Яхшиямки, ўзим билан олиб келган эканман. Қуёшдан-да каттароқ юлдузлар ҳақида ўқиб бераман. Унутманг, булар бир нечта мисол, холос:

Альфа Крукис – 370 ёруғлик йили узоқликда. Қуёшдан 8 карра каттароқ ва 4900 карра ёруғроқ;

Капелла – 50 ёруғлик йили узоқликда. Қуёшдан 16 карра каттароқ ва 145 карра ёруғроқ;

Денеб – тахминан 1500 ёруғлик йили узоқликда. Қуёшдан 22 карра каттароқ, 57 минг карра ёруғроқ;

Арктур – 38 ёруғлик йили узоқликда. Қуёшдан 22 карра каттароқ ва 110 карра ёруғроқ;

Каноус – 100 ёруғлик йили узоқликда. Қуёшдан 30 карра каттароқ ва 1400 карра ёруғроқ;

Альдебаран – 55 ёруғлик йили узоқликда. Қуёшдан 55 карра каттароқ ва 160 карра ёруғроқ;

Ригел – 900 ёруғлик йили узоқликда. Қуёшдан 40 карра каттароқ ва 57 минг карра ёруғроқ;

Антарес – 520 ёруғлик йили узоқликда. Қуёшдан 220 карра каттароқ ва 9 минг карра ёруғроқ.

Вадот жуда ҳайрон бўлиб қолган эди:

– Аллоҳ, Аллоҳ! Бу қанчалик ҳайбатли нарса! Ақл бовар қилмайди! Қуёшдан 220 карра каттароқ! Ишонавер, миям тарс ёрилиб кетади ҳозир!

– Шундай, Вадот биродарим. Бу муаззамликка ишонмайдиганлар Аллоҳни инкор қилади. Чунки улар ақл юритмайди, фикрламайди.

– Аллоҳ чиндан ҳам бор! Бунга ишонмасак, айб бўлади! Лекин калласини ишлатмайдиганлар ҳам кўп-да. Мана, мени олайлик: онам менга меҳр бермади, отамнинг тарбиясини олмадим, кўчаларда катта бўлдим. Бунақа нарсалар ҳақида ўйлармидим! Аммо Аллоҳ бор дейман!

Шу пайт Мухлиснинг ҳиқиллаган овози эшитилди. У йиғлаётган эди.

– Нима бўлди сенга? – сўради Абузар.

– Нима бўлсин, Вадот оға учун хафа бўлдим. Онаси унга меҳр бермабди, кўчада катта бўлибди. Мен кўчада ўсмаганман, нима қилибди шунга? Мен ҳам бу нарсалар ҳақида ўйламаганман. Юлдузларга неча марталаб тикилганман, бироқ қуёшдан 55 марта каттароқ юлдуз бўлиши мумкинлиги умуман хаёлимга келмаган. Ўйласам ҳам, тасаввуримга сиғмаган бўларди.

– Афсуски, шундай. Мен ҳам аввалига бу нарсалар ҳақида фикр юритмас эдим. Шундай экан, биродарим Вадот, сен хафа бўлма. Фикр юришидан қўрқадиганлар ота-онаси бўлса ҳам, фикр юритмайди.

– Атрофимдаги ошналаримнинг бирортаси Аллоҳ ҳақида ўйлаб кўрмаган бўлса керак, – деди Мухлис. – Клубма-клуб, барма-бар санқишдан ортиб, Худо ҳақида ўйлашга вақт ажрата олишмайди. Уларнинг ота-онаси бор, лекин диндан узоқ одамлар. Бирорта дўстим намоз ўқимайди...

Савол бериш навбати яна Вадотга келди:

– Менга қара, имом, нега казо-казо одамлар Аллоҳга ишонмайди? Масалан, олимлар, профессорлар, файласуфлар. Туриб-туриб одамнинг хаёлига шунақа фикр ҳам келиб қолади-да: агар Аллоҳ бўлганида, мана шу ақлли одамлар ишонган

бўларди. Сен нима дейсан бунга?.. Биз-ку, китоб ўқимайдиган одамлармиз, бўш вақтимиз бўлса, телевизорнинг қаршисида ўтади.

– Телевизор ҳамманинг вақтини оляпти, фақат турмадагиларнинг эмас. Уйларни, офисларни, меҳмонхоналарни, ҳатто автобусларни ҳам эгаллаб олган телевизор. Унда кўрсатиладиганлар ўзгармаса, инсонларнинг бошига кўп кулфатлар тушади. Сен айтган файласуфларга келадиган бўлсак, кел, истасанг, шу китобдан ўқиб кўрамиз.

– Албатта, истайман, ўқи.

– Юнон файласуфи Пифагор коинотда Якто борлигини айтади. Мукаммалликда ҳеч ким Унга тенг кела олмайди ва У абадийдир.

Муддха исмли ҳинд фаласуфига кўра, дунё аламларга тўла жойдир. Туғилиш аламли, яшаш ва ҳаёт учун кураш аламли, кексалик ва ўлим ҳам аламлидир. Шундай экан, инсонлар аҳил яшашлари зарур. Ҳақиқий инсон йиқилганларга ва фалокатга учраганларга ёрдам қўлини чўзади. Инсон ҳаётдаги аламлардан фақатгина бошқа инсонларга, ҳайвонот ва набототга яхшилиқ қилиш ҳамда меҳр-шафқат кўрсатиш орқалигина халос бўлади.

Сукрот айтадики, бир яратгувчи бор, у Аллоҳдир. Аллоҳ ҳар нарсани хайр учун яратган. Афлотун эса Аллоҳнинг мавжудлигини бир неча йўсинда исботлаш мумкинлигини айтган.

– Буни қаранглар-а! – ҳайқирди Вадот. – Демак, Сукрот ҳам, Афлотун ҳам Аллоҳга ишонган экан-да! Фалсафадан дарс берадиган бир ўқитувчи бор эди, бу файласуфлар Худога ишонмаган деб айтарди. Ҳаммани алдаган экан-да!

– Қара, Афлотун нима деган: «Бу оламнинг бор бўлиши Аллоҳнинг мавжудлигига етарли далил

бўлганидек, инсон вужуди ва шакли ҳам илоҳий заковатнинг азимлиги ва мавжудлигига далил бўла олади. Ҳар ҳаракатнинг ва ҳар ишнинг ғояси бўлмиш мукаммалият ҳам Аллоҳнинг борлигига далилдир».

Арасту эса ҳаракат этувчи оламни яратган ва оламни ҳаракатга солиб қўйган Аллоҳдир, дейди.

Бэкон оз илм инсонни Аллоҳдан узоқлаштиришини, кўп илм эса аксинча яқинлаштиришини айтади.

«Аллоҳнинг борлигини ҳисларимиз билан англаймиз. Ҳатто Аллоҳни инкор этувчилар ҳам Унинг мавжудлигини ҳис қилишади», – дейди Локк.

Беркли эса «Аллоҳ нима?» деган савол билан овора бўлиш тўғри эмаслигини таъкидлаган. «Чунки бу саволнинг жавобини бера олмаймиз. Фақатгина «Аллоҳ борми?» деб сўрашимиз мумкин. Ҳа, Аллоҳ бор, – дейди у. – Биз бирор нарса ни идрок этолмасак, бу ўша нарсанинг йўқлигини англамайди...»

Антиқа одам эди Абузар. Ундан бошқа яна кимдир охирги нафасигача китоб ўқиганмикин?.. Бу йигитни ҳеч қачон унутмайман...

Мухлис алақачон ухлаб қолган эди. Абузарни мен, Вадот ва Аҳмад киприк қоқмай эшитаётган эдик.

– Буни қара-я, имом, шарафим урсин, энди ёмонам асабийлашдим, – деди Вадот ўзига хос оҳангда. – Бу нимаси ахир? Модомики, бу файласуфлар Аллоҳга ишонган, нега телевизорда, дарсликда айтилмайди? Телевизорни, дарсликларни қўятур, оддий китобларда ҳам ёзилмаган-ку бу нарсалар, тўғрими? Кўчада ўсган бўлсам ҳам, бир нечта китоб ўқиганман.

– Чунки файласуфларнинг Аллоҳга ишонгани айтиладиган бўлса, ёшлар ҳам Аллоҳга ишона бошлайди, бизга эса ишонмай қўяди, деб кўрқишади. Шунинг учун Аллоҳнинг мавжудлигини эслатадиган дарслар, маърузалар, фильмлар, газеталарни иложи борича узоқлаштиришга ҳаракат қилишади. Кўриб турганингдек, файласуфларнинг анча-мунчаси Аллоҳга ишонган. Лекин улар орасида ишонмаганлари ҳам бўлган. Аллоҳнинг борлигига ақллари етмаган, ҳар нарсани ақл чегаралари ичида ўйлашгани учун инкор этишни чора деб топишган. Бироқ унутмаслик керакки, улар ички дунёларида ўзларига қарши ўзлари курашган, тушкунликни бошларидан ўтказган. Шунинг учун мен Аллоҳга умуман ишонмайман, деганларга ишонма. Улар шунчаки Аллоҳ дейишни истамайди. Аллоҳ демаслик учун эса ҳар нарсани тилга олишади: табиат дейишади, бир қудрат бор, бир сир бор дейишади, мавҳум нимадир бор, дейишади, лекин Яратувчини ўз номи билан аташмайди. Чунки Аллоҳ бор деб айтишса, Аллоҳнинг дин жўнатганини ҳам тан олишларига тўғри келади.

Бу масалаларни одамлар тушуниб қолмасин деб, биринчи навбатда ёшларимизга Аллоҳни унуттирдилар. Кейин нима бўлди? Бузуқликлар кўпайди, майхоналар тўлиб-тошди, аёллар сотиладиган бўлди. Ҳолбуки, инсоннинг эътиқоди мустаҳкам бўлса, ҳеч нарсага сотилмайди, қутқуга учмайди.

Ҳозир инсонлар исломнинг қандай дин эканлигини билмайди. Исломни умуман нотўғри танитишяпти. Бир оятни эътиборсиз қолдириб, ундан кейинги оят ҳақида гапиришга тушиб ке-

тишяпти. Оятлардан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлишяпти...

Аҳмад ҳам пинакка кетди. Энди уч куши қолдик.

– Жуда яхши гапларни гапирдинг-да, имом, – деди Вадот. – Жин урсин, бизни жуда ёмон лақиллатишган экан.

Мухлис аҳён-аҳён кўзини очиб суҳбатга қулоқ тутаётган эди. Ҳозир ҳам кўзларини аранг очиб савол берди:

– Жаноб Абузар, кейинги ҳаётингиз қандай ўтди?

– Шундай нарсалар бўлдики, ҳозир сизларга айтиб берганимнинг фойдаси йўқ. Лекин бир нарсани айтаман.

Кунлардан бирида мутлақо кутилмаган воқеа бўлди. Биз таниган ва илмни деб билган бир одам бор эди, унга жуда ихлос қўйгандик, ҳатто исломга зид гапирса ҳам, ўзимизча таъвиллар топиб, бехато гапирганига ўзимизни ишонтирар эдик. Ҳар бир хатосини нимагадир йўяр, унга асло гард юқтирмасдик. Унга қаттиқ ишонганимиздан Пайғамбар алайҳиссаломни унутадиган даражага етгандик. У ҳатто ўғил болаларни ҳам ўқитишга рухсат бермади, ўзининг фарзандларини эса Европада ўқитди.

Хафа қиладиган жойи шуки, мусулмонлар жўнатган пулларни ўзининг ёки қариндошларининг номига банкка қўяр экан. Бойлиги тобора ортиб борар, лекин қаердан келаётгани номаълум эди. Биз эса исломни билмаганимиз учун у нима деса, диннинг ҳукми шу экан-да, деб қабул қилардик. Мен оз-моз динни ўргангач, унга қарши чиқа бошладим. Мени жосус деб эълон қилиб, мусулмонларга мен билан гаплашишни тақиқлаб қўйди. Албатта, содда мусулмонлар мен ҳақли бў-

лишим мумкинлигини ўйлашмади. Мени ҳатто телба деб атай бошлашди. Кейин кофир эканлигим ҳақида фатво чиқаришди. Қаттиқ ҳайратда эдим... Қандай қилиб мусулмонлар бунчалик гўл бўлиши мумкин, деб хафа бўлар, орада-сирада йиғлаб олардим. Кейин устимдан чақув қила бошлашди. Икки-уч киши йиғилиб қолсак, дарров полицияга хабар беришарди. Ахир мусулмон киши шундай қилиши мумкинми?..

Буни нега сўзлаб бераётганимни биласизларми?.. Кун келиб исломга қайтсангиз, билингки, ҳар томондан ёмонлик кўришингиз мумкин. Ёмонларнинг дастидан асло исломдан совиманг. Шундай яхши дўстларингиз бўладики, сиз учун жонини беришга тайёр бўлади улар. Сизнинг дардингиз учун сиз билан қўшилиб кўз ёш тўкади, ана шу дўстларингизда сиз ҳеч қаерда кўрмаган адолатни кўрасизлар.

Исломда ёмонликка ўрин йўқ. Унда нега ёмон мусулмонлар бор, деб сўрашингиз мумкин. Биринчидан, биз инсонмиз, инсон бор жойда ёмонлик ҳам бўлади. Иккинчидан, кичикликдан таълим олмай юксак поғоналарга кўтариламиз, кейин эса кутилмаганда палахмондан отилган тошдек ерга ёпишиб қоламиз. Ана шулар ҳамма муаммонинг сабабларидир.

– Демак, мусулмонларнинг ичида ҳам ёмонлик бор экан, – афсус билан бош чайқади Вадот.

– Ҳақиқий мусулмон ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди, зулм қилмайди. Аммо алданиб қолса, нотўғри нарсаларни тўғри деб ишона бошласа... Фаҳмли бўлиш жуда муҳим. Ҳақиқий мусулмон Аллоҳнинг арқонини маҳкам ушлайди, бундай кишидан эса ёмонлик чиқмайди.

– Қандай қилиб ҳақиқий мусулмон бўлиш мумкин? Масалан, мен бўлишим мумкинми?

– Албатта, мумкин.

– Хўш, нимадан бошлашим керак?

– Аввало Аллоҳга имон келтиришдан бошлашинг керак. Ким Аллоҳга чин маънодан имон келтириб, исломга мувофиқ яшаса, даражаси фаришталарнинг даражасидан ҳам устун бўлиши мумкин. Имондан кейин намоз келади. Бу имтиҳон дунёсининг юки гоҳида чарчатиб кўйиши мумкин, аммо кун келиб ана шу чарчоқдан ҳам ҳузур оладиган бўласан. Саҳобалар шундай эди, Аллоҳнинг йўлида қийноқларга ҳам дош беришди. Аллоҳ учун жонларини беришди, Аллоҳ учун азобларга рози бўлишди. Улар исломни, имонни танлагач, ҳам ўзларини, ҳам юртларини ўзгартиришди. Биз эса ҳатто ўзимизни ҳам ўзгартира олмаяпмиз...

* * *

Вадотнинг қарори қатъий эди: тавба қилади ва Аллоҳга қайтади. Аввалига халожойга бориб, муздек сувда ғусл қилиб келди. Совқотаётганига ҳам парво қилмай жомадонини олиб Абузарнинг қаршисига қўйди. Жомадоннинг устига ўтириб, Абузарга тикилди.

– Энди гапир, имом. Нималар қилишим кераклигини бошидан охиригача тушунтир.

Мутаассир бўлган Абузарнинг кўзларига ёш келди.

– Аллоҳ сени ёрлақасин, биродарим. Бунчалар тез ҳидоят топишингдан ҳайрон қолдим. Нимадан бунчалик таъсирланганингни билсам бўладими?

Вадотнинг ҳам кўзларига ёш қалққан эди. Йиғлаб юбормаслик учун ўзини аранг тутиб турарди.

– Биласанми, имом, кичиклигимда отам мени ўқитган эди. Домлам ҳам менга Аллоҳ ҳақида чиройли қиссалар айтиб берган. Лекин ёшим улғайиб, омадсизликлар ёқамни қўйиб юбормади. Кейин диндан узоқлашиб кетдим. Айтган ҳамма гапларинг менга таъсир қилди. Шундай аҳволга келганманки, ҳатто намоз ўқишни ҳам унутиб юборганман. Ичимда ҳар доим нимадир бўлган, аммо атрофимдаги муҳит ёмон эди. Ҳозир қарорим қатъий. Дарҳол намоз ўқимоқчиман, шунинг учун ғусл қилиб келдим.

– Шу совуқда-я?! Ахир касал бўлиб қоласан! Таяммум қилсанг бўларди-ку!

– Қандай қилиш эсимда йўқ-да.

– Ҳа, майли, ўргатиб қўяман. Афсуски, бизнинг юртда ислом тўлиқ ўргатилмайди, ярми ҳақида гапирилиб, ярми ҳақида умуман оғиз очилмайди. Шундай нарсалар борки, ярмини кўрсак ҳам, унинг бутуни тасаввуримизда пайдо бўлади. Масалан, олманинг ярми сингари. Лекин шундай нарсалар ҳам борки, бутунига путур етса, ўша нарса йўқликка юз тутди...

* * *

Бомдодга бир неча соат қолган эди. Кўққисдан Абузарнинг эсига эрталаб дорга осилиши тушди. Дарҳол ўрнидан турди-да, ҳожат намозини ўқиди. Сўнг овоз чиқариб дуо қила бошлади:

– Аллоҳим! Умримнинг сўнгги соатларида мени ихлосдан айирма! Ёнимга шайтонни яқинлаштира!

Вадот суҳбатни давом эттиришни жуда истаётгани учун Абузарнинг дуосини бўлди:

– Оббо, имом-ей! Аллоҳ учун жонингни бер-япсан, ҳозиргача қандайдир шубҳанг бўлса, биз бечораларнинг аҳволи нима бўлади?.. Келақол, менга исломни тушунтираётган эдинг.

– Йўқ, сен нималардан таъсирланганинг ҳақида гапираётган эдинг.

– Ҳм... Биласанми, бу кеча мен учун минг кечага татигулик ўтяпти. Менга энг кўп сенинг имонинг таъсир қилди. Ўзингни Аллоҳга жуда яқин ҳис қилар экансан.

...Вадот хуфтонни ўқимоқчи бўлди. У намозни хушуъ билан ўқир эди. Абузар жуда хурсанд бўлди. Уларни кузатаётиб мен ҳам ўзимни ўзгартиришга қарор қилдим.

Намозни тугатгач, Вадот Абузарга ўтирилди:

– Биласанми, имом, Хадича синглимиз учун дуо қилдим. Аллоҳим, уни муродига етказ, дедим. Уни синглимдек кўриб қолдим. Унга бир томондан ҳурматим ошган бўлса, бошқа томондан раҳмим келди. Илтимос, бундан кейин уни кўримсиз деб атама!

– Аллоҳ сендан рози бўлсин, биродарим Вадот!..

Мутаассирлиги ошган Абузар тинмай кўз ёши тўкарди. Унга Вадот ҳам қўшилди. У ўкиргудек бўлиб йиғлай бошлади.

– Сен ўлмаслигинг керак, имом! Умримдан сендек одамни кўрмаганман. Сен ўлмаслигинг керак, сен бу дунёда кераксан...

Тўсатдан Вадотнинг хаёлига антиқа бир фикр келган эди. У тезгина ёшларини артди-да, бўлманинг ичида пилдирай бошлади. Ўзи сезмаган ҳолда фикрлари ташига ҳам чиқарди:

- Қизиқ, иложи бўлармикин?..
- Нима бўладими? Нималар деяпсан, Вадот?
- Сенга саволим бор, имом. Айтайлик, исломга хизмат қилиб келаётган бир олимга ўқ узилди. Умри Аллоҳга осийлик билан ўтган, аммо ўша куни имонга келган одам ўққа ўзини тутиб берса, ўша одам шаҳид ҳисобланадими?

Абузар ҳам ёшларини артиб, кулимсираганча жавоб қайтарди:

- Унақаси бўлмайди-да, Вадот.
- Фараз қилайлик деяпман-ку. Саволимга жавоб берсанг-чи, шаҳид ҳисобланадими ёки йўқми?

- Ҳа, шаҳид бўлади.

Вадот қатъият ва ўзига ишонч билан деди:

- У ҳолда сенинг ўрнингга мен осиламан!
- Абузар илқис ўрнидан туриб кетди.
- Телба бўлиб қолдингми сен?! Бўлмайди!
- Қарорим қатъий. Эрталаб назоратчиларнинг сменаси алмашади, янги келадиганлар мени танимайди. Иккаламиз ҳам соқоллимиз, улар сезмай қолади. Нариги дунёга сенинг ўрнингга мен кетаман. Сен эса бу дунёда исломга хизмат қилсан, одамларга исломни етказасан.

- Мени ҳайратда қолдирдинг, Вадот. Лекин мен бунга рози бўлолмайман.

- Нега энди? Сабабини айт.

- Айтолмайман.

- Олимни ўлимдан асраб, ўзини ўлимга тутиб берган одам шаҳид бўлади деддинг-ку?

- Лекин мен олим эмасман... Мени баттар йиғлатма, Вадот. Бу фидокорлигинг мени ўз ўлимдан кўпроқ йиғлатди. Лекин энди бу ҳақда офиз очма, илтимос.

– Мени қийнама, имом, бу ишга рози бўл. Сенга ўхшаган одамлар бўлмагани учун бизлар мана шу аҳволга тушганмиз. Сен бу дунёда кераксан.

– Асло... Ўз жонимни қутқариш учун кимнингдир ўлишига асло рози бўлолмайман.

– Эркалаб кетяпсан, имом! Фақат мен шаҳид бўлайин, бошқа биров бўлмасин, деяпсан, а?

Абузар кўзида ёш билан кулимсиради.

– Ҳа, шундай. Сезиб қолдинг-ку.

Вадот турган жойида болаларга ўхшаб депси-на бошлади.

– Асабим бузилиб кетяпти! Илтимос қиламан, кулма, имом!

– Куладиган гап гапирдинг-да, Вадот. Ҳам йиғлатадиган гап.

Абузар ҳам йиғлар, ҳам кулар эди. Бунақасини ҳеч қачон кўрмаган эдим.

Вадот ҳам йиғлаган кўйи гапирди:

– Умримда биринчи марта фойдали иш қилмоқчиман, тушунсанг-чи, имом! Ёки шаҳидлик менга ярашмайдими?

– Сенга мендан кўра кўпроқ ярашади, Вадот. Лекин менинг ўрнимга ўлишингга рози бўлолмайман. Мен бунга арзимайман...

Шу маҳал узоқ-узоқлардан азон овози эшитилди. Жимгина эшитдик азонни. Аҳмад ҳам таҳорат олиб келди. Улар яхшигина совқотган эди, лекин Аллоҳга бўлган яқинликлари туфайли совуққа парво қилишмасди.

Хушуъ билан ўқишди намозни. Нимқоронғи бўлмамизда гўё малаклар жаннат гулларини тарқатгандек кайфият бор эди...

Вадот ниятидан қайтмаганди. Мухлисни уйғотиб, бир четга тортди. Улар шивирлаб гаплашаётган бўлса-да, мен эшитиб тургандим.

– Менга қара, бақалоқ, сен қўли очиқ одамсан. Шу имом ўлимдан қутулиб қолишини истасанг, охирги марта яхшилик қил. Уни дордан асраб қолиш учун менга беш юз лира бер.

Мухлис ҳеч ўйланиб ўтирмай пулни узатди.

– Бу ҳақда имомга гуллаб қўймагин, хўпми?

– Хўп, лекин...

– Лекин-пекини йўқ, – чўрт кесди Вадот. Бироз ўйланиб тургач, гапини давом эттирди: – Энди сендан жаҳлим чиқмаяпти, хоҳлаганингча гапиравер, мени ҳароми дейишга ҳам мажбурламайман сени. Ўйлаб қарасам, онам адашган экан. Манзилени билганимда, унга мактуб ёзиб, агар Аллоҳга қайтса, кечирим мумкинлигини айтардим. Аммо у билан энди кўришмаймиз.

– Нега? Озодликка чиқяпсизми?

Вадот кулимсираган қўйи жавоб қайтарди:

– Ҳа. Устига-устак, озодликнинг энг аълосига эришяпман.

Сўнг назоратчини чақириб, илтимос қилди:

– Оға, манави пулни олгин-да, менга эфир олиб кел. Ёки одамни камида икки соатга ҳушидан кеткизадиган ҳабдори. Ўтинаман!

– Нима?! Қаердан топаман сенга эфирни?!

– Жуда ҳаяжонланиб кетяпман, оға. Юрагим чидолмаяпти. Ўн йил деганда озодликка чиқаман, хурсандчиликдан юрагим тўхтаб қолиши мумкин. Эфирдан озгина ҳидлаб, ҳушсиз ётишни хоҳлаяпман.

– Тушунарли. Лекин ҳеч кимга миқ этмайсан, а? Тиббиёт пунктида бор эди, бориб қарай-чи.

Ўн беш дақиқадан кейин назоратчи қўлида эфир билан қайтиб келди. Вадот хотиржам тортди. Абузар унинг ғимирлаб қолганидан нимадан-дир шубҳаланди.

- Нималар бўляпти, Вадот?
- Ҳеч нарса.
- Ниманидир яшираётганга ўхшаяпсан-да.
- Яшираётган бўлсам, топгин-чи.

Вақт имиллаб ўтаётган, Вадот эса режасини қандай амалга оширишни ўйлаётганди. Режасини мен ва Аҳмаддан яшириб ўтирмади, бироқ Мухлис билиб қолмаслиги керак эди.

- Менга қара, имом, сендан охирги марта илтимос қиляпман. Менга рухсат бер.

- Асло рухсат бермайман. Балки сен мендан яхшироқ мусулмон бўларсан, буни олдиндан билломаймиз-ку.

- Майли, бундай гапларни қўй, имом, - деди Вадот қувлик билан. Аслида унинг нияти Абузарни чалғитиш эди. - Энди мен нима қилишим керак?

- Аввало тавба қилишинг керак. Энди ўғирлик қилмайсан. Гиёҳванд модда, ичкилик, қимор, зино, шунга ўхшаш нарсаларга рухсат йўқ.

- Нималар деяпсан, имом? Энди мен қандай қилиб ўғрилик қилишим мумкин? Шунча вақтдан бери тушунмадингми, мен буткул тавба қилдим. Бошимни эгиб, Аллоҳга сажда қилдим. Устига-устак, икки маҳал намоз ҳам ўқидим.

- Энди ўлгунча тарк этмайсан намозни, - деди ҳеч нарсадан хабари йўқ Абузар. - Ана шунда тавбанг тўлиқ бўлади.

- Тушундим. Биласанми, имом, бу дунёда ҳеч кимим йўқ, ўлганимда ҳеч ким ортимдан йиғлаб қолмайди. Шунча гуноҳлардан кейин Ўзининг ҳузурига қандай қайтганимни Аллоҳга кўрсатмоқчиман. Унинг лутфига эшишишни хоҳлайман. Расулуллоҳ билан учрашиб: «Ё Расулуллоҳ!

Мен кўча-кўйда ўсган одам эдим. Сизни ва сиз омонат қилиб қолдирган исломни яхши кўрганим учун жонимдан кечдим», демоқчиман. Аммо буни менга кўп кўряпсан.

– Жонингни беришинг шарт эмас-ку! Аллоҳнинг йўлида исломни ўрган, ўргат. Вақти келиб, поймонанг тўлганида шаҳид ҳам бўларсан.

– Қўйсанг-чи, шу жониннинг ҳеч қандай қиймати йўқлигини жуда яхши биласан. Шунинг учун ҳам таклифимга рози бўлмааяпсан.

– Бас, Вадот! Бунақа таклиф ҳақида китобда ўқисам, муболаға деб ўйлаган бўлардим. Тен-таклик қилма, мени тинч қўй.

Вадот қўлини силтаганча бақира бошлади:

– Домлаларнинг аҳволи шу-да! Аллоҳнинг се-викли бандаси фақат ўзлари бўлишини хоҳлайди.

У йиғлаётган эди.

– Аллоҳнинг севикли бандаси бўлишимизга рухсат беришмади-ку, ахир. Бўлолмаган бўлсак, айб биздами?.. Нега мени одам ўрнида кўрма-япсан?.. Нега Хадича синглимизни, онангни ўй-ламаяпсан?..

– Бу мавзу кўп чўзилиб кетди, Вадот. Рухсат берсанг, умримнинг охирги соатларини бемалол ўтказай...

Вадотнинг режасини амалга оширишдан бош-қа чораси қолмаганди.

Вақт яқинлашди.

Аввал Мухлисга эфир ҳидлатиши керак эди. Мухлис ўзига келганида Абузар ҳам, Вадот ҳам бўлмада бўлмайди. Шу тариқа ёпиғлиқ қозон ёпиқлигича қолади.

Вадот Мухлисни уйғотиб, аста унга яқинлашди.

– Ошна, мана шуни ҳидлаб кўргин, нималигини била олмаяпман.

– Уйқум келяпти. Илтимос, мени тинч қўйинг. Вадот унга тезгина эфирни ҳидлатди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Мухлис ҳушидан кетди.

Вадот энди Қуръон ўқиб ўтирган Абузарга яқинлашди.

– Имом, илтимос қиламан, шуни бир ҳидлаб кўр, ниманинг ҳиди экан, билолмадим. Анави бақалоққа айтсам, ҳидлашни истамади...

Абузар ўтирган жойида ҳушидан кетди...

– Тезроқ келинглар, – дея юзланди Вадот мен билан Аҳмадга. – Имомни тезроқ ётқизайлик. Менинг соқол-мўйловимни исломга мувофиқ калталашимиз керак.

У алақаёқдандир қайчи олиб узатди. Хуллас, соқол ва мўйлови эпақага келтирилади. Абузарнинг кунясини ёдлаб, ўзини ўзини синаб кўрди. Режа силиқ кетаётган эди. Энди дорга осилиш пайтини кутишдан бошқа иши қолмаганди.

Вадот қаттиқ ҳаяжонланар, ичидаги алланечук кўрқувни енгишга қийналар, ўзига ўзи гапирар эди:

– Дорни кўриб, ниятимдан қайтиб қолсам-чи?.. Йў-ў-ў-қ, ундай қилмайман...

Ниҳоят назоратчининг овози эшитилди.

– Ўлим жазоси олган Абузар, тайёرمىсан?

Вадот ўрнидан сапчиб турди.

– Тайёрман!

– Унда келақол.

Вадот менга ва Аҳмадга қаради. Аҳмад унсизгина йиғлаётган эди. Вадот унга миннатдорчилик билдирди. Мен ҳам кўз ёшларимни тўхтата олмаётгандим. Вадотни қаттиқ кучоқладим.

У охирги бор қўлини силтаганча ташқарига йўл олди.

Сир бой бермай:

– Вадотга салом айтинглар, ўзини эҳтиёт қилсин, – деди.

Бизга сўнгги бор нигоҳ ташлади-да, бўлмадан чиқди. Бўлманинг эшиги тарақлаб ёпилади.

Кейин нималар бўлганини менга назоратчи айтиб берди.

Назоратчилар ҳужжатларни текшираётганда Вадот уларни ҳайрон қолдирганча шошиштирибди:

– Илтимос, тезроқ бўлақолинглар.

Жаллод, уч нафар назоратчи, бир нечта ходим ҳамроҳлигида Вадотни турманинг орқа томонига олиб ўтишибди. Унга оппоқ либос кийдиришибди.

Ўша пайт паға-паға қор ёғаётган экан.

Вадот аввал ўннга, кейин чапга қарабди. Кейин нарироқдаги дорга. «Сал туриб шу дорда осилган бўламан», – дегандек тикилиб турганмиш.

Уни дорга олиб бориб, бўйнидан арқонни ўтказишибди. Фарбча таомилга амал қилиб, имом ҳам чақришган экан.

– Сизни ким юборди бу ерга? – сўрабди Вадот.

– Подшоҳимиз.

– Подшоҳингиз менинг нимамни ўйлабди?

– Охиратингизни...

– Менинг бу дунёни ўйламаган подшоҳингиз нега менинг охиратим ҳақида ташвиш қилиб қолибди? Унга асло ишонмайман. Қачон унга ишонсам, мени ё Европанинг эшигига, ёки черковнинг остонасига, ёхуд турмага улоқтирди. Ҳа, унга ишонмайман. Менинг бу дунёдаги ҳаётимни бардод қилган одам қандай қилиб охиратим ҳақида ўйлаши мумкин?..

Имом ҳеч нарса деёлмай қолибди...

Назоратчилардан бири сўрабди:

– Охирги истагинг нима, Абузар?

– Икки ракат намоз ўқимоқчиман.

Ходимлардан бири эса эътироз билдирибди:

– Бўлмайди! Намоз ўқишингни кутишга вақтим йўқ!

Вадот унга нафрат билан тикилиб турибди-да, кутилмаганда юзига тупуриб юборибди.

– Кечирасан, сенга эмас, мени шу аҳволга солганларга тупуришим керак эди...

* * *

Абузар эшикнинг тарақлашидан уйғониб кетди. Ётоқдан туша солиб соатга қаради.

– Аллоҳ, Аллоҳ! Мен бу пайтда осилган бўлишим керак эди-ку. Нима бўлди, нега мени ҳалигача олиб кетишмади?

Аҳмад йиғлаганча Вадот қолдирган мактубни унга узатди. Абузар мактубни ўқир экан, қўли титрай бошлади.

«Севикли имом!

Сен бу мактубни ўқиётганингда мен шаҳидликка эришган бўламан. Сен лойиқ кўрмадинг, лекин мен уддаладим (ҳазиллашдим, жиддий қабул қилма).

Ҳа, мен шаҳид бўлган бўламан.

Мен озодликка чиқадиган вақт келганида менинг ўрнимга озодликка чиқ.

Бундан буён менинг ҳужжатларим билан яша. Ҳужжатларни чўнтагингга солиб қўйганман.

Бошқа жойга кўчиб ўт.

Мени ҳеч ким сўраб келмайди, шунинг учун хавотир олма, сени ҳеч ким безовта қилмайди.

Ташқарига чиққандан кейин қиладиган биринчи ишинг Хадича синглимизга уйланиш бўлсин. Аллоҳ сизларга бахт ато этсин. Синглимни асло хафа қилма.

Домла!

Эсингдами, бу шундай ишки, ичида хоинлари ҳам, фидойилару мардлари ҳам бор, деган эдинг. Шу гапинг менга қаттиқ таъсир қилди. Буни ҳамма жойда гапир, хўпми? Ташқаридан қараганда, мусулмонлар худди бир-бирини гажиётгандек кўринади гўё. Бу тасаввурни йўқ қилиш керак. Сен айтгандек, бу юртда ислом чала-чулпа тушинтирилади. Шунинг учун ҳам сенинг ўрнингга дорга осилишга қарор қилдим: сен ва бошқа мусулмонлар исломни одамларга тўлиқ етказинглар. Менга ўхшаганларни қутқаринглар.

Шу иш учун ҳам сен кераксан. Менинг эса қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Илтимос, эсон-омон ташқарига чиқишни уддала.

Нариги дунёда кўришгунча! Омон бўл, имонли имом!»

Абузар чўккалаб қолган эди. Тонгга яқин Вадот айтган гапни эслади: «Биласанми, имом, Хадича синглимиз учун дуо қилдим. Аллоҳим, уни муродига етказ, дедим...»

– Аллоҳ, дуойингни қабул қилди, Вадот. Сенинг ёрдаминг билан Хадичани муродига етказди...

Сўнг дуо қилди:

– Аллоҳим! Вадотни улуғ шаҳидлар қаторига қўй! Ундан рози бўл!

Абузар бир зум ўзига келди-да, мактубни майдалаб йиртиб ташлади. «Агар қўлга тушиб қолишим эҳтимоли бўлмаганида эди, бу мактубни ҳеч қачон йиртмасдим, – дея хаёлидан ўтказди. –

Агар қўлга тушиб қолсам, мени яна осишади, сен эса бекордан бекорга ўлиб кетган бўласан. Сен учун ҳам қўлга тушмасликка ҳаракат қиламан, Вадот!»

Шу пайт ташқаридан овоз эшитилди:

– Вадот! Нима бало, ухлаб қолдингми? Нега чиқмаяпсан ҳалигача?

Абузар дордан қутулиб қолганига хурсанд бўлсинми, Вадотнинг ўлганига хафа бўлсинми, нима қилишини билолмай қолганди. Каловланганча атрофга, бизга қаради. Сўнг жомадонини олиб эшик томон қадам ташлади.

– Тезроқ, бўл, Вадот! Сендан бошқа ишимиз ҳам бор, – шошилтирди назоратчи.

Абузар Аҳмадни кучиб, юзига тикилди.

– Сени ҳеч қачон унутмайман, Аҳмад! Қачон бирор турмага кўзим тушса, ичида дардини айтолмаган, ҳақли эканлигини исботлай олмаган кимлардир борлигини эсга оламан!..

ХОТИМА ЎРНИДА

Турмада пайтимда бир куни паспорт масаласи туфайли кўшни давлатлик бир аёл келди. У Аб-узарнинг қизи эди. Сиз ўқиган асарни у айтиб берди, мен ёздим.

Агар ҳаёти ҳақида китоб ёзилишини билганида эди, ишончим комилки, Вадот сизларга салом айтган бўларди.

А.Ш.

МУНДАРИЖА

Биринчи боб

Бўлмада	7
Овқат пайти	39
Ҳеч қачон Раббимдан айро қолмадим.....	54
Бир лаҳза бир соатга тенг бўлганида	58

Иккинчи боб

Энг катта нарх энг қиммат нарсага тўланади	96
Нега ишонишмайди?.....	103
Хотима ўрнида	141

Адабий-бадиий нашр

АМИНА ШЕНЛИКУҒЛИ
ДОР ОСТИДАГИ ОДАМ

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҶОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖҰРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 22.01.2021 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма табағи 4,0. Шартли босма табағи 6,72.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 35.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43.

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

Ушбу воқеани ёзаётганимда аввалига роса кулдим. Бир куни ярим кечаси шунчалик қаттиқ кулибманки, овозим турмуш ўртоғимни чўчитиб юборибди. Қарасам, эшикдан мўралаганча мени кузатяпти. Нима бўлганини сўрадим.

– Нима бўларди, овозингни эшитиб, бу хотин ақлдан оздим, деб ўйладим. Бу китобнинг ёзувчиси шунчалик кулаётган экан, ўқувчиси нима қилади? – деди.

Орадан кунлар ўтиб, айти китобни ёзар эканман, кўз ёшларим шашқатор оқаётган эди. Эрим мени бу сафар йиғлаётган ҳолимда кўрди.

– Аллоҳ, Аллоҳ! Бу қандай китоб ўзи? Жуда қизиқиб кетяпман. Валлоҳи, ёзишни тугатишинг билан ўқиб чиқаман, – деди қизиқсиниб.

Ниҳоят, тугади.

Йиллар давомида ўнлаб марта, қайта-қайта босилди.

Юртимизда, Фарбда, айрим мусулмон мамлакатларда бу асар асосида спектакллар саҳналаштирилди.

Энди бир нарсани билгим келяпти: китобни қўлингизга олиб ўқишни бошладингиз. Сиз ҳам мен кулган жойда кулиб, мен йиғлаган жойда йиғлармикансиз?..

**Амина Шенликўгли,
2005 йил, Истанбул**

ISBN 978-9943-20-802-5



9 789943 208025



АНС АСР АВЛОДИ

www.book.uz